

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

С. А. Раззоқов, В. Г. Кан

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатида киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-99-75, 265-23-56.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикрига мос келмаслиги мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Оффсет усулида босилди. Адади 300 нусха. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик марказида чоп этилди. Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

Босишга рухсат этилди 30.06.2016.

Буюртма № 198

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2016.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНING

АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2016 йил, 2-сон

МУНДАРИЖА

Қонун устуворлиги ва қонунчилик тарғиботи**Верховенство закона и пропаганда законодательства***Мухамедов Ў. Х., Ҳакимов Р. Р.*

Парламент назорати ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви — ҳокимият тизимида мувозанатни таъминлашнинг муҳим омили.....3

Ёдгоров Х.

О внедрении электронного судопроизводства в судах по гражданским делам.....10

Файзиев О.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилишига сабаб бўлаётган асосий ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари.....14

Азизов Н. П., Тураев А. П.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови — демократия кўзгуси.....17

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари**Перспективы развития гражданского общества***Эрназаров Р. У.*

Фуқаролик жамиятида жамоатчилик назорати институтларини ривожлантириш истиқболлари.....21

Рузиев З.

Маҳалла институтининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдаги ваколатлари.....26

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера
С. А. Раззаков, В. Г. Кан

Дизайн и верстка
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-99-75, 265-23-56.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в Издательском центре Академии МВД Республики Узбекистан. г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Подписано в печать 30.03.2016.

Заказ № 198 ISSN 2181-4872

© Академия МВД
Республики Узбекистан, 2016.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб муаммолар

Актуальные проблемы обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью

Мухторов Ж.С., Хўжақулов С.Б.
Аёллар жиноятчилигининг профилактикаси.....32

Базаров Ф.А.
Одам савдосига қарши курашишнинг миграция билан боғлиқ айрим масалалари.....38

Кучкаров Т.Р.
Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини квалификация қилиш ва жавобгарлик чораларини такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар.....43

Хайдаров М.М.
Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик.....47

Югай Л. Ю, Бабамурадов А. Б., Хусанов А. Д.
Трасологик экспертизалар ўтказишдаги хатолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....51

Ўразалиев М.Қ.
Гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний муомалада бўлиши ва истеъмол қилинишига қарши кураш муаммолари.....55

Тадқиқот, таҳлил, мулоҳаза

Исследование, анализ, дискуссия

Эгамбердиев Э.
Судда ҳимояланиш — шахсининг муҳим конституциявий ҳуқуқи.....60

Рахмонова С. М.
Жиноят ишлари юритувида суд ваколатларини кенгайтириш истиқболлари.....66

Турсунов А.С., Ганиев Ш.А.
Кўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятининг ҳуқуқий таҳлили.....70

Гиясов Ш. К.
Ҳаётга қарши жиноятлар билан курашуш фаолиятида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти.....77

Бердияров Ш.Н.
Идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатлари.....82

Расулев А. К.
Родовой объект преступлений в сфере информационных технологий и безопасности.....87

Очилов Ҳ.
Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг объекти.....92

Ў. Х. Мухамедов,
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
бошлиғининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори;*
Р. Р. Ҳақимов,
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент*

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ – ҲОКИМИЯТ ТИЗИМИДА МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада ҳоқимият тизимида мувозанатни таъминлашнинг муҳим омили сифатида парламент назоратининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган ҳамда уларни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: парламент, парламент назорати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳоқимият тизимида мувозанат.

Мухамедов У. Х., Ҳақимов Р. Р. Совершенствование правовых основ парламентского контроля – важный фактор обеспечения баланса в системе власти

Аннотация. В статье анализируются правовые основы парламентского контроля как важного фактора обеспечения равновесия в системе власти, даются рекомендации по их совершенствованию.

Ключевые слова: парламент, парламентский контроль, нормативно-правовые акты, баланс в системе власти.

Mukhamedov U. Kh., Khakimov R. R. Improvement of rightful principles of parliamentary control is an important factor of ensuring the balance in the system of authority

Annotation. The article analyses rightful principles of parliamentary control as an important factor of ensuring the balance in the system of authority, gives recommendations on their improvement.

Key words: parliament, parliamentary control, legal acts, balance in the system of authority.

Жорий йилнинг 12 апрелида мамлакатимиз парламентаризми ривожда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни матбуотда эълон қилинди ва расман кучга кирди¹.

Маълумки, дунё ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинган ривожланиш йўли асосида мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ҳоқимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувоза-

нати тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш парламентнинг роли, ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га асосан 2011 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига киририлган ўзгартиш ва қўшимчалар² давлат

ҳокимиятининг асосий субъектлари, жумладан, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг давлат бошқаруви соҳасидаги ваколатларини оптималлаштиришга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг ривожланишига хизмат қилди.

Муҳими, мазкур ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, жойлардаги вакиллик органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини ошириш билан бирга, ҳукумат, ижро этувчи ҳокимият органларининг қонунлар ижросини сўзсиз таъминлашдаги масъулиятини кучайтириш имконини берди.

Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида 2014 йилда Конституциянинг 78-моддаси парламент назоратини амалга ошириш бўйича қонун чиқарувчи орган ваколатларини конституциявий мустақамлашга қаратилган қоидалар билан тўлдирилди. Бу, ўз навбатида, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг конституциявий асосларини мустақамлашда, парламент назорати институти кўламининг янада кенгайиши ва ривожланишида алоҳида аҳамият касб этди. Қолаверса, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши учун конституциявий-ҳуқуқий замин яратди.

Бугунги кунда юртимизда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини 20 дан ортиқ қонунлар ташкил этади. Жумладан, парламент назоратини амалга ошириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларда, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида», «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонунларда ўз аксини топган.

«Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг мақсади парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқадорлигини такомиллаштириш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмлар яратишга қаратилган.

Мазкур қонун 28 моддадан иборат бўлиб, уни тайёрлашда 30 дан ортиқ хорижий давлатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Швеция, Швейцария, Чехия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ўрганилган.

Қонунда парламент назоратининг субъектлари, объектлари, шакллари, назорат натижалари, назорат субъектлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг мажбуриятлари, ушбу назоратни амалга оширишнинг тартиби батафсил белгилаб қўйилди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, уларнинг кўмиталари, комиссиялари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назоратининг субъектлари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Олий Мажлис палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назоратининг объекти сифатида мустақамланди.

Айни пайтда, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принциpidан келиб чиқиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек, ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Қонунда парламент назоратининг жаҳон миқёсида кенг тан олинган ва мамлакатимиз парламенти амалиётида синалган қуйидаги шакллари назарда тутилди:

навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси, Бош прокурори, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

парламент сўрови;

Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

қонун ҳужжатлари ижросининг ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчи-

лик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

парламент текширувини амалга ошириш.

Парламент назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш тартиби қонуннинг алоҳида моддаларида батафсил белгилаб қўйилган. Хусусан, Давлат бюджетини қабул қилиш масаласида фракциялар, депутатлар гуруҳлари, қўмиталарнинг ваколатлари кенгайтирилди. Улар Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қиладилар, у бўйича таклифлар ишлаб чиқадиладар. Зарур ҳолларда муҳокамалар чоғида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджети лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади. Фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг Давлат бюджети лойиҳаси бўйича фикр ва таклифлари Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисида ахборот ва зарур материалларни юборади. Қонунчилик палатаси ҳар чоракда Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларининг фикрлари ва таклифлари, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокамадан ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай ҳисоб палатасининг

хулосаси билан бирга Қонунчилик палатасига тақдим этади. Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар, депутатлар гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталарида муҳокама этилганидан кейин Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилади ҳамда унинг қарори билан тасдиқланади.

Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш ҳамда Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш тартибини белгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш яқунлари ҳамда Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилиб, унда ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкинлиги назарда тутилди.

Қонуннинг муҳим янгиликларидан бири – бу парламент сўрови ва депутат, сенатор сўрови институтларининг алоҳида белгила-нишидир. Унга кўра, Қонунчилик палатаси, Сенат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли. Парламент сўровини юбориш тўғрисидаги таклиф Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қўмиталар, фракциялар, депутатлар гуруҳлари томонидан, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан, Сенат кўриб чиқиши учун эса қўмиталар томонидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан киритилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига оғзаки жавобни тегишлича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида палаталар белгилаган муддатда беради. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига ёзма жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим.

Парламент сўровига ёзма жавоб Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Ёзма жавобнинг нусхалари тегишли палатанинг мажлисида ўқиб эшиттирилгунига қадар олдиндан Қонунчилик палатаси депутатларига, Сенат аъзоларига юборилади.

Парламент сўровига жавоб тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қонунчилик палатаси, Сенат парламент сўрови муҳокамаси яқунлари бўйича қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, Сенат аъзоси эса тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослангилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаётганлигининг сабабларидан бири сифатида мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганлигини таъкидлаб ўтган эди³. Мана шундай муаммолар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланди.

Унга қўра, Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади. Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш яқунлари бўйича

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиши, шунингдек, ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатаси, Сенат кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Эндиликда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Мониторинг яқунлари Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари мажлисларида кўриб чиқиши мумкин.

Муҳим янгиликлардан яна бири – парламент текшируви институтининг мустақамланганлигидир. Унга қўра, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин. Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек, фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек, фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилиш.

Комиссия Олий Мажлис палаталари-

нинг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин ва бажарилган иш тўғрисида Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланган муддатда уларни хабардор қилади.

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида⁴ мамлакатимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш соҳасидаги ишларга тўхталиб, Олий Мажлис Сенати прокуратура фаолияти устидан назоратни кучайтириши ва унинг фаолияти қонунийлиги масаласини кўриб чиқиши зарурлигини алоҳида қайд этган эди. Шундан келиб чиқиб, қонунда прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилди. Хусусан, прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилиши белгиланди. Мазкур комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиби Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан белгиланиши назарда тутилди.

Айтиш керакки, қонунда парламент назорати натижаларининг алоҳида моддада бир тизимга солиниб мустақамлаб қўйилгани мазкур назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Унга кўра, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича:

ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига

юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг амалга оширилиши самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклифлар ва тавсиялар киритиши;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборотни ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориши;

парламент назорати материалларини ваколатли давлат органларига ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун юбориши;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиши;

мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар ва тавсиялар киритиши;

янги қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиши;

парламент назорати натижаларини эълон қилиши мумкинлиги аниқ белгиланди.

Қайд этиш лозимки, парламент назорати самарали бўлиши учун унинг натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли, қонуннинг алоҳида моддасида парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш масалалари тартибга солинди. Яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг кўриб чиқилиши ва ижро этилишини таъминлаши;

парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқиши ва (ёки) қарорлар қабул қилиши;

таклифлар ва тавсияларни кўриб чиқиш натижалари ҳамда улар бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида парламент назорати субъектларига хабар қилиши;

қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриши белгилаб қўйилди.

Маълумки, парламент назоратини амалга оширишда уни амалга оширувчи субъектларнинг мажбуриятларини белгилаш ҳам муҳим. Зеро, ушбу ҳолат парламент назоратининг чегарасини ўрнатиш орқали давлат ҳокимияти бўлиниши принципнинг самарали ишлаши учун муҳимдир. Шу боис, қонунда парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ҳамда уларнинг мансабдор шахсларини парламент назоратини ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар билан таништириши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган

бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт эканлиги белгилаб қўйилди.

Айни пайтда, парламент назорати субъектлари парламент назоратини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент назорати амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши, парламент назорати субъектларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги, парламент назорати субъектларига парламент назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши, уларнинг ишончлилиги ва холислигини таъминлаши шарт.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент назорати субъектларининг парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларини кўриб чиқиши ва унинг натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни белгиланган муддатда хабардор қилиши шартлиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонуннинг самарали ижроси қонунлар, парламент палаталари қарорлари ва давлат дастурларининг самарали ижросини таъминлашга, парламент палаталарининг назорат фаолияти самарадорлигини оширишга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида Олий Мажлиснинг роли ва таъсирини янада кучайтиришга хизмат қилади.

¹ Халқ сўзи. – 2016. – 12 апр.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2011. – № 4. – 100, 85-мм.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2015 йил 23 январь // Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т. 23. – Т., 2015. – Б. 249–250.

⁴ Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2015 йил 5 декабрь // Халқ сўзи. – 2015. – 6 дек.

Х. Ёдгоров,
председатель судебной коллегии по гражданским делам
Верховного суда Республики Узбекистан

О ВНЕДРЕНИИ ЭЛЕКТРОННОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА В СУДАХ ПО ГРАЖДАНСКИМ ДЕЛАМ

Аннотация. Статья посвящена актуальной проблеме законодательного обеспечения процесса внедрения в Узбекистане информационно-коммуникационных технологий в деятельность судов по гражданским делам. Автор вносит конкретные предложения, направленные на совершенствование документооборота в электронной форме через информационную систему E-SUD.

Ключевые слова: суды по гражданским делам, электронное судопроизводство, документооборот, электронная форма, электронная цифровая подпись.

Ёдгоров Х. Фуқаролик ишлари бўйича судларда электрон судловни жорий этиш тўғрисида.

Аннотация. Мақола Ўзбекистонда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини таъминлашдек долзарб муаммага бағишланган. Муаллиф E-SUD ахборот тизими орқали электрон шаклдаги ҳужжатлар муомаласини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар беради.

Таянч тушунчалар: фуқаролик ишлари бўйича судлар, электрон судлов, ҳужжатлар муомаласи, электрон шакл, электрон рақамли имзо.

Yodgorov H. About introduction of electronic legal proceedings in courts on civil cases.

Annotation. Article is devoted to the actual problem of legislative guarantee of the process of introduction in Uzbekistan of information and communication technologies in the activity of civil courts. The author makes the specific proposals aimed at improving the workflow in the electronic form through the E-SUD information system.

Key words: courts on civil cases, electronic legal proceedings, workflow, electronic form, the electronic and digital signature.

В судебной-правовой системе осуществляется поэтапная и целенаправленная реформа, главной целью которой является повышение роли судов в эффективной защите прав человека. Повышение эффективности деятельности судов при отправлении правосудия влечет за собой относительно комфортные условия для лиц, участвующих в деле, при рассмотрении их споров, сокращение излишних проволочек при рассмотрении дела, количества визитов в здание суда и сроков рассмотрения обращений, повышение качества судебных актов. В этой связи сегодня большое внимание уделяется внедрению современных информационно-коммуникационных технологий в деятельность судов и повышению эффективности их использования.

Внедрение ИКТ в деятельность судов, будучи частью стратегии по развитию электронного правительства в Узбекистане, само по себе направлено на повышение прозрачности деятельности судов и повышение доступности информации о судах и осуществляется на основании Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному улучшению социальной защиты работников судебной системы» № УП-4459 от 2 августа 2012 г. и постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по внедрению в деятельность судов современных информационно-коммуникационных технологий» № 346 от 10 декабря 2012 г., которыми обозначены следующие цели внедрения ИКТ в деятельность судов:

а) расширение перечня и улучшение качества интерактивных услуг;

б) совершенствование механизмов сбора, обработки, систематизации и хранения информации о деятельности судов;

в) внедрение современных механизмов обращения в суды с исковыми и иными заявлениями, получение судебных уведомлений, ознакомление с процессуальными актами суда и др.

В рамках реализации поставленных целей Верховным судом Республики Узбекистан совместно с представительством Программы развития ООН в Узбекистане разрабатывается национальная информационная система электронного судопроизводства E-SUD для судов по гражданским делам, предоставляющая внешним пользователям возможности:

а) подавать в суды иски, ходатайства и прилагаемые к ним документы в электронном виде посредством сети Интернет;

б) отслеживать последние изменения по рассматриваемому гражданскому делу через информационную систему без необходимости посещения здания суда;

в) получать судебные уведомления и повестки суда в электронной форме;

г) получать процессуальные документы и решения суда в электронной форме и знакомиться с их содержанием в сети Интернет.

Кроме того, информационная система E-SUD предоставляет внутренним пользователям (судьям, сотрудникам судов) следующие функции и возможности:

а) внедрение в деятельность судов по гражданским делам электронных досье посредством внедрения электронного документооборота;

б) создание механизма сбора, обработки, систематизации и хранения информации о деятельности суда в электронной форме;

в) автоматизация составления статистической отчетности судов;

г) экономия времени на составление отдельных документов суда (не разрешающих

рассматриваемый спор по существу) в результате их генерирования информационной системой на основании шаблонов судебных актов;

д) автоматизация уведомлений сторон об изменениях в гражданском деле и новых процессуальных документах, принятых по делу, в электронной форме.

Информационная система E-SUD в части приказного производства успешно протестирована в Зангиатинском межрайонном суде по гражданским делам в течение 2014 г. и в настоящее время внедряется в деятельность межрайонных судов по гражданским делам г. Ташкента и Ташкентской области.

Отличительной чертой информационной системы E-SUD является то, что, кроме составления статистической отчетности нажатием одной кнопки, она также позволяет вести учет дезагрегированной информации по таким критериям, как возраст, пол, организационно-правовая форма юридических лиц и др.

В результате успешного тестирования Верховным судом Республики Узбекистан был разработан проект Закона «О внесении изменений и дополнений в Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан в связи с внедрением в деятельность судов современных ИКТ».

Положения данного законопроекта позже нашли свое отражение в Законе Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений, а также признании утратившими силу некоторых законодательных актов Республики Узбекистан» № ЗРУ-388 от 10 июня 2015 г.

Данный закон предусматривает ряд новшеств.

Прежде всего, данным законом в ГПК Республики Узбекистан устанавливается возможность подачи исковых заявлений, заявлений, жалоб и приложенных к ним документов в электронной форме через информационную систему.

Целый ряд статей закона дает возможность судам осуществлять свои полномочия

по направлению судебных актов и судебных повесток в электронной форме через информационную систему. Соответственно в ГПК Республики Узбекистан закреплена норма, согласно которой в исковых заявлениях, заявлениях и жалобах могут указываться электронные адреса. Более того, предусмотрено обязательство сторон по уведомлению суда в случае изменения электронного адреса.

Законом расширено понятие письменных доказательств. В число письменных доказательств включены документы, «полученные посредством факса, электронной или иной связи либо другим способом, позволяющим установить достоверность документа».

Кроме того, закреплено важное правило, согласно которому указание в заявлении электронного адреса является согласием заявителя на получение судебных повесток и других извещений, копий решений и определений суда в электронной форме через информационную систему.

Внедрение в гражданское судопроизводство электронного документооборота является важным фактором повышения эффективности, оперативности рассмотрения сотен тысяч дел, которые ежегодно поступают в гражданские хозяйственные суды. Так, только в январе-феврале 2016 г. в межрайонные суды по гражданским делам г. Ташкента и Ташкентской области поступило свыше 2500 заявлений о выдаче судебного приказа в электронной форме. По этим заявлениям вынесено около 1 200 судебных приказов.

Необходимо отметить, что принятые изменения и дополнения в законодательство Республики Узбекистан являются начальным этапом законодательного регулирования внедрения ИКТ в деятельность судов. Развитие информационно-коммуникационных технологий позволяет внедрить дополнительные возможности в информационную систему E-SUD, что потребует соответствующего регулирования в процессуальном законодательстве. В частности, в обозримом

будущем необходимо рассмотреть возможность регламентирования в процессуальном законодательстве ряда вопросов.

1. Регламентация в ГПК Республики Узбекистан использования усовершенствованных механизмов доставки судебной корреспонденции, основанных на использовании современных ИКТ.

Информационная система E-SUD предусматривает использование двух основных механизмов доставки судебной корреспонденции и судебных повесток. Закрепление в процессуальном законодательстве использования новых, основанных на использовании современных информационно-коммуникационных технологий, механизмов уведомления участников судебного разбирательства направлено на реализацию принципов состязательности и равноправия сторон и будет способствовать своевременному уведомлению участников судебного разбирательства о времени и месте судебных заседаний, а также о других процессуальных действиях суда по рассматриваемому делу.

Первый механизм предусматривает использование виртуального рабочего кабинета сторон и других лиц, участвующих в деле, для доставки судебной корреспонденции и судебных повесток. Отличительной особенностью данного механизма является гарантированная доставка судебной корреспонденции и судебных повесток в виртуальный рабочий кабинет, поскольку виртуальный рабочий кабинет является неотъемлемой частью информационной системы E-SUD.

Второй механизм — это направление судебной корреспонденции на адреса электронной почты или на мобильные телефоны (в виде коротких СМС-сообщений) сторон и других лиц, участвующих в деле. Недостатком этого механизма является недостаточная гарантированность доставки судебной корреспонденции. Необходимо отметить, что использование адресов электронных почт и номеров мобильных

телефонов сторон и других лиц, участвующих в деле, для доставки судебных уведомлений регламентировано в законодательствах таких стран, как Республика Корея и Российская Федерация. Кроме того, направление судебных уведомлений в виде СМС-сообщений требует разрешения вопросов оплаты отправляемых СМС-сообщений.

Регламентация механизмов доставки судебной корреспонденции также требует закрепления такого понятия, как «фиксирование момента и факта направления (извещения) судебной корреспонденции, направляемой в электронной форме». Данное понятие является отправной точкой для правильного расчета процессуальных сроков.

2. Дальнейшее упрощение и внедрение анкетных форм обращений, подаваемых в суды.

Анкетные формы обращений, подаваемых в суды, имеют два положительных момента. Во-первых, они позволят повысить полноту и качество обращений, подаваемых в суды, что положительно скажется на эффективности деятельности судов за счет сокращения времени на обработку и первичный анализ обращения. Во-вторых, анкетные формы обращений позволят автоматизировать сбор информации об обращениях, подаваемых в суды.

Кроме того, при подаче обращений в суды предлагается предусмотреть дополнительные возможности для лиц, не имеющих возможность воспользоваться услугами адвокатов.

3. Регламентация использования судьями электронных цифровых подписей в судебных актах.

В соответствии с законодательством Республики Узбекистан внедрение электронного документооборота предусматривает использование электронной цифровой подписи. Поэтому требуется принятие мер по обеспечению всех судей электронными цифровыми подписями. Принимая во внимание, что судья является должностным лицом, назначаемым или избираемым на

должность в установленном законом порядке, уполномоченным на совершение юридически значимых действий, считаем необходимым рассмотреть вопрос о специальной электронной цифровой подписи (ЭЦП) для судьи. ЭЦП выдается при его назначении или избрании на должность и может быть аннулирована в установленном порядке (уполномоченным органом) после окончания срока полномочий судьи или при наличии оснований для досрочного освобождения судьи от занимаемой должности.

Также необходимо отметить, что ГПК Республики Узбекистан не содержит положений о том, кто подписывает судебные повестки. Данный вопрос регламентирован в Инструкции о порядке делопроизводства в межрайонных (городских, районных) судах по гражданским делам, утвержденной постановлением Президиума Верховного суда Республики Узбекистан от 31 марта 2014 г. В соответствии с пунктами 8.1.–8.3 этой Инструкции судебные повестки могут подписываться секретарями судебных заседаний. Данное положение требует обеспечения ЭЦП и секретарей судебных заседаний.

В связи с внедрением электронного документооборота в деятельность судов полагаем также необходимым пересмотреть порядок проставления электронной печати на судебные акты.

В заключение необходимо отметить, что внедрение информационно-коммуникационных технологий в деятельность судов способствует повышению эффективности деятельности судов в выполнении задач по соблюдению личных, политических, экономических и социальных прав, свобод и интересов граждан, прав и охраняемых законом интересов предприятий, учреждений, организаций, общественных объединений и органов самоуправления граждан, а также обеспечению верховенства закона в деятельности судов Республике Узбекистан.

О. Файзиев,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги бўлим бошлиғи

ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛМАГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АМАЛГА КИРИТИЛИШИГА САБАБ БЎЛАЁТГАН АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ

Аннотация. Мақолада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётида умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга киритиш ҳолатлари, бунга сабаб бўлаётган айрим омиллар таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: қонун устуворлиги, миллий ҳуқуқ тизими, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, умуммажбурий тусдаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳуқуқий экспертиза.

Файзиев О. Основные факторы, являющиеся причинами введения в действие нормативно-правовых актов, не прошедших государственную регистрацию, и меры по их устранению.

Аннотация. В статье анализируются основные факторы, являющиеся причинами введения в действие ведомственных нормативно-правовых актов, не прошедших общеобязательную государственную регистрацию, и меры по их устранению.

Ключевые слова: верховенство закона, национальная правовая система, нормативно-правовые акты, разработка документов общеобязательного характера, государственная регистрация ведомственных нормативно-правовых актов, правовая экспертиза.

Fayziyev O. The main factors serving as reasons for implementation of regulatory legal acts that have not passed the state registration and measures for their elimination.

Annotation. The article analyzes the main factors serving as reasons for implementation of the departmental normative legal acts that have not passed compulsory state registration and measures for their elimination.

Key words: rule of law, national legal system, normative legal acts, development of documents of obligatory character, state registration of departmental normative legal acts, legal examination.

Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида ижтимоий муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бинобарин, демократик жамият қуриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши шарт. Бундай қонун ҳужжатларига оғишмай риоя этилсагина, жамиятда демократия қарор топади ва мустақкам бўлади. Чунки, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида ҳаётга жорий этилади¹. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов: «Қонунчилик давлатнинг куч-қудратини, унинг халқ хоҳиш-иродасига таяниб иш олиб боришини кўрсатади»², — деган эди.

Қонун устуворлиги жамиятда қонунларга оғишмай риоя қилиш билан бирга, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ўзидан юқори турувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини талаб этади. Шу сабабли, қонун ҳужжатлари уларнинг Конституция ва бошқа қонунларга мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан экспертизадан ўтказилгандан кейин қабул қилинади. Жумладан, миллий ҳуқуқ тизимида вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, мазкур бошқарув органи тизимида кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган ёки идоралараро тусдаги ҳуқуқий ҳужжатларини Ўзбекистон Респуб-

ликаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш амалиёти жорий этилган.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади³. Уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалиёти жорий этилганига 20 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга киритиш ҳолатлари, афсуски, ҳанузгача учраб турибди. Тадбиркорлар ва фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг кўрсатишича, вазирлик ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилаётган бундай ҳужжатлар амалиётда юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг чекланиши, бюрократик тўсиқларнинг пайдо бўлиши, давлат органлари фаолиятида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шарт-шароитлар яратилиши, тадбиркорлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган руҳсат бериш тартиб-таомилларининг амал

қилиши ҳамда тадбиркорлар зиммасига ғайриқонуний равишда қўшимча мажбуриятлар юкланиши каби салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Таҳлиллар натижаси давлат рўйхатидан ўтказилмаган умуммажбурий тусдаги ҳужжатларнинг пайдо бўлишига айрим омиллар сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, ишлаб чиқиляётган қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этмасдан ижрога қаратиш ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолат нафақат ноқонуний ҳужжатлар пайдо бўлишига сабаб бўлади, қолаверса, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш ҳисобланади.

Иккинчидан, маълумки, муайян вазирлик ёки идоранинг мансабдор шахси томонидан ўзининг ҳудудий бўлинмаларига, тасарруфидаги ташкилотларга хат, кўрсатма, топшириқ, эслатма каби шаклларда жўнатиладиган ҳужжатлар вазирлик ёки идоранинг қуйи тизимидаги ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Қуйи тизимда хизмат қилаётган ходим томонидан қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган ёки бу талаблар нотўғри талқин қилинган мазкур ҳужжатларга асосланиб, қонунга хилоф қарорлар қабул қилинмоқда. Бу эса, шахс, жамият, давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, қонун ҳужжатлари нормалари юзасидан тушунтиришлар, шарҳлар ёки уларни қўллаш бўйича кўрсатмалар қабул қилиниши оқибатида уларнинг нормаларини нотўғри талқин қилиш, уларда назарда тутилмаган янги нормаларни қўшиб юбориш ҳоллари учрамоқда. Бунда вазирлик ва идоранинг мансабдор шахслари, хусусан, юридик хизмат ходимлари томонидан қонун ҳужжатлари нормалари бўйича тушунтиришлар, изоҳлар беришга чуқур масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Эслатиб ўтиш жоизки, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, қонуности ҳужжатлари нормаларига эса уларни қабул қилган органлар беради⁴. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 469-сонли қарорига мувофиқ, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор Адлия вазирлиги билан келишилганидан кейингина бажариш учун юборилиши мумкин⁵.

Тўртинчидан, айрим ижтимоий муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда, уларни умуммажбурий тусдаги ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга киритиш орқали тартибга солишга уринишлар мавжуд. Аслида, бундай вазиятда мавжуд муаммони ҳал қилиш учун юқори турувчи орган ёки Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган тарзда мурожаат қилиш, зарур ҳолларда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, баъзан ички директив ҳужжатларда (таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, вазирлик ва идораларда ўтказилган ҳайъат йиғилишлари ва мажлисларнинг баёнлари, бошқа вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида қўшма қарорлар тарзида қабул қилинган ҳужжатлар), турли ташкилотларнинг мурожаатларига берилган

жавоб хатларида ҳам умуммажбурий тусдаги нормалар мавжуд бўлиш ҳолатлари учрамоқда. Эътибор қаратадиган бўлсак, санаб ўтилган ҳолатларнинг барчасида ушбу ҳужжатларни амалга киритишда уларнинг ҳар бир бандига зарур даражада ҳуқуқий баҳо берилмаганлигини кўрсатувчи умумий хусусият мавжуд.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом»да юридик хизмат ходими давлат органи раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиши ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаган тақдирдагина, виза қўйиши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган ҳолатлар пайдо бўлишининг олдини олишда энг асосий масъулият, биринчи навбатда, юридик хизмат ходимлари зиммасига юклатилади. Бунинг учун вазирлик ва идоранинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган амалдаги барча ҳужжатларни танқидий жиҳатдан уларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда аниқланган давлат рўйхатидан ўтказилмаган умуммажбурий тусдаги ҳужжатларни ижродан қайтариб олиш ва бекор қилиш, ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказишга масъулият билан ёндашиш, шунингдек, барча ходимлар ўртасида зарур тушунтириш ишлари олиб бориш талаб этилади.

¹ Мирбобоев Б., Одилқориев Х. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш. — Т., 2011. — Б. 5.

² Каримов И.А. Парламент — жамият ҳаётининг кўзгуси // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — Б.169.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2012. — № 52. — 583-м.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати қарорлари тўплами. — 1997. — № 10. — 33-м.

Н.П. Азизов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси
ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент;

А.П. Тўраев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғининг ўринбосари

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда бўлиб ўтган маҳалла раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари натижалари ва уларнинг олдида турган истиқболдаги вазифалар таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари.

Азизов Н. П., Тураев А. П. Выборы председателей сходов граждан (аксакалов) и их советников – важный фактор гражданского общества

Аннотация. В статье анализируются результаты проведенных в Узбекистане выборов председателей (аксакалов) махаллей (сходов граждан) и их советников, а также рассматриваются перспективные задачи, стоящие перед ними.

Ключевые слова: органы самоуправления граждан, сход граждан (махалля), выборы председателей (аксакалов) махаллей и их советников.

Azizov N. P., Turayev A. P. Elections of chairmen of the citizens' assemblies (aksakals) and their advisers is an important factor of civil society

Annotation. The article analyzes the outcomes of the elections of chairmen (aksakals) of mahallas (the citizens' assemblies) and their advisers and considers the perspective tasks facing them.

Key words: citizens' self-government bodies, citizens' assemblies (mahallas), election of chairmen (aksakals) of mahallas and their advisers.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, баҳамжиҳатликни таъминлаш, комил инсонни тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди»¹.

Ҳукуматимиз томонидан маҳалла нуфузини оширишга нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки улкан сиёсий, тарбиявий ва маънавий масала сифатида қаралмоқда. Бунинг натижасида, маҳалла аҳолини

манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга ошириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоат назоратини таъминлаш, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда муҳим ўринга эга бўлган институтга айланди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда республикамизда 10188 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд бўлиб, улардан 8596 таси маҳалла, 101 таси шаҳарча, 1335 таси қишлоқ, 156 таси овул фуқаролар йиғинини ташкил этади. Фуқаролар йиғинлари маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, оилалар тинчлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий мафкура ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқдалар².

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб, ўзбек халқининг миллий кадриятларидан бири ҳисобланган маҳалланинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини юксалтириш, фуқаролар йиғинларининг тузилиши, фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Улар жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти ютуқлари асосида замон талабларига мувофиқлаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрири) (2013 йил 22 апрель) ҳамда янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги (2013 йил 22 апрель) қонунлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши, таркиби, ташкил этилиши ва фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди, деган конституциявий қоида мустаҳкамланган.

Юқорида келтирилган конституциявий қоидани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда сайловнинг демократик руҳда ўтишини таъминлайдиган муҳим ва ўзига хос ҳуқуқий қоидалар ўз аксини топган. Унда қонуннинг мақсади, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи, мазкур сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари, тартиби, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатиш, овоз бериш шакллари, сайлов яқунларини чиқариш ҳамда ушбу қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик масалалари ифодаланган.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёни давлат томонидан қўллаб-қувватла-

нади. Давлат ҳокимият органлари сайлов вақтида фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, зарур ҳолларда эса уларни бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлайди.

Қонунга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган. Ваколат муддати тугаган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига янги сайловлар, сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Сенат Кенгаши томонидан белгиланади. Республикамизда аввал сайланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаётганлиги сабабли, 2016 йилнинг 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга биноан, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгиланди³.

Сайловни юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан республика бўйича 208 та кўмаклашувчи комиссия тузилиб, сайловларнинг ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтиши учун барча зарурий чоралар кўрилди. Хусусан, ҳар бир фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди. Ишчи гуруҳлар томонидан фуқаролар йиғинлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий тадбирлар амалга оширилиши белгиланганлиги боис, уларнинг таркибига фуқаролар йиғини ҳамда тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан жойларда «Фуқаролар йиғинлари раислари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзуидаги семинарлар ташкил

этилди. Уларда Олий Мажлис Сенати Кенгаши кўмаклашувчи комиссияси, ҳудудий кўмаклашувчи комиссиялар аъзолари, уларнинг ҳузуридаги ахборот хизматлари вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари раислари, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг юқоридаги қарори асосида амалга оширилган зарурий чора-тадбирлар натижасида сайлов юқори савияда ўтди. Мамлакатимиз аҳолиси мазкур сайловда юксак ҳуқуқий маданиятини намойиш этган ҳолда, ўзлари яшаб турган ҳудудлардаги маҳаллаларда жойлашган фуқаролар йиғинларига жами 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафар маслаҳатчиларини сайладилар.

Муқобиллик, холислик, фуқароларимизнинг ўз маҳаллалари ҳаётига дахлдорлик ҳисси аҳоли ўртасида обрў-этиборга, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган муносиб номзодларни сайланишида муҳим омил бўлди.

Сайловларнинг ошкоралик, демократия асосида ўтганлигини «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар — 2016» мавзuida ўтказган ижтимоий сўров натижалари ҳам яққол кўрсатади. Турли ижтимоий қатламга мансуб фуқароларнинг деярли барчаси мустақиллик йилларида маҳалла, туб маънода, фуқаролик жамияти институтига айлангани, унинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни мустақамланганини алоҳида қайд этган. Сўров иштирокчиларининг 96,8 фоизи ўзи ҳамда оиласи ҳаётида маҳалла муҳим ўрин тутишини, истиқомат қилаётган ҳудудида осойишталик, барқарорлик, ободлик таъминланишида, демократик принциплар қарор топишида муҳим роль ўйнаётганини билдирган.

Аҳоли бўлиб ўтаётган сайловларга алоҳида эътибор билан қараб, фуқаролар йиғини раисига муносиб номзод сайланишидан манфаатдор эканини билдирган. Маҳалла раислигига кимларнинг номзоди кўрсатилгани, уларнинг дастурида нималар кўзда тутилганини билишга қизиқиш бу галги сайловда сезиларли даражада кучайган.

Ижтимоий сўров натижалари яна шуни кўрсатдики, сайловда аёллар фаол иштирок этиш билан бирга, улар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига сайландилар.

Ўтказилган сайловларда лавозимларига янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари олдида истиқболда амалга ошириш лозим бўлган бир қатор вазифалар, ўзига хос ечимни талаб қилувчи масалалар турганини эътироф этиш лозим. Бугунги глобаллашув даврида улар олдида масалага замонавий ёндашиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, одил фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ туб ислоҳий жараёнлар йўналишларини чуқур англаш ва уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар турибди.

Шунингдек, аҳолининг ватанимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш, ҳар бир фуқаронинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар олдида салмоқли вазифалар қўймоқда.

Маҳалланинг шахс, жамият, давлат билан ўзаро муносабатлари, миллий хавфсизликни таъминлаш, диний бағрикенглик, виждон эркинлиги ва эътиқод эркинлигини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари олдида турган вазифалардир.

Шахс камолотида маҳалланинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, она юртимизни асраб-авайлаш эътиқоди билан яшашга, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво ва лоқайд бўлмасликка, халқ ва мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини чуқур англаб этиш, садоқат, адолатпарварлик, ҳалоллик хислатларини шакллантириш, халққа хизмат қилиш руҳида тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёс.

Ватанпарварлик она юртга садоқат билан хизмат қилиш, унинг тинчлигини асраш, озодлиги, мустақиллиги, равнақи ва фаровонлиги учун курашиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда кўринади. Президент Ислом Каримов «Юксак

маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин»⁴. Юртбошимизнинг ушбу эзгу даъватларини инсонлар онгига сингдириш, энг аввало, оиладан, улар истиқомат қилаётган маҳалладан бошланади. Бу эса, маҳалла оқсоқолидан катта ҳаётӣ тажриба, улкан ташкилотчилик, кишиларни ўзига эргаштира олиш қобилиятини талаб қилади.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва масъулиятини эътироф этган ҳолда, шу ўринда маҳалланинг ҳам аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Соғлом турмуш тарзини халқимиз орасида кенг ёйиш жамоатчиликнинг, биринчи галда, маҳаллалар фаоллари учун, ҳам фарз, ҳам қарзидир. Соғлом авлод тарбияси пойдеворини, аввало, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг ҳаётӣ тажрибалари асосида қуриш лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат, ижтимоий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб, «маҳалла – мактаб – оила» ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлодни тарбиялаш бугунги кун талабидир.

Маҳалла давлат ҳокимияти олдида турган мақсад ва вазифаларини самарали амалга оширишига эришиш мақсадида улар учун кенг ва қулай имконият яратишга, жамият аъзоларининг давлатга нисбатан ишончини кучайтириш, давлатни аҳоли томонидан кенг ва фаол қўллаб-қувватланишига кўмаклашади. Маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳудудни ободонлаштириш,

кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби ўттиздан зиёд вазифа ва вазифаларни амалга оширишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг муҳим ҳаётӣ манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ташқи ҳамда ички таҳдидлардан қайтарилган тарзда ҳимояланганлигини билдирадиган миллий хавфсизлик – кенг кўламли тадбирлар тизимидир. Унда кучли давлат билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган фаол ишлар, шунингдек турли нодавлат тузилмаларнинг кенг тармоғи миллий хавфсизликни таъминлашнинг зарур ва муҳим таркибий қисмига айланди.

Юрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш жамият ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчидир. Жамиятда ҳуқуқ тартибот ва хавфсизликни таъминлашда «Чегара посбонлари» ва «Маҳалла посбонлари» каби тузилмалари юксак салоҳиятга эга. Бу тузилмалар сафига кенг оммани жалб этиш, уларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини юксалтириш давр талабидир.

Маҳаллалар ўз ҳудудларида экологик муаммоларни ечиш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш, ҳашар йўли билан тозалаш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб қилиш, аҳоли ўртасида атроф-муҳитни асраш юзасидан тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб боришга ҳам масъулдир. Қадимдан маҳаллалар чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб ўтказиш, яхши ва ёмон кунда бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланмоқда.

Хуллас, маҳалла раиси (оқсоқоли) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, маданий етуклиги, аҳолининг жамият ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳиссининг кўрсаткичи бўлиб, маҳалланинг фуқаролик жамияти асоси сифатида шаклланишига хизмат қилади.

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т., 1996. – Б. 281.

² Конституциявий ҳуқуқ / Масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2014. – Б. 569.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. – 2016. – 6 март.

⁴ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 90.

Р.У. Эрназаров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
демократик жамият қуриш назарияси
ва амалиёти кафедраси бошлиғи,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада жамоатчилик назоратини ривожлантиришда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш масалалари тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: жамоатчилик назорати, қонун устуворлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари.

Эрназаров Р.У. Перспективы развития институтов общественного контроля в гражданском обществе

Аннотация. В статье исследуются вопросы обеспечения верховенства законов и повышения роли негосударственных некоммерческих организаций и институтов гражданского общества в развитии общественного контроля.

Ключевые слова: верховенство законов, негосударственные некоммерческие организации, институты гражданского общества, общественный контроль.

Ernazarov R. U. Prospects of developing of institutions of public control in civil society

Annotation. The article deals with the problems of improvement of institutions of public control and their role in enforcement of laws in the institutions of civil society as well as in non-governmental and nonprofit organizations functioning in the country.

Key words: public control, civil society, non-governmental and nonprofit organizations, enforcement of laws.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири саналади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»¹.

Жамоатчилик назорати жамиятда адолат ўрнатилишига, шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик таъминланишига асос бўлади. Жамоатчилик назоратининг самарали йўлга қўйилиши халқ ҳокимиятчилиги мавжудлигидан далолат беради.

Жамоатчилик назоратининг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат:

- ҳокимият органлари фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш;
- ҳокимият органларининг фаолияти бўйича манзилли мониторинг олиб бориш;
- ижтимоий муҳим қарорлар қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки;
- ҳокимият органлари ҳузурида назорат комиссиялари ташкил этилиши ва ҳоказо².

Жамоатчилик назорати — бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратдир³.

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципини изчил рўёбга чиқариш учун Конституция асосида демократик институтларнинг эркин ва самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатларини ўзида мужассамлаштирган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Бунинг амалий натижасини ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида 8300 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаол иш олиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги аҳамияти, аввало, жамият ва шахс манфаатларининг устунлигида (собиқ тоталитар тузумда давлат манфаати биринчи ўринга қўйилар эди), жамоатчилик назорати ижросини таъминлашда давлат органларининг бетарафлигида намоён бўлади.

Мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг олиб борилишини таъминловчи ҳуқуқий асослар шакллантирилган бўлиб, ҳозирги кунда у ривожланиш босқичига ўтди. Миллий қонунчилигимизда жамоатчилик назорати билан боғлиқ 40 га яқин норма ва муносабатларнинг ўз аксини топганлиги диққатга сазовордир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик

назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш фурсати етган»лигини⁴ таъкидлаб ўтган эди. Маълумки, жамоатчилик назоратининг турли шакллардаги кўринишлари (ижтимоий муносабатлар мониторинги, ижтимоий фикр сўрови, турли даражадаги ижтимоий экспертиза, ижтимоий эшитув (тинглов) мавжуд. Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари сингари ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Айниқса мамлакатимиз сиёсий партияларининг дастурларига эътибор қаратсак, бунинг яққол исботини кузатишимиз мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат халқ томонидан шакллантирилади, бошқарилади ва унинг устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Яъни Президент таъбири билан айтганда: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»⁵. Инсоният томонидан яратилган, жаҳон тажрибасида ўз исботини топган демократик билимлар асосида фуқароларни демократик тафаккур юритишга ўргатиш муҳим мақсадлардан биридир.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик назорати тизимини мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг муҳим бўғини сифатида баҳолади. «Ҳеч шубҳасиз, — деб таъкидлади Президентимиз, — депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади»⁶.

Албатта, ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш

мураккаб жараён бўлиб, жамиятда сиёсий институтлар фаолиятида демократик қадриятларни мустақамлаш билан боғлиқ. Айнан демократик тамойиллар қонунларнинг барча учун баравар ишлашига хизмат қилади, бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик назорати тизими учун асос яратади. Шу маънода, жамиятнинг сиёсий тизими, ҳокимиятнинг барча тармоқлари фаолияти мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар талаби нуқтаи назаридан қуйидаги принципларга тўлиқ жавоб бериши зарур:

– ҳокимиятнинг барча тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш;

– ижро ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш жараёнларининг вакиллик ҳокимияти органлари томонидан тўлароқ назорат қилиниши;

– ҳукуматнинг ўз фаолияти ҳақида парламент олдида ҳисобот бериб бориши ва ҳоказо.

Албатта, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг халқчил тарзда, фуқаролар фаоллиги асосида ўрнатилиши катта аҳамиятга эга. Аввало, ҳокимият тузилмаси жамоатчилик томонидан етарли даражада назорат қилинмоғи зарур. Унга таъсир ўтказишнинг реал механизмини яратиш жамият сиёсий тизимини модернизациялашга хизмат қилади. Жамиятда жамоат ташкилотлари қанчалик фаоллашса, «ҳокимият – жамоатчилик – халқ» тизими шунчалик мустақамланади, яъни ҳокимият халқдан ажралиб қолмайди. Ўзини ўзи бошқариш тизими тобора такомиллашади.

Жамоат ташкилотларининг жамият сиёсий тизимидаги ўрни уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги демократик принциплар ва нормаларни қарор топтириш, сиёсий ҳаётни эркинлаштиришдаги аҳамиятини белгилаб беради. Шу маънода, мамлакатимиздаги жамоат ташкилотлари демократик жараённинг кечиши нуқтаи назаридан қуйидаги талабларга риоя этиши талаб қилинди:

– ўз фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш;

– ўз қарорларининг одамларга тушунарли бўлишини, уларнинг манфаатларига мос келишини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига оғишмай амал қилиш;

– сиёсий фаолият юритишда халқимиз маънавияти меъёрларини ҳурмат қилиш;

– демократик нормаларга асосланиш;

– шахс ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг камситилиши ҳамда чекланиши ҳолатларига қарши изчил курашиш;

– эркин фаолият юритиш, бошқа жамоат ташкилотлари билан фақат ўз дастурлари орқали рақобатда бўлиш, бирор-бир жамоат ташкилотининг якка ҳукмронлигига йўл қўймаслик.

Жамоат ташкилотлари жамғармаларининг шаклланиши, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жамоат ташкилотларининг мавқеи ва фаолиятини жиддий тарзда такомиллаштириш турли бўғиндаги ҳокимият вакиллари, шунингдек прокуратура, божхона, давлат ва хусусий банклар, солиқ идоралари ходимларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини назорат қилишни ҳам кўзда тутди.

Жамоат ташкилотларининг ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан назорати аниқ механизмларга таяниши лозим. Бу механизмнинг асосини учта муҳим принцип – қонунийлик, танқидий муҳит ва ошкоралик ташкил этади.

Қонунийлик барча ислоҳотлар учун таянч қоидадир. Давлат томонидан ўрнатилган меъёрлар тизими, яъни қонунларнинг эркини ифодалайди. Ҳуқуқ-тартибот ҳамма учун мажбурий хусусиятга эга эканлигини унутмаслик зарур. Аммо шунинг ҳам айтиб ўтиш ўринлики, адолатсиз қонунларни ҳаётга мажбуран татбиқ этиш давлат органлари фаолиятида авторитаризмни, ижтимоий бошқарувда бюрократияни, ижро интизомида эса тоталитаризмни келтириб чиқаради.

Ошкоралик камчиликларни аниқлаш, уларга холисона баҳо бериш ва бартараф этишда кўмак берувчи ижтимоий кучдир. Бу эса очиқ мулоқот, баҳс-мунозара орқали рўёбга чиқади. Лекин, шуни тан олиш зарурки, тўғри ва одилона мулоҳазалар шунчаки баҳс учунгина эмас, умум манфаатига хизмат қиладиган қарорлар, хулосалар ишлаб чиқиш учун зарур.

Бу вазифани бажаришда ОАВнинг жамиятга ҳаққоний маълумотлар етказиб бериши — демократия талабларидан бири. Шу маънода, ОАВ ҳозирги замон демократиясининг ўзига хос «қуролига» айланди. Шунинг учун, ОАВ жамиятга соғломлаштирувчи таъсир кўрсатиши керак. Кейинги вақтда демократик ҳуқуқий давлат қуриш шароитида жамоатчилик фикрини илмий асосда тизимли ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда.

Жамоатчилик фикрида қонунчилик ва танқид тамойилларининг тўғри талқин этилиши демократик қадриятларни қарор топтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бошқарув тизимини демократик принциплар ва қонунчилик асосида такомиллаштириш, қонунчилик ва меъёрий механизмларни мунтазам жорий этиш, суд ҳокимиятини мустақамлаш асосида фуқароларда қонунга ишонч ҳисси, ҳурмат туйғуси ошиб боради. Бу жараён, ўз навбатида, жамоатчилик фикрини ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг муҳим воситасига айлантиради. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ошкоралик ва қонунийлик муҳитини барқарорлаштириш — буларнинг барчаси жамоатчилик назорати ўрнатилишга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар асосида ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг айрим йўналишларига доир тавсияларни айтиб ўтиш мумкин.

Аввало, жамиятни демократлаштириш

жараёнларида жамоат назоратини қарор топтириш муаммолари бўйича илмий асосланган яхлит концепция ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш фурсати етди. Жамоат назорати муаммоларига оид марказлаштирилган ва ҳудудий маълумотлар банклари ташкил этиш, тезкор тарзда махсус статистик тўпламлар чоп этиш амалиётини йўлга қўйиш ҳам давр талабидир.

Иккинчидан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг дастур ва низомларида жамият ҳаётида жамоатчилик назоратини ҳаётга реал жорий қилиш механизмларини назарий ишлаб чиқишда илмий муассасалар, мутахассис-олимларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоялаш жараёнида ижтимоий адолат қоидаларига изчил риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Тўртинчидан, қонунчиликни мустақамлаш, реал ҳаётда учраб турадиган ижтимоий адолатсизликнинг турли кўринишларини фош қилиш, фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат, тартиб-интизомга риоя этиш кўникмаларини мунтазам шакллантириш бўйича ОАВнинг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш талаб этилади.

Бешинчидан, жамият ҳаётида ошкоралик, ўз-ўзини танқид қилиш муҳитини яратиш демократия ва ижтимоий адолатни қарор топтириш мақсадларига мос келади. Ҳаққоний ва амалий танқид ҳеч бир соҳа, шахс ва ташкилотни истисно қилмаслиги керак.

Олтинчидан, жамоатчилик фикрини ўрганувчи мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлар ва марказларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан қонунсизлик, эркин фикрни бўғиш, танқид қилган шахсни таъқиб этиш, бегуноҳларни адолатсиз жазолаш, ноҳақ ишдан бўшатиш, ижтимоий ёрдам соҳасидаги кўзбўямачилик ҳолатларини махсус тадқиқ этиш, уларнинг натижаларини кенг аҳоли оmmasига

етказиш, ушбу ҳолатларни бартароф этиш бўйича тегишли ташкилотларга асосланган, амалий таклифлар бериб борилиши долзарб масала ҳисобланади.

Еттинчидан, аҳолининг шикоятлари бўйича фаолият юритадиган давлат идораларининг масъулиятини ошириш билан бирга, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг самарали фаолият олиб бориш имкониятини кенгайтириш зарур.

Саккизинчидан, тадбиркорлар ўртасида ижтимоий муаммолар, хусусан, қонунийлик, ошқоралик, соғлом муҳитни шакллантириш бўйича рағбатлантириш амалиётини

жорий этиш, бу борада яхши кўрсаткичларга эришадиган жамоалар, кичик корхоналар, хусусий фирмалар фаолиятининг ОАВда кенг ёритилишини йўлга қўйиш даркор.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишнинг стратегик йўналишларидан бири сифатида улкан аҳамият касб этади. Зеро, у бевосита фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қиладиган омиллардан биридир.

¹ Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. — Т., 2003. — Б. 28–29.

² Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш / Тузувчи М.Нажимов. — Т., 2011. — Б.13.

³ Ўша манба. — Б.12.

⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 46.

⁵ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. — Т., 1998. — Б. 156–157.

⁶ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т., 2005. — Б. 39–40.

ЯНГИ НАШРЛАР

Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш. Т. Икрамов, Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — 1098 б.

Дарслик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 2016 йил 1 апрелгача киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда тайёрланиб, унда «Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми» тушунчаси, тизими ва тузилиш принциплари, жиноятларни квалификация қилишнинг назарий асослари ҳамда шахсга, тинчлик ва хавфсизликка қарши, иқтисодиёт ва экология соҳаларидаги, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тушунчаси, таркиби ва турлари, ушбу турдаги жиноятларни квалификация қилишнинг хусусиятлари, шунингдек хорижий давлатлар жиноят ҳуқуқининг асосий қоидалари замонавий таҳлиллар асосида ёритилган.

Тингловчи, курсант ва талабалар, катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиётчи ходимлари, қолаверса соҳага қизиқувчиларга мўлжалланган.

З. Рузиев,
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент*

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада маҳалла институтининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдаги ваколатлари илмий таҳлил этилган, ушбу институтнинг жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги роли кўрсатилган.

Таянч тушунчалар: маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ваколат, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби.

Рузиев З. Полномочия института махалли в сфере обеспечения общественного порядка и общественной безопасности

Аннотация. В статье проведен научный анализ полномочий института махалли по обеспечению общественного порядка и безопасности, показана роль данного института национальной государственности в обеспечении мира и спокойствия в обществе.

Ключевые слова: махалля, органы самоуправления граждан, полномочия, общественная безопасность, общественный порядок.

Ruziyev Z. Powers of the institution of mahalla in the sphere of maintenance of public order and public safety

Annotation. The article carries out scientific analysis of powers of the institution of mahalla on maintenance of public order and safety, shows the role of this institution of national statehood in safeguarding of peace in the society.

Key words: makhalla, citizens' self-government bodies, powers, public safety, public order.

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, тинчлик, миллий хавфсизлик ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилади. Аммо бу вазифаларни бажаришда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса, маҳалла институтининг ролини ошириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, юрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат қуролли кучлар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас. Бу – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз¹. Зотан, маҳалла, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги тинчлик ва

осойишталикни сақлашда бизнинг таянчимиз ва суянчимиздир².

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни 13-моддасига кўра, фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш ваколатига эга. Бу эса, ўз навбатида, маҳалланинг жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бораётганлигини³ таъминлашга хизмат қилаётганидан далолат беради.

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминлаш масалалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифаларидан бири бўлганлиги боис, аввало, ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини яхши англаб олишимиз керак. Хусусан, Х. Р. Алимов жамоат тартиби – бу ҳуқуқий маънавий нормалар билан ҳамда ахлоқ, одоб, урф-одат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир⁴, деб таърифласа, М. И. Сувонқулов ушбу тушунчага лўнда қилиб, бу умумдавлат функцияси ҳисобланиб, ўзида Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатишни акс эттиради⁵, дея таъриф беради.

Улардан фарқи равишда М. З. Зиёдуллаев: «Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умумахлоқий кадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир»⁶, – дейди. Ўз навбатида, биз ҳам ушбу фикрларни қўллаб-қувватлаймиз.

«Жамоат хавфсизлиги» эса шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авария ва ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолатини ифодаловчи тушунчадир.

«Жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг ўзаро фарқи тўғрисида фикр юритиб, рус олими Ф.Е. Колонтаевский шундай дейди: «Уларнинг мақсади қўриқловчи объектлари, бартараф қилувчи тажовузлар манбаи, тартибга солувчи вазифалари, муносабатларнинг таркиби ва уларни таъминлаш усуллари билан ўзаро фарқланади». М. З. Зиёдуллаев эса жамоат

тартиби жамоат хавфсизлигига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, ўз ичига фуқаролар шахсий хавфсизлиги ва айнан жамоат хавфсизлигини қамраб олиши, шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамоат тартибини самарали сақлашга хизмат қилиши ҳақида фикр билдиради⁷.

Жамоат тартиби ва ҳуқуқ-тартибот тушунчалари ҳам ўзаро уйғун тушунчалардир. Профессор О. Хусановнинг айтишича, «жамоат тартиби – юридик ва бошқа ижтимоий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни ҳам қамраб олади. Ҳуқуқ-тартибот эса фақат амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида ташкил топган ижтимоий муносабатлар тизимидир».

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида кенг ваколатларга эга. Жумладан, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолиятининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади.

Шу ўринда миллий қонунчилигимизга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 7-моддасига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органларига маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келувчи шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш ваколати юклатилганлигини кўришимиз мумкин⁸. Аммо ушбу ваколатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган махсус қонунда ўз аксини топмаган. Шу сабабли, фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юқорида кўрсатилган ваколатларини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳам муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Жумладан, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида уларнинг бу соҳадаги ваколатлари сифатида: *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиш; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш; *учинчидан*, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш; *тўртинчидан*, рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-

тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш; *бешинчидан*, ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга ошириш; *олтинчидан*, яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузиш; *еттинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш каби масалалар белгиланган⁹.

Зеро, жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарур. Маҳалла кўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш катта аҳамиятга эга¹⁰.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари ва Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда жойларда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ташкил этиш лозимлиги белгиланди¹¹.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш

комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори¹² қабул қилинди. Албатта, қонун ҳужжатларининг сифати ва самарадорлигига бўлган талабнинг тобора ортиб бориши, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги жараёнини мунтазам мониторинг қилиб боришни, қонун ҳужжатларининг ўзаро боғланиши, яхлитлиги ҳамда уйғунлигини таъминлашни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролар ва уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш, уларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштироки ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида 2014 йил 4 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги¹³ қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра жамоатчилик тузилмаси мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларда огоҳлик ва фаолликни ошириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида ана шундай тузилмалар ташкил этилиши белгиланди.

Жамоатчилик тузилмаси фаолияти ихтиёрийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик йўли билан ўзаро ёрдам кўрсатиш принциплари асосида ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари этиб, *биринчидан*, тегишли ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарор-

ликни таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қуйи тизимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш; *иккинчидан*, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини ошириш ишларида қатнашиш; *учинчидан*, аҳолида, биринчи навбатда, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли амалга оширишда иштирок этиш; *тўртинчидан*, халқимиз маънавиятига зид бўлган турли салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш ва ўтказишда қатнашиш; *бешинчидан*, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва барқарорлик натижасида аҳоли фаровонлиги таъминланаётганлиги, бу борада ўзининг фаол иштироки билан муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик ва фуқаролик бурчи эканлигини тушунтиришда қатнашиш; *олтинчидан*, фуқаролар йиғини ҳудудидаги экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари талаблари, умумдавлат ҳамда ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш ва ушбу жараёнда кенг жамоатчилик кўмагини шакллантириш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этиш каби вазифалар белгиланди.

Мазкур жамоатчилик тузилмаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш; ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактика тадбирлари ўтказиш; фуқаролар томонидан паспорт тизими, санитария, экология, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан тегишли ҳудудда тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни, нотинч оилаларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли диний-экстремистик гоялар таъсирга олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи, турли ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ўсмирларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конституциявий тизимга қарши турли ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб бориш каби йўналишлардаги фаолиятида бевосита иштирок этиб, уларга ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Ўз навбатида, жамоатчилик тузилмаси ўз вазифаларини амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ходимлари билан яқиндан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бу тузилма табиий офатлар, оммавий тартиббузарликлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда жамоат тартибини сақлашда, фавқулодда вазият хавфи туғилганда аҳолини ўз вақтида хабардор этишда, аҳоли ўртасида бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишни тарғиб қилишда ва ушбу ҳолатларни баргараф этишда тегишли давлат органларига яқиндан қўмаклашади.

Шу ўринда, жамоатчилик тузулмасининг амалий фаолиятига ҳам аҳамият эътибор қаратсак. Республика бўйича тузилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари таркибига жалб қилинган аъзолар ҳудудлар осойишталигини мустаҳкамлаш, барқарорликни асраш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг статистик маълумотларига кўра, 2015 йилда ўтган даврга нисбатан маҳалла посбонлари ёрдамида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар 9 фоизга, фош этилган жиноятлар сони эса 5 фоизга ошган. Ушбу кўрсаткичлар мазкур жамоат тузилмасининг фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва ушбу ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга доир вазифаларни амалга ошириш, фуқаролар билан муомала маданияти, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган ва бошқа шу каби масалалар бевосита «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг муҳим вазифаларидан бирига айланиши лозим. Зотан, «...жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда биз «Чегара посбонлари» ва «Маҳалла посбонлари» каби фуқаролик тузилмаларининг кучли салоҳиятидан тўла фойдаланишимиз лозим»¹⁴.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 290.

² Ўша манба.

³ Karimov I.A. Jahon inqirozining oqibatlarini yengish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va taraqqiy topgan davlatlar darajasiga ko'tarilish sari. J.18. – Т., 2010. – Б. 264.

⁴ Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. – Т., 1995. – Б. 84.

⁵ Сувонқулов М.И. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2002. – Б. 39.

⁶ Зиёдуллаев М. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 27.

⁷ Ўша манба.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2015-ХП-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – № 3. – 6-м.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 371-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 20. — 221-м.

¹⁰ *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 350.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 113-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. — 1999. — № 3. — 12-м.

¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. — 1999. — № 4. — 20-м.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 10. — 106-м.

¹⁴ *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 350.

КОНФЕРЕНЦИЯ ВА СЕМИНАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қонун ижодкорлиги соҳасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлик Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси»нинг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 25 апрель куни Ички ишлар вазирлиги Академиясида «**Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари**» мавзuida республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Адвокатлар палатаси, Олий ҳарбий божхона институти, Бош прокуратура Олий ўқув курслари, Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат юридик университети ҳамда ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар сўнгги йилларда мамлакатимизда терроризм, экстремизм, коррупция, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шу каби турларига қарши курашга қаратилган изчил ва мақсадга йўналтирилган бир қатор комплекс характерга эга чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, самарали амалга ошириб келинаётганлигини ҳамда халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш ўта муҳим вазифа эканлиги, доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлигини қайд қилишди.

Конференцияда ҳозирги пайтда иштирокчиликда содир этиладиган ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш борасида фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг дунёқарашини камол топтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашишни тартибга солувчи миллий қонунчиликни ва унинг механизмларини такомиллаштириш, шунингдек энг муҳими, бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Амалий мунозаралар руҳида ўтган конференция якунида билдирилган фикрлар умумлаштирилиб, айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, иштирокчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш, бу борада олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ҳаётга татбиқ этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ж.С. Мухторов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедрасининг бошлиғи,
юримдик фанлар номзоди, доцент;
С.Б. Хўжақулов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Аннотация. Мақолада аёллар жиноятчилиги профилактикасининг аҳамияти, умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик турлари, ўзига хос жиҳатлари ва бу борадаги чора-тадбирлар тизими ёритилган.

Таянч тушунчалар: аёллар жиноятчилиги, аёллар жиноятчилигининг профилактикаси, аёллар жиноятчилигининг профилактик чора-тадбирлари.

Мухторов Ж. С., Хужақулов С. Б. Профилактика женской преступности

Аннотация. В статье рассмотрены особенности преступлений, совершаемых женщинами, система предупреждения преступлений данной категории, а также специальные, индивидуальные и виктимологические виды профилактики женской преступности.

Ключевые слова: преступления, совершаемые женщинами, профилактика преступлений, совершаемых женщинами, профилактика женской преступности.

Mukhtorov J.S., Khujakulov S.B. Prevention of female delinquency

Annotation. The article deals with the peculiarities of crimes committed by women, the system of prevention of such category of crimes and special, individual and victimological types of prevention of female delinquency.

Key words: crimes committed by women, prevention of crimes committed by women, preventive measures of female delinquency.

Жамиятда соғлом турмуш тарзига эришиш, маънан баркамол авлодни камол топтиришда аёлларнинг ўрни беқиёс. Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, «соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозалиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз. Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади.

Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ»¹. Бинобарин, аёл соғлом ва ақли бўлса, унинг тарбиясидаги фарзандлари ҳам баркамол бўлиб ўсади ва келажакда Ватанига муносиб фуқаро бўлиб етишади.

Шу маънода, мустақиллик йиллари мамлакатимизда аёлларга эътибор сезиларли даражада ошди. Хотин-қизларимиз жамиятда кечаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, Давлат дастурлари ишлаб

чиқилди. Бугунги кунда хотин-қизларимиз эркаклар билан бир қаторда турли жабҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда. Аммо жамиятимизда аёллар жиноятчилиги каби салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди. Шу ўринда айрим рақамларга мурожаат қилсак, 2014 йилда аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 2013 йилга нисбатан 2,2 фоизга, 2015 йилда эса 2014 йилга нисбатан 4,6 фоизга камайган². Шунингдек, содир этилган жиноятларда аёлларнинг иштироки камайиб, 2013 йилда 17,2 фоизни, 2014 йилда 16,7 фоизни, 2015 йилда 16,0 фоизни ташкил этган. Мазкур таҳлилларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, республикамиз аёлларининг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар ва улар натижасида амалга оширилган қатор чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Маълумки, умумий жиноятчиликда аёллар содир этадиган жиноий хатти-ҳаракатлар эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятлардан фарқ қилади. Шу боис криминологияда аёллар жиноятининг табиати ва оқибати, содир этиш усули ва жиноят қуролининг маълум бир вазиятларда қўлланиши, жиноят содир этилишидаги иштирокининг тур ва шакллари, жиноят қурбонини танлаш, маиший турмуш шароити кабиларга алоҳида эътибор қаратилади. Олимларнинг фикрича, аёллар жиноятчилигининг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни криминологик ва жиноят ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш ҳамда ушбу жиноятларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг гаровидир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта туридан самарали фойдаланиб, аёллар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Мазкур қонуннинг «Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси» номли 3-боби талаблари асосида аёллар жиноятчили-

гининг умумий профилактикасига **ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг аёллар жиноятчилигининг олдини олиш, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш фаолияти**, деб таъриф беришимиз мумкин.

Аёллар ва эркаклар гайриқонуний хулқ-атворнинг генезисида баъзан турлича (ижтимоий, ижтимоий-психологик, физиологик ва ҳ.к.) омиллар мавжудлиги туфайли, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги бир хил ҳодисалар аёллар ва эркакларнинг хулқ-атворида ҳар хил таъсир кўрсатиши ҳамда уларда жиноий ният туғилиши ва уни амалга ошириш механизми ҳар хил эканлигини инобатга олган ҳолда, аёллар жиноятчилигининг профилактикасида улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг умумий хусусиятга эга омиллари билан бирга, айнан аёлларда гайриқонуний хулқ-атвори вужудга келтирувчи кучли эмоционал омилларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш кутилган натижаларни беради.

Аксарият ҳолларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган оғир жиноятлар (одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, безорилик ва ҳ.к.) аёллар томонидан асосан оила-рўзғор муҳитида амалга оширилиши кузатилади. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги низолар туфайли жиноятларнинг содир этилишига кўп ҳолларда шахснинг ўз манфаатини устун қўйиб, бошқаларга ўзининг жисмоний устунлигини намойиш этиши ёки қўрқитиб қўйиш мақсадида ўз сўзи ва таъсирини ўтказишга ҳаракат қилганлигини кўриш мумкин. Маълумки, оила-турмуш доирасида содир этилган жиноятлар таркибида ўч олиш, қасос, оила аъзоларининг бир-бирини ёқтирмаслиги, адоват, алам, келишмовчилик ва турли психологик зиддиятлар оқибатида зўравонликлар содир этилади. Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари жамоатчилик институтлари, хусусан, маҳалла фаоллари ёрдамида беқарор оилалар ва ундаги салбий муҳитни, эр ёки хотин хулқ-атворида пайдо бўлаётган

салбий хусусиятларни ўз вақтида аниқлашлари жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, хусусан аёлларга нисбатан ғайриқонуний хулқ-атвор шаклланишининг дастлабки босқичларида профилактика ишларини тўғри ташкил этиш имконини беради. Шу ўринда айрим рақамларни келтирсак: 2015 йилда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари томонидан аҳоли ўртасида 158 893 маротаба ҳуқуқий тарғиботлар ўтказилган.

Аёллар жиноятчилигининг профилактикасида оиладаги муносабатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Ота-онанинг ўз фарзандидан узоқлашиши, унинг тарбияси ва хулқ-атворига бефарқлиги, ота-она билан бола ўртасида зарур эмоционал алоқаларнинг йўқлиги ёки бундай алоқаларнинг заифлашиши одамларда ўзининг ижтимоий ҳолати ва ўзига нисбатан ишончсизлик туйғусини пайдо қилади. Бу айниқса, вояга етмаган қизларга кўпроқ салбий таъсир қилади. Ҳолбуки, уларнинг маънавий ва ижтимоий тикланиши эркакларнинг маънавий ва ижтимоий тикланишига қараганда қийин кечади. Шунинг учун ҳам, оила ва оиладаги тарбия умумий профилактик таъсир кўрсатишининг асосий воситаларидан бири бўлиши керак.

Аёллар жиноятчилигининг махсус профилактикаси — ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг мавсумий ёки криминоген вазиятдан келиб чиқиб, республикада, минтақада ёки шаҳар-туман миқёсида ёхуд алоҳида кичик ҳудуд ва объектда аёллар жиноятчилигининг профилактикасини амалга ошириш, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият тушунилади.

Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ИИВнинг меъёрий ҳужжатлари асосида белгилаб бериладиган махсус ҳамда тезкор тадбирлар бўйича режага биноан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари бу борадаги махсус режаларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига кирувчи бошқа субъектлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек, бу жараёнга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноtijорат ташкилотлар вакиллари жалб этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида тезкор вазиятдан келиб чиқиб, одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадида «Орият» тадбири ва бошқа тезкор-профилактик чоратадбирлар амалга оширилиши, ушбу тадбирлар тегишли ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланган режага асосан, одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими, бўлинмалари, гуруҳлари ходимлари томонидан соҳавий хизматларнинг ходимлари билан ҳамкорликда республика, ҳудудий ёки тармоқ миқёсида амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган. Бундан ташқари, таносил ва ОИВ/ОИТС касаллигининг аҳоли орасида тарқалишига сабабчи асосий манбалар бўлган фоҳишаларни аниқлаш бўйича махсус тадбирлар ўтказилиб, ушбу тоифадаги шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари таъминланади.

Тадқиқотларда аёлларда 30-35 ёшдан кейин алкоғолизм билан касалланиш эҳтимоли анча ортганлиги кузатилган. Аёллар жиноятчилигига доир статистик маълумотлар ҳам, махсус тадқиқотларнинг натижалари ҳам 30-50 ёшли аёлларнинг энг криминоген ёш гуруҳини ташкил этишини кўрсатади³. Бу хусусиятлар аёлларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан келиб чиқиб махсус профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Гиёҳванд аёллар асосан гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва уларни ғайриқонуний муомалага чиқариш билан боғлиқ жиноятларни, шунингдек бундай воситаларни сотиб олиш учун мулкка қарши

жиноятларни содир этиши қайд этилган. Гиёҳванд аёлларнинг кўпчилигини 30 ёшга тўлмаганлар ташкил этиб, улар гиёҳвандлик воситаларини асосан 15-25 ёшидан бошлаб истеъмол қилганлар. Одатда, аёллар орасида опиомания – 67 фоизни, полинаркомания – 35 фоизни, гашишизм – 7 фоизни ташкил этади⁴. Гиёҳванд аёллар орасида ҳам маълумоти ва ижтимоий мақоми паст, доимий иш жойи ва маълум ихтисосликка эга бўлмаган шахслар кўпчиликни ташкил қилади. Табиийки, мазкур ижтимоий иллатларга қарши курашда давлат томонидан амалга ошириладиган махсус профилактик чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Булар жумласига, авваламбор, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг тарқалишига қарши самарали кураш олиб бориш, жамоатчиликда бу иллатларга қарши барқарор салбий муносабат шакллантириш каби тадбирлар киради.

Маиший соҳадаги рецидив жиноятларнинг олдини олиш муаммоси ҳам алоҳида диққатга сазовор. У судланган аёлларни тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Бунда оила аъзоларига қарши зўрлик ишлатиб содир қилган жиноятлари учун жазога ҳукм этилган аёллар билан ишлаш уларнинг яқинлари, айниқса фарзандлари билан муносабатларини (агар бундай муносабатлар сақланиб қолган бўлса) пухта ўрганишни талаб этади. Жазони ўтаб чиққан аёл ва унинг оиласи ўртасида низо юзага келиши ёки илгариги салбий муносабатлар қайтарилишининг олдини олиш бўйича профилактика ишлари қонуний тартибда амалга оширилиши лозим.

Аёллар жиноятчилигининг якка тартибдаги профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш,

шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган аёлларнинг ҳуқуқбузарлик қурбонига айланиш эҳтимоли мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирларни амалга оширадидлар. Профилактик суҳбат – аёлларни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, профилактик ҳисобга олинган ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) мавжуд бўлган аёлларга нисбатан амалга оширилади.

Профилактик суҳбат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган бинода, шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ёки ҳуқуқбузарлик содир этган аёлнинг яшаш, ўқиш, иш жойида, ички ишлар органларининг милиция таянч пунктларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Ўтказилган профилактик суҳбат ижобий натижа бермаса ва шахс (аёл) гайриижтимоий хулқ-атворини ўзгартирмаса ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом этгирса, ушбу ҳолларда унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилиши мантиқий профилактик таъсир чораси сифатида эътироф этилади.

Расмий огоҳлантириш илгари профилактик суҳбат ўтказилмаган, аммо давом эттиришига йўл қўйиб бўлмайдиган хулқ-атворга эга, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этган ва кейинчалик ҳам ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган аёлларга нисбатан амалга оширилади. Бунда давом эттиришига йўл қўйиб бўлмайдиган хулқ-атворга эга аёллардан ёзма равишда тушунтириш хатлари олинади. Расмий огоҳлантирилишига қарамасдан ҳуқуқбузарлик содир этган аёл қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши, бироқ унинг илгари ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарлик ҳақида расмий огоҳлантирилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши керак.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган аёлларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- педагогик ёрдам;
- психологик ёрдам;
- тиббий ёрдам;
- ижтимоий ёрдам (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетиши кабиларда);
- моддий ёрдам;
- ҳуқуқий ёрдам.

Ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларнинг ахлоқан тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида юритиладиган профилактик ҳисоб ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш хизматлари томонидан амалга оширилади. Профилактик ҳисобга олинган аёллар билан индивидуал профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг ёши, руҳий ҳолати, ижтимоий аҳволи, маълумоти ва мутахассислиги, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилияти каби шахсий хислатлари эътиборга олинishi лозим.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилаётган аёллар билан ишлашда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «ишонтириш усулининг устуворлиги» махсус принципига қатъий риоя қилишлари талаб этилади. Акс ҳолда якка тартибдаги профилактика орқали самарали натижага эришиб бўлмайди.

Аёллар жиноятчилигининг виктимологик профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг аёлларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қўллашга доир фаолиятдир.

Бу борада қуйидаги ишлар амалга оширилиши талаб этилади:

– аёлларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган аёлларни аниқлаш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланган аёлларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланган аёлларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланган аёлларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этиш бўйича асослантилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланган аёлларнинг жисмоний ва психологик хавф-

сизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланган аёлларни умумий ҳамда якка тартибда қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усул ва воситаларидан хабардор қилиш;

– ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охири зарурат чегаралари ҳақидаги маълумотларни тарғибот-ташвиқот қилиш орқали аёлларда қилинган ҳужумни бартараф этиш кўникмаларини шакллантириш;

– аёллар жиноятчилиги профилактикасининг замонавий усулларига доир электрон адабиётларни яратиш ҳамда тарқатиш.

Кейинги йилларда фуқароларимизнинг чет элларга чиқишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ҳар йили юз минглаб юртдошларимиз ўзлари истаган хорижий давлатларда бўлиб қайтишмоқда. Лекин айрим нопок кимсаларнинг хорижий давлатларга чиқиш қоидаларини бузиш, у ерда ноқонуний тарзда ишлаш учун ёлланиш, фоҳишалик ва қўшмачилик билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Улар ғаразли мақсадларини ўйлаб, моддий манфаатдорлик эвазига турли жиноятларни содир этишмоқда. Ушбу ҳолатларга чек қўйиш мақсадида аёлларга нисбатан содир этиладиган одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларга доир виқтимологик профилактика самарали амалга ошириб келинмоқда. Аёллар жиноятчилиги ва аёлларга нисбатан содир этилган жиноятга хос бўлган виқтимологик омилларни ўрганиш жараёнида айбли виқтимлик ҳолатларига ҳам эътибор қаратиш муҳим. Негаки, муттасил равишда

дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш деб квалификация қилинадиган жабрланувчининг хулқ-атвори баъзан виқтим омил бўлиб хизмат қилади. Яъни аёлларга нисбатан содир этиладиган зўрлик маълум шароитларда жабрланувчининг жавоб реакцияси учун замин яратади. Бундай ҳолатларда узоқ муддатли руҳий зўриқишнинг типик оқибатлари яққол кўзга ташланади. Баъзан бундай шароитда яшаётган аёллар кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида баданга турли даражада шикаст етказиб, ҳаттоки, одам ўлдириш жиноятларини ҳам содир этганлар. Аёллар томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш ва соғлиққа зиён етказиш жиноятларининг содир этилиши асосан турмуш ва оила муҳитида рўй берадики, бунга аёллар девиант хулқ-атворининг яна бир ўзига хос жиҳати деб қараш мумкин⁵. Бу ҳам аёлларнинг ғайриқонуний хулқ-атвори билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга нисбатан алоҳида ёндашувни талаб этади. Бу, авваламбор, икки жиҳат: биринчидан, аёллар жиноятчилигини жиноятчиликнинг алоҳида таркибий элементи сифатида ўрганиш, иккинчидан, ушбу муаммони жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари қаторида тадқиқ этиш зарурати билан боғлиқ.

Демак, аёллар жиноятчилигининг профилактикаси чора-тадбирларини самарали амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассаса, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва маҳалла аҳлининг ҳамкорлиги долзарб аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. – 2015. – 6 дек.

² Ўзбекистон Республикаси бўйича 2014 ва 2015 йиллар давомида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги солиштирма маълумотлар.

³ Антоян Ю.М. Преступность среди женщин. – М., 1992. – С. 185.

⁴ Габияни А.А. На краю пропасти: наркомания и наркоман. – М., 1990. – С. 55.

⁵ Зокирова О. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Т., 2004. – Б. 100.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада одам савдоси билан курашда миграция масалаларининг норматив-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий асослари ҳамда ушбу жиноятларни олдини олиш ва фош этишда ички ишлар органларининг фаолияти илмий-амалий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: одам савдоси, миграция, одам савдосига қарши кураш, одам савдосининг олдини олиш, ички ишлар органлари.

Базаров Ф.А. Вопросы борьбы с торговлей людьми, связанной с проблемами миграции

Аннотация. В статье рассматриваются научные и практические вопросы борьбы с торговлей людьми, связанной с проблемами миграции, нормативно-правовые и международно-правовые основания борьбы с торговлей людьми, а также деятельность органов внутренних дел по предупреждению и раскрытию данного вида преступлений.

Ключевые слова: торговля людьми, миграция, борьба с торговлей людьми, предупреждение торговли людьми, органы внутренних дел.

Bazarov F.A. Questions of the fight against human trafficking connected with migration issues

Annotation. The article deals with the scientific and practical issues of combating human trafficking, related to the issues of migration, legal and international legal base for combatting human trafficking, as well as the activities of the law-enforcement bodies for prevention and detection of this type of crime.

Key words: human trafficking, migration, the fight against human trafficking, prevention of human trafficking, organs of internal affairs.

Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳозирги замонда дунё ҳамжамиятининг диққат марказида турган энг долзарб масаладир. Зеро, XXI асрда инсон учун жуда кўп хавф-хатарлар — терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби таҳдидлар вужудга келди.

Айниқса, XX асрнинг 80—90-йилларига келиб уюшган трансмиллий жиноят сифатида одам савдоси дунё миқёсида инсониятнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. БМТ маълумотларига кўра, одам савдосидан келиб тушадиган йиллик даромад ҳозирда 32 млрд. АҚШ долларига, ноқонуний миграциядан келадиган даромад 7 млрд. АҚШ долларига тенгдир¹. Шундай экан, бугунги нотинч ва мураккаб замонда, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилиқ, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огоҳ, доимо ҳушёр,

сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда².

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг фуқароларимизнинг нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки хорижий мамлакатларда ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатланди. Республикамиз фуқароларининг чет элда ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юклатилди. Шунингдек, одам савдосига қарши курашишни кучайтириш ва унинг оқибатларини барта-раф этиш мақсадида юртимизда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси фаолияти ташкил

этилди. Бу борада миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни (2008 йил 17 апрель) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-911-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган 135-моддаси янги таҳрирда баён этилди.

Одам савдоси — одамни олиш-сотиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби ноқонуний ҳаракатларни қамраб олувчи ижтимоий хавфли қилмишидир. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги кунда ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган одам савдоси муаммоси ҳам барчамизни ташвишга солмоқда. Бугунги кунда биз одам савдосига қарши курашишда миграция билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда «миграция» атамасининг мазмун ва моҳиятини чуқур англаб олишимиз зарур.

«Миграция» (лот. «migration» — макон, замон) аҳолининг ўз жойидан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши ёки кўчирилишидир. «Ноқонуний миграция» деб, белгиланган қонун ва қоидаларга хилоф равишда аҳолининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши, у ерда бўлиши ва у ердан гайриқонуний ўтишига айтилади³. Бу борада МДХга аъзо давлатлар томонидан имзоланган «Ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битим ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган одам савдосига қарши кураш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб боришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Афсуски, амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамай, юртимизда айрим фарзандларнинг шахслар томонидан одамларнинг ишончини суистеъмол

қилиб, уларни алдаб чет элга ноқонуний олиб чиқиш, шахвоний ва бошқа фарзандларда эксплуатация қилиш билан боғлиқ одам савдоси жиноятлари ҳамон содир этилмоқда. Унинг оқибатида жисмоний шахслар «товар»га айланадилар, яъни сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳада қилиш, топшириш ва бошқалар учун объект бўлишлари мумкин. Жабранувчилар асосан яшаётган давлатдан бошқа давлатларга бошқа давлат чегараларидан ўтиш орқали сотиб юборилади. Кўриниб турибдики, ушбу жиноят чегара билмайди, бу шахсларга нисбатан барча ёки айрим кўринишдаги ҳуқуқий эгаллик аломатлари амалга оширилади.

Одам савдоси жиноятларининг асосий турларига мажбурий меҳнат, шахвоний хизматларга мажбурлаш, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, чақалоқларни сотиш, инсонларни тиламчилик қилишга мажбурлаш учун уларни одамларнинг раҳмини келтирадиган даражада сунъий мажруҳ қилиш, мажбурий никоҳ ва репродуктив вазифалар эксплуатацияси (сунъий оналик, мажбурий бола туғиш) ва бошқалар киради.

Одамлар савдоси асосан уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилади. Мазкур гуруҳлар сайёҳлик ва бошқа «ниқоблар» остида хотин-қизларни шахвоний хизмат кўрсатиш, эркакларни эса мажбурий меҳнат учун қул қилиб сотиб юбориш эвазига катта миқдорда моддий даромад оладилар.

Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, шахвоний ёки бошқа фарзандларда ёлланган ёш қизлар ва аёлларнинг асосий қисми «жонли товар» сифатида эксплуатация қилиш учун асосан Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Малайзия, Греция ва Германия давлатларига юборилган. Фуқароларимиз хорижий давлатларга транзит давлатлар — Қирғизистон, Қозғистон, Россия, Украина, Арманистон ва Озарбайжон Республикалари орқали олиб чиқиб кетилмоқда. Фоҳишабозликка ёлланаётганлар кам таъминланган оилаларга

мансуб, турмуши бузилган, енгил табиатли ёш жувонлар ичидан танланади. Кейинчалик уларнинг розилиги олиниб, чет элга чиқиш «визаси» расмийлаштирилганидан сўнг, биринчи босқич иштирокчилари ёлланганларни бевосита чет элга олиб борадиган шахсларга «сотадилар».

Иккинчи босқич иштирокчилари аёлларни йўл харажати ва ўз зиммаларига олиб, белгиланган давлатларга бевосита олиб борадилар. У ерда ҳужжатларини олиб қўйиб, «ишлаб бериш» нарҳини қўйиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қиладилар. Ёки бевосита ўша давлатда қўшмачилик билан шуғулланаётган фуқароларга муайян нарҳда сотадилар. Келишилган пулни «ишлаб берганларидан сўнг» жабрланувчиларни кўп ҳолларда маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига «топширадилар» ва улар Ўзбекистонга депортация қилинади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда одам савдоси билан шуғулланувчилар ўзларининг жиноий фаолиятларини яшириш мақсадида ушбу жабрланувчиларни бошқа жиноий гуруҳларга товар сифатида сотиб юборадилар.

Жинсий эксплуатация жараёнида жабрланувчилар кўчада, фоҳишахоналарда, тунги клубларда, ташрифчиларнинг кўнглини оладиган аёллар мавжуд барларда, сауналарда ва уқалаш салонларида, шунингдек шахсий манзилларда ўз хизматларини тақдим қиладилар. Улардан соатлаб ишлаши ва мижозларнинг хоҳишларига кўра барча жинсий хизматларни кўрсатишлари талаб этилади⁴.

Шу ўринда айрим рақамларни келтириб ўтсак: республикамиз ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб борилган тезкор-қидирув ва профилактик чора-тадбирлар натижасида одам савдоси жиноятларининг содир этилиши сони сўнгги йилларда камайганини кузатиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказидан олинган маълумотларга қараганда, 2015 йилда ушбу жиноят 2013 йилга қараганда 29,58 фоизга камайган. Одам савдоси жиноятини содир этганликда

айбланувчилар сони 2013 йилга нисбатан 2014 йилда – 9,24 фоизга, 2015 йилда эса – 12,94 фоизга, жабрланувчилар сони 2013 йилга нисбатан 2014 йилда – 3,16 фоизга, 2015 йилда эса – 25,18 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

Одам савдосига қарши курашишда, авваламбор, ўз вақтида унинг олдини олиш ва фуқароларимизнинг бундан жабр кўришларига йўл қўймаслик чораларини кўриш муҳим.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактика турлари мавжуд. Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб жиноятларнинг олдини олиш асосан умумий, яқка ва махсус профилактик тадбирлар билан бирга, айниқса викотимологик профилактикани ўтказиш орқали амалга оширилади. Сабаби, одам савдосининг олдини олиш учун, авваламбор, жиноятдан кимлар жабрланиши, бунинг объектив ва субъектив сабаблари, жабрланувчининг ахлоқи, психологияси, турмуш тарзи, оилавий ва моддий аҳволини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Жабрланувчи шахслар тўғрисида етарли маълумотлар олгандан сўнг бошқа профилактик тадбирларни ўтказиш ижобий натижалар бериши мумкин.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ушбу фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ИИВ одам савдосига қарши курашиш соҳасида ушбу жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлаш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга ошириш каби ваколатлар белгилаб қўйилган.

Одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва уларни фош этиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тезкор бўлинмалари томонидан одам савдоси жиноятларини фош этиш бўйича мунтазам равишда комплекс тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш, бу борада республика-мизда ва хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиб бориш зарур.

Бундан ташқари, ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш бўйича одам савдоси билан яширин тарзда шугулланаётган жинойий гуруҳларнинг жинойий алоқа каналларини аниқлаш учун республика-миздаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўз вақтида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ва биргаликда тезкор ҳаракатларни амалга ошириш самарали натижалар бериши мумкин. Шу билан бирга, одам савдосига қарши курашишда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 14-моддасида келтирилган «текшириш учун харид қилиш», «назорат остида олиш», «тезкор киритиш» ҳамда «назорат остида етказиб бериш» тадбирларини ўз вақтида ва самарали ўтказиш ҳам муҳим.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда республика-мизда одам савдосига қарши курашишда қуйидаги бир қатор муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин:

биринчидан, одам савдосига қарши кураш натижаларига кўра мазкур турдаги жиноятларнинг камайишига эришилган бўлса-да, лекин ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган одам савдоси жиноятларини аниқлаш ва ўз вақтида фош этиш масаласида одам савдоси билан шугулланувчи жинойий гуруҳлар барча аъзоларининг жинойий фаолияти фош

этилмай қолиши, хорижий мамлакатда яшаётган жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ муаммолар ҳали-ҳануз учрамоқда;

иккинчидан, одам савдоси камдан-кам ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан, ички ишлар идоралари томонидан аниқланади, улар юзасидан жиноят ишлари кўпинча жабрланувчининг аризалари ёхуд жиноят қурбонлари мамлакатдан чиқариб юборилганда қўзғатилади. Жабрланувчиларнинг одам савдоси ҳақида ўз вақтида хабар қилмаслик ҳолатлари кўп учрамоқда;

учинчидан, бундай жиноятларни аниқлаш ва очишда жиноят занжирининг барча қисмларини — одам ёллашдан то фойдаланишгача бўлган барча хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва исботлаш жуда қийин, чунки жиноят бир мамлакатда бошланиб, иккинчи мамлакатда тугайди;

тўртинчидан, одам савдоси билан шугулланувчи жинойий гуруҳлар охириги пайтларда чет элда ишлаш, яшаш, ўқиш ёки даволанишга эҳтиёжи катта бўлган шахслар орасидан жиноят қурбонларини асосан Интернет тармоғи орқали турли алдов йўллари билан ёлламоқдалар. Бу эса жинойий гуруҳларнинг яширин фаолият олиб боришига шароит яратиш баробарида, жиноятни аниқлашда қийинчиликлар туғдирмоқда;

бешинчидан, одам савдосига қарши курашда миграция билан боғлиқ масалалар республика-миз ҳудудига хорижий давлатлардан ноқонуний равишда олиб келинаётган порнографик материалларнинг, аудио-видео ва бошқа маҳсулотларнинг намоиши этилиши ҳам фуқароларимиз ахлоқига ўзининг салбий таъсирини кўрсатибгина қолмай, аҳоли орасида тобора оммалашиб, одат тусига кириб бораётганиниҳоятда ташвишли ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Шундан келиб чиқиб, одам савдосига қарши курашишда қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан:

биринчидан, хорижий давлатларда одам савдосидан жабр кўрган ёки одам савдоси билан шуғулланаётганлар ҳақида маълумотга эга бўлган шахслар дарҳол бу ҳақда ички ишлар органларига хабар беришлари борасида профилактик мазмундаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

иккинчидан, республикамиз ва хорижий давлатлардаги ютуқ ва тажрибаларни чуқур ўрганиб таҳлил қилган ҳолда ноқонуний миграция асосида чел элга кетган ва қайтиб келган шахслар ҳақидаги маълумотларни ягона тизимлаштирилган тарзда ўз вақтида тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда улар асосида меҳнат миграцияси билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган одам савдоси, терроризм ва бошқа оғир жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш самарадорлигини ошириш учун ахборот-таҳлил фаолияти натижаларидан кенг фойдаланиш;

учинчидан, тез ва осон бойлик орттиришни тарғиб этувчи адабиётлар, газета, журнал, Интернет сайтлари ва бошқа манбалар орқали кириб келаётган ҳамда Интернет тармоғи орқали турли алдов йўли билан чет элда ишлаш ва яшашни таклиф этаётган жиноий гуруҳларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига чек қўйиш;

тўртинчидан, ноқонуний йўллар билан чет элларга бориб, депортация қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини аниқлаб, рўйхатларини тузиб, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг нима мақсадда, қандай йўллар билан чиқиб кетганлигини, қайтиб келиш-

дан асосий мақсадларини аниқлаш чораларини кўриш;

бешинчидан, хорижий давлатларда ишлаш истагини билдирган шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш;

олтинчидан, мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётган миграция масалаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш;

еттинчидан, фуқароларни ноқонуний равишда чет элга юбориш билан шуғулланадиган шахсларни аниқлаш, дастлабки терговни самарали олиб бориш ва бундай жиноий гуруҳларнинг барча аъзоларини жиноий жавобгарликка тортишни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, ички ишлар органлари ходимларининг масъулиятини янада ошириш, мавжуд муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ечимини топиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш ва эришилган натижаларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси жиноятларига қарши курашда миграция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва очишда ҳар бир фуқаро халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар талабларига қатъий риоя қилишига эришиш бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг, жумладан ички ишлар органлари олдида турган энг долзарб вазифадир.

¹ *Абдулҳақов Я.А.* Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг вазифалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2016. — № 1. — Б. 73.

² *Каримов И. А.* Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т. 21. — Т., 2013. — Б. 7.

³ *Лянной В.А.* К вопросу об определении понятия «нелегальная миграция» // Пробелы в российском законодательстве. — 2011. — № 2. — С. 64–65.

⁴ *Трыканова С.А.* Актуальные вопросы международно-правового регулирования и реализации правоохранительной функции органами государственной власти в рамках борьбы с нелегальной миграцией и торговли людьми в Республике Беларусь // Миграционное право. — 2015. — № 4. — С. 30–32.

Т.Р. Кучкаров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка
қарши курашишдаги долзарб масалалар лойиҳаси раҳбарининг ўринбосари

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация. Мақолада транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг моҳияти, бу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик ва уларни квалификация қилиш ҳамда бошқа турдаги жиноятлардан фарқлашнинг айрим жиҳатлари, транспорт воситасини олиб қочиш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонуни нормасини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: транспорт воситалари, транспорт воситаларини олиб қочиш, транспорт воситаларини талон-торож қилиш, суд-тергов амалиёти, жиноятларни квалификация қилиш, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, руҳий муносабат, жиноятлар мажмуи.

Кучкаров Т.Р. Некоторые аспекты уголовной ответственности за угон транспортных средств

Аннотация. В статье рассматриваются уголовно-правовая сущность угона транспортных средств, некоторые аспекты квалификации и установления ответственности за угон транспортных средств, даются рекомендации по совершенствованию норм уголовного законодательства, предусматривающих ответственность за данное преступление.

Ключевые понятия: транспортные средства, угон транспортных средств, хищение транспортных средств, судебно-следственная практика, квалификация преступлений, добровольный отказ от преступления, психическое отношение, совокупность преступлений.

Kuchkarov T.R. Some aspects of criminal liability for theft of vehicles

Annotation. The article considers criminal and legal essence of theft of vehicles, some aspects of qualification and establishments of liability for theft of vehicles, gives recommendations on improvement of norms of criminal legislation providing the liability for this crime.

Key words: vehicles, theft of vehicles, misappropriation of vehicles, judicial and investigative practice, qualification of crimes, voluntary renunciation of crime, mental attitude, cumulative offences.

Мамлакатимизда замонавий инфра-тузилманинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган транспорт хизмати соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Бугун жамият ҳаётини транспорт воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Барча жабҳаларда уларнинг имкониятларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги

маърузасида айтиб ўтилганидек, юртимизда ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга¹.

Йўл-транспорт воситалари тўхтовсиз кўпайиб бораётган бир шароитда транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини, жамоат тартибини, фуқароларнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқини қонунга хилоф қилмишлардан муҳофаза қилиш масалалари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Жумладан, транспорт воситаларини олиб қочиш ва уларни талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги, шунингдек, бу турдаги қилмишларга қарши курашиш

бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, бундай ижтимоий хавфли қилмишларнинг содир этилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларига тажовуз қилади.

Таҳсиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2015 йил давомида содир этилган умумий жиноятларнинг 0,4 фоизга яқинини транспорт воситаларини олиб қочиш, 0,05 фоиздан кўпроғини транспорт воситалари ўғирлиги, 0,6 фоиздан кўпроғини эса велосипед ва мопедлар ўғирлиги ташкил этганлиги, шунингдек, 2015 йил давомида содир этилган барча турдаги ўғирлик жиноятининг 0,3 фоиздан ортиғини транспорт воситаси ўғирлиги, 4 фоиздан ортиғини эса велосипед ва мопедлар ўғирлиги ташкил этганлиги мазкур қилмишлар туфайли фуқароларнинг манфаатларига катта зарар етказилаётганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, 2015 йил давомида транспорт воситаларини олиб қочиш жинояти 2014 йилга нисбатан 9,3 фоизга ошиб кетганлиги мазкур қилмишнинг 16,9 фоизи, велосипед ва мопед ўғирлигининг 26,2 фоизи Жиноят-процессуал кодекснинг 364-моддасига кўра, дастлабки терговнинг тўхтатилишига сабаб бўлганлиги² бу турдаги жиноятларга қарши курашиш чораларини янада кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Суд-тергов амалиётида транспорт воситаларини олиб қочишни (267-модда) ўғирлик жинояти (169-модда)дан фарқлаш масаласи муайян аҳамият касб этади. Мазкур турдаги жиноятларни квалификация қилишда жиноят предмети, объектив ва субъектив томонларини тўғри аниқлаш лозим.

Жиноят кодексининг 267-моддасида белгиланган транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг предметини транспорт воситалари, яъни барча турдаги автомобиллар, тракторлар ва бошқа ўзиюрар машиналар, трамвайлар, троллейбуслар, мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситалари ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси

Олий суди Пленумининг «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги (1996 йил 20 декабрь) 37-сонли қарорида транспорт воситаларини ҳайдаб қочиш деганда, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочиш тушунилиши қайд этилган.

Адабиётларда транспорт воситасини олиб қочиш шахснинг ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзбошимчалик билан, ўзлаштириш мақсадисиз, қонунга хилоф равишда турган жойидан бошқа жойга олиб қочиш³ сифатида изоҳланади.

Жиноят кодексининг 267-моддасида кўзда тутилган транспорт воситасини олиб қочиш тузилишига кўра формал таркибли ҳисобланганлиги сабабли, транспорт воситасини олиб қочиш ҳаракатлари транспорт воситаси жойидан қўзғатилган вақтдан бошлаб тамом бўлган жиноят сифатида баҳоланади. Бундай ҳолатда транспорт воситасини ҳайдаб юриш муддати, масофаси жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, субъект транспорт воситасини бошқаришга киришган бўлса-да, турли (ўзига боғлиқ бўлмаган) сабабларга кўра транспорт воситасини жойидан қўзғата олмаганлиги транспорт воситасини олиб қочиш жиноятига суиқасд сифатида Жиноят кодексининг 25-моддаси иккинчи қисми ҳамда 267-моддаси бўйича квалификация қилинмоғи лозим.

Суд амалиётида транспорт воситасини олиб қочиб, кейин ўз жойига қайтариб олиб келиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Мазкур ҳолатда қилмиш жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш сифатида эмас, балки норманинг формал таркиблигидан келиб чиққан ҳолда содир этилган қилмиш тугалланган жиноят сифатида баҳоланиши лозим. Бироқ бу ҳолат судлар томонидан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинishi мумкин.

Транспорт воситасини олиб қочишни квалификация қилишда субъектнинг жиноят

содир этишга нисбатан руҳий муносабати — жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, транспорт воситасини олиб қочиш ва транспорт воситасини талон-торож қилиш бир-биридан жиноят содир этиш мақсадига кўра фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқоридаги қароридида қайд этилганидек, транспорт воситаларини ҳайдаб қочиш деганда, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочишни тушунишлари кераклиги, шунингдек, айбдор томонидан транспорт воситасини ўзининг шахсий мулкига айлантириш мақсадини кўзлаган ҳолда олиб қочганда унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг ўзганинг мулкни ўғирлаганлик учун жавобгарликни белгиловчи тегишли моддалари билан тавсифланиши лозимлиги, бу ҳаракатларни Жиноят кодексининг 267-моддаси билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмаслиги, чунки бу ҳолатларда транспортни олиб қочиш ўғирлашнинг усули (воситаси) ҳисобланиши белгиланган.

Транспорт воситаси олиб қочилганидан кейин уни талон-торож қилиш қасди шаклланган ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи қоидасига биноан транспорт воситасини олиб қочиш ва ўғрилик, яъни ЖКнинг 267 ва 169-моддалари мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозимлиги таъкидланади⁴. Бизнингча, бу тўғри фикр, чунки жиноят субъекти фақат транспорт воситасини олиб қочиш фикрида бўлади, бу эса ўғирлик ёки бошқа талон-торож содир этиш усулини ташкил этмайди.

Бироқ транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодекси 267-моддасининг биринчи қисми диспозициясида транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз олиб қочганлигининг белгиланмаганлиги мазкур нормани қўллашда айрим мунозарали

ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бу борада хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги эътиборга молик. Хусусан, Россия Федерацияси ЖКнинг 166-моддаси, Молдова Республикаси ЖКнинг 192¹-моддаси, Беларусь Республикаси ЖКнинг 214-моддаси, Озарбайжон Республикаси ЖКнинг 185-моддаси, Арманистон Республикаси ЖКнинг 183-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 185-моддаси, Тожикистон Республикаси ЖКнинг 252-моддасида транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг диспозициясида транспорт воситасини олиб қочганлик ўзлаштириш мақсадисиз содир этилганлиги зарурий белги сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, Грузия Республикаси ЖКнинг 184-моддаси, Эстония Республикаси ЖКнинг 197-моддасида транспорт воситасини олиб қочишнинг зарурий белгиси сифатида «ундан вақтинчалик фойдаланиш мақсади» нормада белгиланган. Фикримизча, зарурий белги сифатида «ундан вақтинчалик фойдаланиш мақсади»нинг нормада белгиланганлиги баҳслидир. Чунки, «транспорт воситасидан вақтинчалик фойдаланиш» тушунчаси транспорт воситасини олиб қочиш мазмунига тўлиқ мос келмайди ва уни қанчадир муддат билан ҳисоблаб, қилмишнинг тегишли жиноят таркиби билан квалификация қилиниши жиноят қонунчилигининг принциплариға мувофиқ эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига кўра, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз олиб қочиш жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатиши белгиланган бўлса-да, транспорт воситасини олиб қочиш мотиви жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмаслигини унутмаслик лозим. Масалан, зарурат туфайли, безорилик, кўролмаслик, ўч олиш ёки бошқа паст ниятларда транспорт воситасининг олиб қочилганлиги қилмишнинг квалификациясига таъсир кўрсатмаси-

да, суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, транспорт воситасини олиб қочишни квалификация қилишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

биринчидан, содир этилган қилмишни квалификация қилиш учун етарли асослар – жиноят таркиби элементларининг мавжудлигини аниқлаш лозим;

иккинчидан, содир этилган қилмишни бошқа жиноятлардан фарқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарорида транспорт воситасига берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда олиб қочилган предметни, жиноятнинг субъектив томони (жиноят мотиви ва мақсади)ни таҳлил қилиш орқали, қилмишни мулкка шикаст етказиш, ўғрилиқ каби жиноятлардан фарқлаш керак;

учинчидан, жиноий ниятнинг шаклланиш босқичларини чуқур таҳлил этиш, агарда транспорт воситасини олиб қочиш ва уни ёки ундаги нарса-буюмни талон-торож қилиш, шунингдек, мулкка шикаст етказишга нисбатан алоҳида руҳий муносабат мавжудлиги аниқланса ҳамда қонунчиликда белгиланган етарлича асослар мавжуд бўлса, қилмишни транспорт воситасини олиб

қочиш ҳамда ўғрилиқ ва (ёки) мулкка шикаст етказиш жиноятлари мажмуи тариқасида баҳолаш керак бўлади.

Шунингдек, транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодексининг 267-моддасини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1) Жиноят кодекси 267-моддасининг биринчи қисми диспозициясида жиноят мақсадини аниқ белгилаб қўйиш, хусусан, уни «Транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз олиб қочиш» тариқасида баён этиш;

2) жабрланувчининг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоялаш ва унга етказилган зарарни қоплаш механизмининг кучайтириш, жавобгарликни дифференциация қилиш мақсадида 267-модданинг тўртинчи қисмида қуйидаги таҳрирдаги (диспозитив) рағбатлантирувчи нормани жорий этиш:

«Агар транспорт воситасини олиб қочган шахс 24 соат ичида транспорт воситасини эгасига қайтарса, чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни бартараф этса, у жавобгарликка тортилмайди».

Ўйлаймизки, ушбу таклиф ва тавсиялар транспорт воситасини олиб қочишни квалификация қилишда, жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва етказилган зарарни бартараф этиш механизмининг такомиллашувига хизмат қилади.

¹ Халқ сўзи. – 2016. – 17 янв.

² Ички ишлар вазирлиги Ахборот маркази маълумотлари.

³ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2016. – Б. 921.

⁴ Ўша манба. – Б. 922.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ВА ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Аннотация. мақолада хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиловчи жиноят қонуни нормаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмунини очиқ берилган.

Таянч тушунчалар: тадбиркорлик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, жиний жавобгарлик, либераллаштириш, тадбиркорликнинг жиний-ҳуқуқий кафолатлари.

Хайдаров М.М. Ответственность за преступления, связанные с воспрепятствованием и незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность

Аннотация. В статье раскрывается содержание реформ в сфере поддержки частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, в частности изменений и дополнений, внесенных в уголовное законодательство, касающихся установления ответственности за преступления, связанные с воспрепятствованием и незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность.

Ключевые слова: предпринимательство, малый бизнес, частное предпринимательство, уголовная ответственность, либерализация, уголовно-правовые гарантии предпринимательства.

Khaydarov M.M. The liability for crimes connected with interference, illegal intervention in enterprise activity

Annotation. The article discloses the contents of reforms in the sphere of support of private property, small business and private enterprise, in particular the changes and additions which have been introduced in the criminal legislation concerning the establishment of liability for crimes, connected with interference and illegal intervention in enterprise activity.

Key words: enterprise, small business, private enterprise, criminal liability, liberalization, criminal-legal guarantee of enterprise.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, хусусий мулкдорлар учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратиш бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизми ишлаб чиқилди ҳамда ушбу соҳани янада ривожлантириш юзасидан бир қатор чоратадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, 2015

йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки томонидан эълон қилинган «Бизнес юритиш» рейтингда Ўзбекистон бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

Шунингдек, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб

номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди¹.

Афсуски, ҳозирги кунда мазкур соҳадаги ислохотларга салбий таъсир этаётган омиллар ҳам учрамоқда. Булар тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлардир.

Президентимиз Ислам Каримов бу ҳақда тўхталиб, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳамон турли маъмурий гов ва тўсиқлар сақланиб қолаётганлигини, энг ёмони, мансабдорлар томонидан бу соҳа вакиллари-нинг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкинлигини таъкидлаган эди².

Бундай ҳолатларни бартараф этиш, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантириш, шу асосда давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратишни янада ривожлантириш мақсадида 2015 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони³ чиқди. Унда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2015 йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 33 та қонуни ва 10 та кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят кодексининг 27 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, 3 та модда янги таҳрирда қабул қилинди ва битта модда кодексдан чиқарилди. Шунингдек, 11 та моддадан иборат XIII¹ боб «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмунини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

биринчидан, Жиноят кодекси тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларининг жиноий жавобгарлигини назарда тутувчи янги нормалар билан тўлдирилди. Жумладан, хусусий мулк ҳуқуқини бузиш (ЖК 192¹-модда); тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш (ЖК 192² - модда); тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш (ЖК 192³-модда); тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш (ЖК 192⁴-модда); лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 192⁵-модда); имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш (ЖК 192⁶-модда); хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асосиз равишда кечиктириш (ЖК 192⁷-модда); тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш (ЖК 192⁸-модда);

иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари ҳамда хизматчилари томонидан содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар такомиллаштирилди. Чунончи:

а) тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари томонидан содир этиладиган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ва пора олиш (бериш) жиноятлари учун жавобгарлик ҳамда давлат органи, давлат

иштирокидаги ташкилот мансабдор шахслари томонидан содир этиладиган ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик фарқланиб, алоҳида нормаларда белгиланди. Жумладан, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 192⁹-модда) ва нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш (ЖК 192¹¹-модда) каби жиноятлар учун жиноий жавобгарлик пора олиш (ЖК 210-модда); пора бериш (ЖК 211-модда) ҳамда ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-модда)дан ажратилиб, алоҳида нормаларда белгиланди;

б) тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хизматчилари томонидан содир этиладиган пора эвазига оғдириб олиш жинояти учун жавобгарлик ҳамда давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот хизматчилари томонидан содир этиладиган ушбу турдаги жиноят учун жавобгарлик фарқланиб, алоҳида нормаларда белгиланди. Жумладан, нодавлат тижорат ташкилотнинг ёки бошқа нодавлат ташкилотнинг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 192¹⁰-модда) жинояти учун жиноий жавобгарлик давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 213-модда) ва давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (ЖК 214-модда)дан ажратилиб алоҳида нормаларда белгиланди;

учинчидан, тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар либераллаштирилди. Жумладан:

а) Жиноят кодексининг 180-моддаси (сохта банкротлик) ва 181-моддаси (банкротликни яшириш) иккинчи қисмларида назарда тутилган «Етказилган моддий зарар *уч карра миқдорид*да қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди» деган рағбатлантирувчи норма «Етка-

зилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда *озодликни чеклаш* ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди», дея янги таҳрирда баён этилди;

б) Жиноят кодексининг 184-моддаси (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди: «Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади»;

в) Жиноят кодексининг 188-моддаси (Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти) янги таҳрирда қабул қилинди ва унда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан фақат жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга ошириш учун жинойий жавобгарлик белгиланиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан анча ва кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга ошириш учун эса жинойий жавобгарлик бекор қилиниб, шундай қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланди;

г) Жиноят кодексининг 189-моддаси (Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш)дан биринчи (анча миқдордаги қийматда бузиш) ва иккинчи (кўп миқдордаги қийматда бузиш) қисмлари чиқарилди ҳамда бундай қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига юқорида санаб ўтилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши-

дан кўзланган асосий мақсад:

– мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этувчи хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш;

– тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни янада такомиллаштириш;

– бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутувчи нормаларни янада либераллаштириш, жумладан, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмастлиги ҳақидаги рағбатлантирувчи нормаларни кенгайтириш;

– жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жинойий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш ишларини изчил давом эттиришдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, қонунчиликка киритилган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш баробарида, бу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда бизнес муҳитини яхшилашга муносиб ҳисса қўшади. Муҳими, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаб, аҳолининг ҳаёт даражаси сифатини янги босқичга олиб чиқади.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Т., 2016. – Б. 11.

² Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б. 49.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 20. – 251-м.

Л.Ю. Югай,
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
криминалистик экспертизалар кафедраси катта ўқитувчиси;*
А.Б. Бабамурадов,
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси;*
А.Д. Хусанов,
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси*

ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАР ЎТКАЗИШДАГИ ХАТОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. мақолада трасологик экспертизаларни ўтказишда йўл қўйиладиган хатоликларнинг асосий сабаблари, тадқиқотлар натижаларининг якуний хулосаларини нотўғри асослантириш ҳамда трасологик экспертизаларни ўтказиш жараёнида экспертлар томонидан йўл қўйиладиган камчиликларни бартараф этиш хусусида сўз боради.

Таянч тушунчалар: экспертиза, трасология, трасолог, физикавий ва кимёвий, биологик, микроTRASОЛОГИК методлар.

Югай Л. Ю., Бабамурадов А. Б., Хусанов А. Д. Ошибки при проведении трасологических экспертиз и способы их устранения.

Аннотация. В статье освещаются способы устранения основных причин ошибок, допускаемых при проведении трасологических экспертиз, неправильного обоснования заключений по итогам проведенных исследований в заключениях экспертов-TRASОЛОГОВ, а также ошибок, допускаемых экспертами в процессе проведения трасологических экспертиз.

Ключевые слова: экспертиза, трасология, трасолог, физический и химический, биологический, микроTRASОЛОГИЧЕСКИЙ методы.

Yugai L. Y., Babamuradov A. B., Husanov A. D. Mistakes in conducting trasological examinations and ways of their illimination.

Annotation. The article deals with the ways of limination of the main reasons for making mistakes when carrying out trasological examinations, wrong justification of conclusions following the results of the conducted researches in the decisions of expert tracers as well as the mistakes made by experts in the course of conducting trasological examinations.

Key words: examination, trasology, tracer, physical and chemical, biological, microtrasological methods.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация этишнинг муҳим таркибий қисмидир¹. Шу маънода, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг² қабул қилиниши суд процессида турлича суд экспертизаларини ташкил қилиш ва ўтказишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Аммо соҳани таҳлил қилиш шуни

кўрсатмоқдаки, бугун эксперт-криминалистлар томонидан трасологик экспертизаларни ўтказишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Трасологик экспертиза — криминалистик тадқиқотларнинг энг кўп учрайдиган ва мураккаб турларидан бири. Трасологик экспертизанинг замонавий даражаси жуда кенг қамровли идентификацион, диагностика ва ситуацион вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Бу, биринчи навбатда,

суд экспертизасининг объекти сифатида турли объектлар ҳамда криминалистик тадқиқотлар методларининг кенгайиб бораётганлиги билан боғлиқдир.

Трасологик экспертизаларни ўтказишдаги хатоларнинг асосий сабаби экспертлар малакасининг етишмаслигидадир. Бу эса, экспертлар томонидан тавсия этилган методлардан фойдалана олмаслик, техник воситаларни қўлай билмаслик, аниқланган белгиларнинг идентификацион аҳамиятини нотўғри баҳолаш ва объектларнинг идентификацион тадқиқотлар учун яроқлилигини аниқлай олмаслик, етарли ҳажмдаги идентификацион белгиларни аниқлай олмасликда намоён бўлади. Шунингдек, эксперт-трасологлар хулосаларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра якуний хулосаларни нотўғри асослантириш каби мантиқий хатолар ҳам учраб туради. Масалан, бино ойнасининг қайси томондан (ичкари ёки ташқаридан) синдирилганлигини аниқлашда экспертлар кўпинча ойна парчасининг ташқи томони чангланганига асосланиб хулоса чиқарадилар. Ҳолбуки, ойнанинг ташқаридан артиб қўйилганлиги ва ички томони чанг босган бўлиши мумкинлигини эътиборга олмайдилар.

Экспертиза амалиёти таҳлиллари натижаларига асосланиб, қуйида турли трасологик экспертизаларни ўтказишдаги хатоларни кўриб чиқамиз.

Пойафзал ва оёқ изларининг трасологик экспертизаларини ўтказишдаги хатолар. Пойафзал ва яланг оёқ изларининг идентификацион тадқиқотларида аниқланган белгиларни баҳолашда эксперт-трасологлар изларнинг из қабул қилувчи материалларнинг хоссаларига боғлиқ ўзгаришларини эътиборга олмайдилар. Шу боисдан, бу каби идентификацион тадқиқотларда, албатта, экспериментал намуналар олиш тавсия этилади. Эксперимент жараёнига эса қуйидаги талаблар қўйилади:

– тажрибада ишлатилаётган из қабул қилувчи материал ҳодиса содир бўлган жойдаги из қабул қилувчи материал билан бир хил бўлиши шарт;

– тажрибалар энг камида беш марта ўтказилиши лозим;

– тажрибалардан олинган экспериментал намуналар, даставвал, бир-бири билан солиштирилиши ва уларда акс этган излардан энг кўп учрайдиган белгилар ажратиб олиниши керак.

Ҳозирги кунда пойафзал излари тадқиқотларининг мураккаблиги пойафзаллар турларининг хилма-хиллиги, соҳада адабиётлар, каталоглар ва шу кабиларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Экспертлар олдида ҳодиса содир бўлган жойда излар қолдирган шахснинг анатомик белгиларини аниқлаш бўйича диагностик саволлар қўйилганида, «етарлича асосланмаган хулосалар чиқарилади ёки қўйилган саволга жавоб беришдан шошилиш равишда бош тортиш каби хатолар учрайди»³. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, муайян маълумотларга эга бўлган эксперт, имкони борича, қўйилган саволга, ҳеч бўлмаса, эҳтимолли шаклда жавоб беришга ҳаракат қилиши лозим.

Қулфларнинг трасологик экспертизаларини ўтказишдаги хатолар. Ушбу турдаги экспертиза хулосаларининг тадқиқот қисмида қулф ва эшикдаги излар ҳамда уларнинг мажмуи батафсил таърифлаб ёзилмайди. Шу боисдан, қулфни ёки эшикни очишда жиноятчи томонидан қўлланилган буюм ёки бузиш қуролининг тури ҳақидаги хулоса асосланмаган ҳисобланади. Бу вазифани бажаришда экспертларга қайта тиклаш (реконструкция) методидан кенгроқ фойдаланиш, излар асосида бузиш қуролнинг моделини яратиш тавсия этилади.

Экспертиза жараёнида қулфни очиш ва ёпиш билан боғлиқ экспериментлар ўтказилади, аммо тажрибадан олдин тақдим этилган қулф, унинг ёпиш механизми ва қутисидаги излар фотосуратга олинмайди.

Айрим ҳолларда экспертлар тақдим этилган қулф бегона буюм (очқич, танланган калит ва бошқалар) билан очилгани тўғрисидаги хулосаларини етарлича асосламайдилар. Бунинг учун «қулф ва унинг ёпиш механизмидаги изларни, уларнинг жойлашиш ҳолати,

ўлчамлари ва йўналиши каби хусусиятларини батафсил таърифлаб ёзиш зарур»⁴.

Эксперт-криминалистика хизматларининг амалий фаолиятида баъзан тақдим этилган қулфни бегона буюмлар билан очишнинг қийинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосалар келтирилади. Бу каби хулосаларни беришда эҳтиёткорлик талаб этилади, чунки бу ҳолат қулфни очган ёки очишга уринган шахснинг билими ва тажрибасига бевосита боғлиқ. Бу ҳолда тадқиқ қилинаётган қулф механизмнинг мураккаблиги ва сирларининг ўзига хослиги ҳақида фикр юритган маъқулроқ.

Экспертиза хулосаларида эксперт олдига қўйилган саволларга мос келмайдиган хулосалар ҳам учраб туради. Масалан, «қулф бегона калит билан очилганми?», деган саволга «тақдим этилган қулфда унинг бегона калитлар билан очилганлигини билдирувчи из (белги)лар йўқ» деган жавоб берилади.

Айрим экспертиза хулосаларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига боғлиқ бўлмаган ва ҳатто, эксперт-трасологнинг ваколатига тегишли бўлмаган хулосалар ҳам учраб туради. Масалан, тақдим этилган қулфнинг бегона буюмлар билан очилганлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда эксперт-трасолог шундай деб ёзади: «қулфнинг деталлари оксидланган», «қулф қобиғи силумин материалдан тайёрланган», «қулфга фреза станогини, сўнгра электр кумқайроқ билан ишлов берилган» ва ҳоказо.

Қулфлар ва бошқа ёпувчи мосламаларнинг тадқиқотлари экспертлардан тадқиқот объектларини батафсил ўрганишни талаб этади. Тадқиқотлар методикаси ҳар бир эксперт-трасолог учун тушунарли ва маълум. Аммо ишлаб чиқилган ва тавсия этилган методикаларга ҳамма экспертлар ҳам амал қилмайдилар. Масалан, цилиндрсимон қулфнинг штифтлари ва цилиндрнинг ички сиртини калит учун тирқиш орқали ўтувчи нурлар ёрдамида тадқиқ этиш мумкин, деган нотўғри фикрлар мавжуд. Бу каби текширишлар учун эса цилиндрни очиш талаб этилади. Бундан ташқари, тақдим этилган қулф бегона калит билан очилганлигини

аниқлаш учун штифтларнинг ўзини текшириш билан чекланилади, цилиндрларнинг ички ва ташқи сиртлари, калит учун тирқишларнинг ички сирти текширилмайди.

Пломбалар ва беркитувчи-пломбаловчи қурилмаларнинг трасологик экспертизаларини ўтказишдаги хатолар. Пломбаларнинг тадқиқотларида тергов органлари томонидан экспертлар олдига энг кўп қўйиладиган савол «пломба қайта осилганми?», деган савол ҳисобланади. Ушбу саволга жавоб беришда экспертлар ҳар доим ҳам назорат намуналарини сўраб олмайдилар. Ҳолбуки, текширилаётган пломбани, умуман ишлатилмаган (осилмаган) пломба билан солиштириш саволга жавоб бериш учун зарур қўшимча маълумот олишда ёрдам беради.

Экспертлар олдига пломбаларнинг очилганлиги тўғрисидаги саволлар ҳам қўйилади. Тадқиқотлар ўтказишда улар «тақдим этилган пломбанинг корпусини тадқиқ этиш билан чекланадилар, пломбанинг осигичи (ип, сим ёки тасма)га эса эътибор қаратмайдилар. Ёки бўлмаса, пломбанинг ички сиртини (камерасини) текшириш мақсадида кесишдан олдин ундаги изларни қайд этишни ёддан чиқарадилар»⁵. Бу эса қўпол хато ҳисобланади, чунки бунда тадқиқот учун аҳамиятли бўлган белгилар йўқолиши мумкин.

Пломбаларни текширишда тадқиқот ўтказишнинг физикавий ва кимёвий методлари ҳар доим ҳам қўлланилмайди.

Транспорт воситалари изларининг трасологик экспертизаларини ўтказишдаги хатолар. Бу турдаги экспертиза хулосаларини шакллантиришда экспертлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ҳамда суд-тиббиёт экспертизаси хулосасида келтирилган маълумотларни умуман инобатга олмайдилар.

Кўп ҳолларда транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши ва тўқнашиш шароитларининг ишончли асослантирилганлигига етарли эътибор берилмайди. Филдирак шиналари тадқиқотларида шиналарнинг эластиклиги, едирилганлиги, материалнинг дир хоссалари ва сифати, шунингдек, йўл қопламасининг ҳолатига боғлиқ

равишда изларнинг ўзгариши инobatга олинмайди. Транспорт изларининг трасологик экспертизалари хулосаларига илова тариқасида керакли чизмалар, жадваллар ва бошқа кўргазмали материаллар кўшилмайди.

Юқоридагиларни умумлаштириб, трасологик экспертизаларни ўтказишда учрайдиган умумий хатолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– изларни етарли асосларсиз тадқиқот учун яроқли ёки яроқсиз деб топиш;

– эксперт томонидан экспериментларнинг талаб даражасида ўтказилмаслиги, жумладан: изларда белгилар ҳосил бўлишининг барқарорлиги аниқланмаслиги; из қабул қилувчи материал ҳар доим ҳам тўғри танланмаслиги; из ҳосил бўлган шароитлар етарлича тўлиқ аниқланмаслиги;

– микротрасологик тадқиқотларни ўтказишда эксперт-трасологлар фақат микробелгиларга асосланиб, бу белгиларнинг учраш частотаси, такрорланиши ва ўзгариши ҳақида маълумотлар бўлмаганида идентификацион тадқиқотларни ўтказиш жуда қийин эканлигини инobatга олмайдилар. Бу каби тадқиқотлар, одатда, микроизлар ҳақида керакли маълумотлар олиш учун тегишли замонавий техник-криминалистик воситалардан фойдаланишни тақозо этади;

– ҳар доим ҳам комплекс тадқиқотларнинг имкониятларидан фойдаланилмайди. Бу каби комплекс тадқиқотларни ўтказиш зарурати идентификацион ёки диагностик вазифаларни бажаришда тегишли маълумотлар етарли бўлмаганда вужудга келади. Бу ҳолда эксперт-трасологлар, текшириляётган из ва моддаларнинг кимёвий, биологик ёки бошқа турдаги тадқиқотларини ўтказиб, қўшимча маълумотлар олиши зарур;

– экспертиза хулосаларида эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятига оид масалалар ёритилмайди. Масалан, хулосаларнинг тадқиқот қисмида пломбалаш қоидаларининг бузилганлиги, қулфнинг сифатсиз таъмирланганлиги кабилар таъкидланмайди;

– экспертиза хулосаларида атамаларга оид хатолар учраб туради. Бу каби хатоларнинг мавжудлигини криминалистик адабиётларнинг камлиги, мавжуд адабиётларнинг замон талабларига жавоб бермаслиги ҳамда ушбу хизматга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Трасологик экспертизаларни ўтказишдаги хатоларни аниқлаш учун ушбу турдаги экспертиза ва тадқиқотларни тайинлаш ҳамда ўтказишнинг умумий методикаси, экспертиза тадқиқотлари жараёнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб, трасологик экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги эксперт хатоларини қуйидаги ҳолатларда:

– экспертиза тадқиқотларининг исталган босқичида, айниқса якуний хулосаларни шакллантириш босқичидаги экспертиза тадқиқотларининг бориши ва натижаларини текширишда экспертнинг ўзи томонидан;

– экспертлар комиссияси томонидан ўтказилган экспертиза тадқиқотларини таҳлил этиш ва муҳокама қилишда;

– илгари ўтказилган экспертиза хулосаларини таҳлил этиш жараёнида;

– экспертиза муассасаси ёки бўлими томонидан ўтказилган экспертиза тадқиқотларининг бориши ва натижаларини текшириш ва таҳлил этиш вақтида;

– экспертиза хулосаларини терговчи ёки суд томонидан баҳолашда аниқлаш ва баргараф этиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 10 – 11. – 71-м.

² Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №22. – 173-м.

³ Шевчук Б. И. Теоретические основы трасологической идентификации в криминалистике. – М., 2005. – С. 59.

⁴ Макушкина Г. Е., Вермел И. Г., Кочнева Л. В. Понятия, причины и профилактика экспертных ошибок. – Свердловск, 1997. – С. 94.

⁵ Шевчук Б. И. Теоретические основы трасологической идентификации в криминалистике. – М., 2005. – С. 72.

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАДА БЎЛИШИ ВА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИГА ҚАРШИ КУРАШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфи масалалари таҳлил қилинган, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга жиноий-ҳуқуқий тавсиф берилган, ушбу жиноятларнинг ҳолати ва тузилиши кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: гиёҳвандлик, суиистеъмол қилиш, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, ғайриқонуний савдо, гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги.

Уразалиев М. К. Проблемы борьбы с незаконным оборотом и употреблением наркотических средств

Аннотация. В статье подвергаются анализу вопросы общественной опасности наркомании, дается уголовно-правовая характеристика, рассматриваются состояние и структура преступлений, связанных с наркоманией.

Ключевые слова: наркомания, злоупотребление, преступления, связанные с наркоманией, нелегальная торговля, связь наркомании с преступностью.

Urazaliyev M. K. Problems of fight against illicit trafficking and use of drugs

Annotation. The article analyzes questions of public danger of drug addiction, gives its criminal and legal characteristic, considers the state and structure of the crimes connected with drug addiction.

Key words: drug addiction, abuse, crimes connected with drug addiction, illegal trade, relation of drug addiction with criminality.

Сўнгги йилларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлиб, улар оқибатида шахс, жамият ва давлатга катта зарар етказилади. Мазкур ижтимоий иллат коррупция ва умумий жиноятчиликнинг ўсишига, юқумли касалликлар¹, ОИВ, ОИТС, фоҳишалик ва бошқа салбий оқибатларнинг юзага келишига замин яратади².

Бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомалага чиқарилиши билан боғлиқ қилмишларга гиперлатентлик³ (ўта яширинлик) хусусияти хослигини инобатга олиб, амалда бу жиноятлар ва ғайриқонуний муомалада бўлган гиёҳвандлик воситаларининг миқдори қайд этилган

кўрсаткичлардан ҳам юқори эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ушбу жиноятнинг хавфлилиги шундаки, гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш шахсни жамиятдан ажратиб, унинг инсоний қиёфаси йўқолишига ва турли жиноятлар содир қилишига олиб келади. Бундан ташқари, инсоннинг бош мияси, иммун тизимига шикаст етади, организмда жиддий патологик ўзгаришлар келиб чиқади.

Кўпгина тадқиқотчилар ҳозирги вақтда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятлар миллий хавфсизликка, миллат генофондига ва инсонларнинг соғлиғига таҳдид солишини эътироф этишган⁴.

Гиёҳвандлик (наркотизм)нинг жиноятчилик билан алоқадорлиги ўта хавфли жиноятлар содир этилишида, вояга етмаганлар томонидан эса гараз мақсадларда зўрлик ишлатиб⁵ ва зўрлик хусусиятидаги⁶

тажовуларнинг содир этилишида, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари истеъмоли, ўз навбатида, кун сайин баҳоси кўтарилиб борадиган гиёҳвандлик воситаларини сотиб олишнинг ўсишида намоён бўлади⁷. Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш нафақат ўсмирлар организмни ишдан чиқаради, балки вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабабларидан бири ҳамдир⁸.

«Гиёҳвандлик» тушунчаси билан қамраб олинадиган жиноятчиликни шартли равишда беш гуруҳга ажратиш мумкин:

1) гиёҳвандлик воситалари билан бевосита боғлиқ жиноятлар (гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, гиёҳвандлик воситаларини товламачилик йўли билан талон-торож қилиш, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун бангхоналар сақлаш);

2) гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш учун маблағ топиш мақсадида содир этилган жиноятлар (ўғирлик, талончилик, босқинчилик, товламачилик);

3) гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш натижасида маст ҳолатда содир этилган қилмишлар (қасддан одам ўлдириш, баданга турли даражада шикаст етказиш, номусга тегиш, безорилик, тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш);

4) наркобизнес билан шуғулланувчи шахслар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли содир этиладиган жиноятлар (одам ўлдириш, баданга турли даражада шикаст етказиш);

5) гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш туфайли маст ҳолатда бўлган шахсларга нисбатан содир қилинадиган жиноятлар (баданга турли даражада шикаст етказиш, талончилик, босқинчилик, безорилик).

Юқорида санаб ўтилган жиноятлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида оғир ёки ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилган. Жумладан, ЖК Махсус қисмининг 19-бобида қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган: тақиқланган экинларни етиштириш (270-модда); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (271-модда); гиёҳвандлик воситалари ёки

психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (273-модда); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (274-модда); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қодаларини бузиш (275-модда); гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (276-модда).

Статистика маълумотларига назар ташласак, мамлакатимизда аниқланган наркожиноятлар сони 2014 йилда 6698 тани, 2015 йилда 6648 тани, жумладан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятлари 2014 йилда 3062 тани, 2015 йилда 3017 тани, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар контрабандаси тегишлича 607 та ва 709 тани, тақиқланган экинларни экиш тегишлича 1320 ва 1301 тани ташкил қилган⁹. Бундан кўриниб турибдики, бу соҳада жиноятларнинг асосий қисмини қонунга хилоф равишда ўтказиш ва етиштириш ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасидаги жиноятчилик, тергов-суд амалиёти таҳлили наркожиноятчиликнинг ҳозирги хусусиятларини аниқлаш, уни аҳолининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда истеъмол қилиши даражаси билан боғлаш, олинган маълумотларни баҳолаш ва уларни бир-бири билан таққослаш имконини беради. Мазкур жиноятларни умумий жиноятчиликнинг мустақил таркибий элементи сифатида таҳлил қилиш зарурати миқдор, сифат, таркибий ва динамик кўрсаткичларнинг барқарорлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан

иборат жиноятлар таркибида энг кўп содир этиладиган жиноят — гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ҳисобланади. Мазкур жиноятни содир этганлиги учун 2010 йилда — 3208, 2011 йилда — 2770, 2012 йилда — 3010, 2013 йилда — 2689, 2014 йилда — 2888, 2015 йилда эса 2481 нафар шахс судланган. Рақамларни таққослайдиган бўлсак, ЖКнинг 270-моддаси билан 2010 йилда — 574, 2011 йилда — 760, 2012 йилда — 600, 2013 йилда — 674, 2014 йилда — 1189, 2015 йилда 1155 нафар шахс судланган бўлса, ЖКнинг 271-моддаси бўйича бу кўрсаткич 2010 йилда — 14, 2011 йилда — 6, 2012 йилда — 19, 2013 йилда 7, 2014 йилда — 42, 2015 йилда 31 нафарни, ЖКнинг 274-моддаси бўйича 2010 йилда — 7, 2011 йилда — 3, 2012 йилда — 4, 2013 йилда — 1, 2014 йилда — 74, 2015 йилда 54 нафарни, ЖКнинг 275-моддаси бўйича 2010 йилда — 2, 2011 йилда — 5, 2012 йилда — 5, 2013 йилда — 7, 2014 йилда — 11, 2015 йилда 18 нафарни, ЖКнинг 276-моддаси бўйича 2010 йилда — 1708, 2011 йилда — 1521, 2012 йилда — 1106, 2013 йил 1186, 2014 йилда — 1224, 2015 йилда 1446 нафарни ташкил этган¹⁰. Кўриниб турибдики, ЖК 273-моддасида назарда тутилган жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг 2010 йилда 58,2 %, 2011 йилда 54,6 %, 2012 йилда 63,4 %, 2013 йилда 58,9 %, 2014 йилда 53,2 %, 2015 йилда 47,8 %ини ташкил этган. ЖК 273-моддасида назарда тутилган жиноятнинг нафақат гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқлиги, балки ЖКда жавобгарлик белгиланган жиноятларнинг ичида ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлиги нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солиши, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига тажовуз қилишини англаш қийин эмас.

Қолаверса, сўнгги йилларда наркотижорат жиноий фаолиятнинг энг даромадли турларидан бирига айланиб улгурганлигини

ҳам унутмаслик керак. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ташиш ва тарқатиш, айниқса, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларни ўзига жалб қиладиган фаолият турига айланди.

Назаримизда, бунга қуйидаги омиллар имкон яратди:

— гиёҳвандлик, заҳарвандлик ва алкогольизмдан мажбурий даволашни амалга оширувчи даволаш муассасаларининг камлиги;

— спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суи-истеъмол қилувчи шахсларнинг жамиятга қайтиб, ўз мафкураси, турмуш тарзини тарғиб қилиши.

Ачинарлиси, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда истеъмол қилишга ёшлар тобора кўп жалб этилмоқда¹¹.

Гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний муомаласи умумжаҳон савдосининг тахминан 8 фоизини ташкил қилмоқда¹². Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳлар фаолияти муайян давлат ҳудудидан чиқиб, трансмиллий наркосиндикатлар юзага келди. Трансмиллий наркосиндикатлар ўз эҳтиёжлари йўлида илмий-техник тараққиёт натижаларидан фойдаланиши уларнинг техник-молиявий имконияларини оширмоқда¹³. Уларнинг ўз жиноий фаолиятларида энг замонавий қурол ва воситалардан, электрон таъминот тизимидан, жумладан, глобал Интернет тармоғидан фойдаланаётганликлари муаммонинг кўлами янада ортишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили жаҳонда гиёҳванд жиноятчилардан 100 мингга яқин ўқотар қурол олиб қўйилмоқда. Бундан ташқари, 500 дан ортиқ учиш ва қўнишга мўлжалланган яширин майдонлар аниқланмоқда, шунингдек, наркосиндикатлар томонидан фойдаланилаётган тахминан шунча учиш аппарати парвоз пайтида уриб туширилади ёки мусодара қилинади. Шунга қарамай, ҳар куни гайриқонуний юк ортилган 300 га яқин парвозлар амалга оширилмоқда¹⁴. Ҳозирги вақтда жаҳонда ҳар йили ўртача гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний савдоси орқали олинган 300-800 млрд.

АҚШ доллари ҳажмдаги маблағ легализация қилинади¹⁵.

Қайд этиш жоизки, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомалага чиқарилиши билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичлари ва уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жуда юқори бўлишига қарамай, мамлакатимизда бу тоифадаги жиноятлар учун самарали жавобгарлик чораларини қўллашда қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг жадал ривожланиши турли хизматларни Интернет, мобил алоқалар орқали амалга ошириш имкониятларини кенгайтирган. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласини Интернет воситаси ёки бошқа электрон алоқа воситалари орқали амалга ошириш имкониятлари¹⁶ ҳам бундан мустасно эмас.

Бу борада хорижий мамлакатларда қўллаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, бундай қилмишларга қарши курашнинг тезкор чоралари кўрилкоқда. Жумладан, Россия Федерациясида 2020 йилгача Гиёҳвандликка қарши давлат сиёсати стратегияси¹⁷ тасдиқланган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори¹⁸ қабул қилинган бўлса-да, мазкур қарорда юқорида қайд этилган жиноий қилмишни квалификация қилиш юзасидан зарур тушунтириш ва кўрсатмалар берилмаган.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мазкур қарорига Интернет ёки бошқа электрон алоқа воситалари орқали гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни реклама қилиш, «буюртмачи» ва «харидор» ўртасида ўзаро келишувларни, тўловларни амалга ошириш ҳамда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ бошқа шу каби

қилмишларни квалификация қилишга доир тегишли кўрсатмаларни назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Наркожиноятчиликнинг ҳолатини ва аҳолининг гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда истеъмол қилиши даражасини тадқиқ этаётганда, расмий статистика маълумотлари жиноятларнинг нисбий динамикасини кузатиш имконини беришини, амалда улар у ёки бу жиноятчилик турининг латентлик даражасини ҳисобга олганда анча баланд эканлигини ёдда тутиш лозим¹⁹. Зотан, жиноятни содир этувчи шахслар гиёҳвандлик воситаси ва психотроп моддаларни сотиб олиш, сақлаш ва ўтказишга хос хусусиятларни яхши билишади ҳамда ўзлари содир этган жиноят изларини яшириш учун қўлларидан келган барча чораларни кўрадилар²⁰. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф тарзда муомалага чиқарилишидан иборат жиноятларнинг латентлик даражаси ўта юқори бўлиб, рўйхатга олинган жиноятлар билан таққослаганда ўрта ҳисобда 1:15 ни ташкил этади²¹.

Юқорида келтирилган фикрлар ва статистика маълумотларининг таҳлили: биринчидан, гиёҳвандлик ва жиноятчилик (шахсни жиноий фаолиятга тайёрлаши, ОИВ, ОИТС ва таносил касалликларининг тарқалиши, фоҳишалик билан боғлиқ жиноятлар кўпайиши)нинг ўзаро алоқадор эканлиги; иккинчидан, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятлар ичида ЖК 273-моддасида назарда тутилган қилмиш (60%яқин) ва улар учун судланганлар нисбатан кўп эканлигини; учинчидан, Интернет ва мобил алоқалар орқали тақиқланган восита ва моддалар савдоси ташкил этилаётганлигини; тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорига қўшимчалар киритилиши лозимлиги ҳақида хулосалар чиқариш имконини берди.

¹ Жумладан, жаҳон бўйича ҳар йили 200 млн. киши сўзак, 200-250 млн. киши хламидиоз, 50 млн. киши захм ва бошқа шу каби касалликлар билан рўйхатга олинади. Қаранг: *Теохаров А.К.* Противодействие заражению инфекционными заболеваниями: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Омск, 2013. — С. 4.

² *Киреев А.С.* Незаконный оборот наркотических средств и психотропных веществ как криминологическая проблема // Российский криминологический взгляд. – М., 2013. – №3. – С. 394.

³ *Палванов М.* Уголовно-правовое и криминологическое состояние наркомании // Тошкент давлат юридик институтининг ахборотномаси. – 2010. – № 5. – Б. 151.

⁴ *Умарова Б.А.* Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг жазони оғирлаштирувчи белгилари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2010. – 187 б.; *Клименко Т.М.* Проблемы противодействия наркопреступности, наркотизму и наркомании в Российской Федерации (вопросы теории и практики): Дис. ... д-ра юрид. наук. – Волгоград, 2008. – С. 432; *Дробышева В.В.* Предупреждение преступлений лиц, больных наркоманией: Дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2012. – С. 228; *Осипов Г.Л.* Притоносодержательство для потребления наркотических средств или психотропных веществ: уголовно-правовые и криминологические аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2012. – С. 3; *Корнев А.А.* Система административно-правового противодействия незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2012. – С. 4.

⁵ *Овезов Н.А.* Влияние наркомании на совершение корыстных преступлений // Причины отдельных видов преступлений и проблемы борьбы с ними. – М., 1989. – С. 32-35.

⁶ *Базаров Р.А.* Уголовно-правовые средства предупреждения тяжких насильственных преступлений несовершеннолетних. – Челябинск, 1992. – С. 70-72.

⁷ *Собиров М.* Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёнида иқтисодий жиноятчилик. – Т., 2002. – Б. 52.

⁸ *Умарова Б.* Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги // Тошкент давлат юридик институтининг ахборотномаси. – 2010. – № 1. – Т., 2010. – Б. 109.

⁹ [ncdc/uz/protivodeystvie-nezakonnomu-oborotu-narkoticheskikh-sredstv](http://ncdc.uz/protivodeystvie-nezakonnomu-oborotu-narkoticheskikh-sredstv).

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларидан, 2015 йил.

¹¹ *Александров Р.А.* Уголовно-правовые проблемы противодействия наркобизнесу: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2003. – С. 8; *Исмаилов Р.Т.* Вовлечение несовершеннолетних в употребление наркотических средств и психотропных веществ и его предупреждение органами внутренних дел (по материалам Кыргызской Республики и Российской Федерации): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – С.3.

¹² *Умарова Б.* Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги // Тошкент давлат юридик институтининг ахборотномаси. – 2010. – № 1. – Б. 108.

¹³ Противодействие незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ. – М., 2001. – С. 52.

¹⁴ *Калачев Б.Ф.* Использование достижений НТР в деятельности наркосиндикатов // Материалы научно-практической конференции «Федеральный закон «О наркотических средствах и психотропных веществах» и актуальные проблемы противодействия незаконному обороту наркотиков». – М., 1998. – С. 18.

¹⁵ Проблема организованной преступности в Канаде // Сигнальная информация ГИЦ МВД России. – 1999. №5. – С. 4.

¹⁶ *Мальков С., Винокуров В.* Квалификация сбыта наркотических средств, психотропных веществ или их аналогов с использованием электронных или информационно-телекоммуникационных сетей // Уголовное право. – 2014. – № 4. – С. 51–53.

¹⁷ Указ Президента РФ от 09.06.2010. № 690 (ред. от 28.09.2011) «Об утверждении Стратегии государственной антинаркотической политики Российской Федерации до 2020 года» // Собрание законодательства РФ. – № 24. – Ст. 3015.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006. – Т., 2007. – Б. 33-41.

¹⁹ *Каширин Р.М.* Оперативно-розыскное предупреждение незаконного оборота наркотических средств в исправительных учреждениях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Псков, 2012. – С. 5.

²⁰ *Ибрагимов М.* Гиёҳвандликка оид жиноятлар: уларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – 2010. – № 6. – Т., 2010. – Б. 56.

²¹ *Прохорова М.Л.* Наркотизм: социально-психологические, криминологические, уголовно-правовые аспекты. – Саратов, 2001. – С. 35; *Роганов С.А.* Расследование преступлений в сфере нетрадиционного наркобизнеса. – СПб., 2005. – С. 7; *Харьковский А.Е.* Уголовная ответственность за незаконный оборот наркотических средств и психотропных веществ. – М., 2003. – С. 58.

Э. Эгамбердиев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси профессори,
юримдик фанлар доктори

СУДДА ҲИМОЯЛАНИШ – ШАХСНИНГ МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ

Аннотация. Мақолада шахснинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқнинг моҳияти, уни ҳимоя қилиш усул ва шакллари билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Таянч тушунчалар: суд, суд ишларини юритиш, ҳуқуқ ва бурчлар, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакллари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлар, процессуал воситалар, даъво аризаси, шикоят, ариза, меҳнат низолари, меҳнат комиссиялари, нотариат, ФХДЁ.

Эгамбердиев Э. Судебная защита – важное конституционное право личности

Аннотация. В статье освещаются вопросы, связанные с понятием и сущностью права на судебную защиту, рассматриваются способы и формы защиты гражданских прав и законных интересов граждан.

Ключевые слова: суд, судопроизводство, право на судебную защиту, способы защиты прав, формы защиты прав, права и свободы человека, законные интересы, процессуальные способы, исковое заявление, жалоба, заявление, трудовые споры, комиссии по трудовым спорам, нотариат, ЗАГС.

Egamberdiyev E. Judicial protection - the important constitutional right of the personality

Annotation. The article covers the issues related to the concept and essence of the right to judicial protection, considers ways and forms of protection of civil rights and legitimate interests of citizens.

Key words: court, legal proceedings, the right to judicial protection, ways of protection of the rights, forms of protection of the rights, human rights and freedoms, legitimate interests, procedural methods, claim, complaint, statement, labor disputes, commissions on labor disputes, the notary, registry office.

Инсон ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш – демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида илдам одимлаб бораётган мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири. Бинобарин, мустақиллик шарофати билан биз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонунлар билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларимизга, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларимиздан фойдаланиш, уларни қонунда кўрсатилган тартибда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдик. Ҳозирги кунда ушбу демократик ҳуқуқларнинг ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлар томонидан ҳимоя қилиниши муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса сўнгги пайтларда энг ўткир долзарб масалага айланиб бораётганлигини кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол деб қабул қилишимиз керак»¹, дея таъкидлагани ҳам ушбу масаланинг нечоғлик муҳимлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органлар тизими мавжуд. Улар сирасига суд ҳокимиятини амалга оширувчи умумюрисдикция судлари, хўжалик судлари, прокуратура органлари, Адлия вазирлиги, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик идоралари, адвокатура, давлат нотариат органлари, ФХДЁ идораларини киритиш мумкин. Бу органларнинг ҳар бири ўзларига берилган ваколатлар доирасида ва амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Бундан ташқари, ҳакамлик судлари, меҳнат низоларини кўрувчи комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари кўмиталари, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида ўзларига тааллуқли қилиб белгилаб қўйилган ишларни кўриб ҳал қилиш орқали шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ичида энг муҳими, пухта ишлангани ҳуқуқни суд шаклида ҳимоя қилиш ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бу шакли бошқаларига қараганда энг такомиллашгани бўлиб, уни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилиги нормалари билан тартибга солинган.

Биламизки, мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришлар, жамият ва давлатнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида, аввало инсон манфаатлари ётади. Ва бу «...ислоҳотларнинг иқтисодий, демократик, сиёсий соҳадаги асл мақсади инсонга муносиб, турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»². Шундай экан, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъмин-

лаш масаласи ҳар доим долзарблигича қолаверади. Яъни Ўзбекистон Президентининг таъбири билан айтганда, «мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат. ...Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди»³.

Шу маънода, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш кафолатларига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан кассация инстанцияси судларида иш юритиш ислоҳ қилиниб, бунинг натижасида янги суд бўғини — апелляция инстанцияси судлари ташкил қилинди. Бу инстанция судлари ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши, фуқаролар қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибда шикоят бериш йўли билан ўзларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини апелляция инстанцияси судларида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлганликларини кўрсатади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг асосий кафолати суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари

билан кафолатланганлигидир.

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари асосида ўзларининг бузилган ёки низолаши-лаётган субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун жисмоний ҳамда юридик шахсларга қонуний тарзда берилган ва давлат томонидан кафолатланган конституциявий ҳуқуқлардан биридир. Мазкур конституциявий ҳуқуқнинг туб моҳияти ва мақсади – жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқлари, шунингдек қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини суд орқали фуқаролик процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган фуқаролик суд ишларини юритиш тартибда ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини тиклаб, бузилмасдан олдинги ҳолатига қайтаришдан иборат.

Ушбу конституциявий ҳуқуқ, аслида, ҳимояланиш учун судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, мазкур конституциявий ҳуқуқни амалиётда қўллаш зарурати қачон пайдо бўлади? Шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқларини тиклаб, уларни бузилмасдан олдинги ҳолатга қайтариш учун суд қандай чора ва усуллардан фойдаланади? Суд буни қандай шаклда амалга оширади?

Агар жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқа қонунлар асосида ўзларига берилган шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини, шунингдек, ўз бурчларини қонунларда кўрсатилган тартибда бажарсалар, жамиятда ҳуқуқ бузилиши ҳоллари юз бермайди. Бу ҳол бир шахс бошқа шахснинг ҳуқуқини бузса, шахслар ўзларига берилган ва давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларидан ғайриқонуний тарзда фойдаланган, ўз бурчларини лозим даражада бажармаганида рўй беради. Шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини лозим даражада бажармасликлари

улар учун ижобий натижалар келтириб чиқармайди, аксинча, жамиятда салбий ҳолатларни юзага келтиради.

Маълумки, ривожланган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги даврда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масаласига давлат томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Иқтисодий муносабатларни шартномаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай мулк муносабатлар асосида шартнома ётади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шартномавий муносабатларда иштирок этувчи тарафлар ўз бурчларини шартнома шартлари асосида бажарсалар, улар ўртасида ҳеч қандай низо келиб чиқмайди. Низонинг келиб чиқишига асосан шартномавий муносабатларда иштирок этувчи тарафлардан бирининг шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармагани ёхуд лозим даражада бажармагани сабаб бўлади. Зарар кўрган шахс ўзига етказилган зарарни ундириб бериш тўғрисида шартноманинг бажарилмаганлигида айбдор бўлган шахс устидан судга мурожаат қилиш мумкин. Агар шартноманинг бажарилмай қолишига енгиб бўлмайдиган куч, яъни табиий офат (сел, ёнғин, зилзила) сабаб бўлган тақдирда, бунинг учун шартнома шартларини бажармаган шахс жавобгар бўлмайди.

Шартномавий муносабатлардан ташқари, ҳуқуқ бузилиши ҳоллари зарар етказиш (деликт) мажбуриятларидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Етказилган зарарни ундиришда суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ асосий роль ўйнайди.

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ ва уни амалга ошириш масаласи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ўта муҳим масала. Бу ҳуқуқ соҳаси ўзига тегишли ҳуқуқий нормалар билан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгилаб беради, айтилиши вақтда фуқаролик суд ишларини юритиш билан бевосита боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ягона суд тизимига

кирадиган умумюридикция суди таркибидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро туман (шаҳар) судлари апелляция, кассация ҳамда назорат инстанция судлари билан ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Фуқаролик ишлари деганда фақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнигина эмас, оила, меҳнат, уй-жой, экологияга оид ҳуқуқий муносабатлардан ва бошқа моддий ҳуқуқ соҳаларидан келиб чиқадиган ишларни ҳам назарда тутиш керак. Қонунда кўрсатилган ҳолларда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар ва алоҳида тартибда кўриб ҳал қилинадиган низосиз ишлар ҳам судлар томонидан ФПКнинг 26–29-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан суд ишларини юртишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ҳал қилинади.

Шахслар (жисмоний ҳамда юридик) ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда суд ҳимояси учун берилган ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Бу ҳуқуқни ҳаётга татбиқ қилишнинг ягона шакли — фуқаролик суд ишларини юритиш турлари бўйича ҳуқуқ ҳимоясининг процессуал воситалари (даъво аризаси, ариза ёки шикоят) ҳисобланади.

Ҳуқуқи бузилган шахс ёки қонуний манфаатини суд орқали ҳимоя қиладиган шахс ўзининг судда ҳимояланиш ҳуқуқини ҳимоя воситаларини судга тақдим этиш орқали амалга оширади. Шу билан бирга, ҳуқуқни ҳимоя қилиш чоралари, яъни усуллари ҳамда бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакллари билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни ўрганиш ҳам суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олишда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ҳуқуқни ҳимоя қилиш «усуллари» ва «шакллари» бири-бирига қанчалик яқин тушунчалар бўлмасин, мазмун-моҳияти билан бир-биридан фарқ қилади.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни қандай усуллар билан ҳимоя қилишни билдирса, ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакли ҳуқуқнинг қандай шаклларидан фойдаланган ҳолда, қайси ваколатли органлар томонидан ҳимоя қилинишини билдиради. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари моддий, ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакллари эса процессуал ҳуқуқий характерга эга. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида ўз ифодасини топган. Унда баён этилишича, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари куйидагилардан иборат:

- 1) ҳуқуқни тан олиш;
- 2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- 3) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- 4) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;
- 5) шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
- 6) бурчни аслича (натура тарзида) бажаришга мажбур қилиш;
- 7) зарарни тўлаш;
- 8) неустойка ундириш;
- 9) маънавий зиённи қоплаш;
- 10) ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;
- 11) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакли деганда, қонун билан шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган органлар томонидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда ҳимоя қилишни тушуниш керак. Ушбу органлар ўз ваколатлари доирасида ишнинг фактик ҳолатларини аниқлаш, уларга нисбатан ҳуқуқ нормаларини қўллаш,

ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари аниқлаш ва ниҳоят иш юзасидан қонуний асослан-тирилган, адолатли қарор чиқариш ва унинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш каби ишларни бажарадилар. Суд органлари ҳам шулар жумласига киради.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакллари кўпчилигини ҳимоя қилинадиган ҳуқуқнинг ўзига хослиги, мураккаблиги, суд-ҳуқуқ ислохотлари изчиллик билан амалга оширилиб бораётгани натижасида жамиятимизда демократик ўзгаришлар юз бераётгани каби омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги кунда шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, фуқаролик ишларининг тааллуқлиги асосида фуқаролик процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда умумюрисдикция судлари, хўжалик судлари, ҳакамлик судлари томонидан ҳимоя қилинади. Қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш маъмурий тартибда ҳам амалга оширилади. Бунда ҳуқуқи бузилган шахс давлат органининг иш юзасидан чиқарган қароридан норози бўлса, юқори орган ёки судга шикоят қилиш орқали бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилади. Бу ҳолат Фуқаролик кодексининг 10-моддасида кўрсатилган.

Агар маъмурий тартибда чиқарилган қарор устидан судга шикоят қилинган бўлса, умумюрисдикция суди Фуқаролик процессуал кодексининг 269–272-моддаларида кўрсатилган тартибда бу қарорнинг қанчалик қонуний ва асосланганлигини текширади. Шикоят суд томонидан асосли деб топилса, маъмурий тартибда чиқарилган қарор гайриқонуний деб топилади ва фуқаронинг талабини қаноатлантириш вазифаси юкланиб, унга нисбатан қўлланган жавобгарлик чоралари бекор қилинади ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликлари бошқа йўллар билан ҳимоя қилинади (ФПКнинг 271-моддаси).

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакллари яна бири хўжалик судлари томонидан ҳуқуқнинг ҳимоя қилинишидир. Бунда иқтисодий

низоларни кўриб ҳал қилиш йўли билан шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Нотариуслар ҳам ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширади, яъни фуқароларнинг низосиз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали ҳимоя қилади. Нотариуслар битимларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш мақсадида уларни тасдиқлаш, мерос мулкни кўриқлаш чораларини кўриш, мерос мул-кага нисбатан ҳуқуқи борлиги тўғрисида, эр ва хотин ўртасидаги умумий (биргаликдаги) мулкдан ўзининг ҳиссасига нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш, ижро хати бериш орқали шахсларнинг низосиз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Иш берувчи билан ходим ўртасида келиб чиққан меҳнат низолари, умумий судлардан ташқари, якка тартибдаги меҳнат низолари-ни кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 262-моддасида кўрсатилган тартибда ташкил қилинган меҳнат низоларини кўрувчи комиссия томонидан ушбу кодекснинг 264-моддаси асосида ҳал қилинади. Шунини таъкидлаш керакки, бевосита судга тааллуқли қилиб белгилаб қўйилган ишлардан ташқари, якка тартибдаги меҳнат низолар бўйича тегишли бўлишига қараб ходим ёки корхона, муассаса, ташкилот умумий судга ёки меҳнат низоларини кўрувчи комиссияга мурожаат қилиши мумкин. Бойси, меҳнат низоларининг тааллуқлилиги муқобил шаклда белгиланган. Бу дегани меҳнат муносабатларида иштирок этувчи иш берувчи ёки ходим ўзларига тааллуқли суд ҳимоясига берилган ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда уни ҳимоя қилиш бўйича суд ёки меҳнат низоларини кўриш комиссиясига мурожаат қилиб, ушбу органлар орқали ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Меҳнат низолари бўйича тузилган комиссия қароридан норози бўлган шахс (манфаатдор ходим ёки иш берувчи) фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаганимиздек, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг энг такомиллашган шакли — ҳуқуқни суд орқали, яъни судлов йўли билан ҳимоя қилишдир. Чунки ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилиш фуқаролик процессуал қонунчилик нормалари билан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ва тартибга солинган. Бу шакл, аслида, ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилиш бўйича иш юзасидан қонунларнинг тўғри татбиқ этилишини, шу билан бирга, иш бўйича тарафларнинг мавжуд ҳуқуқ ҳамда бурчларини ҳам кафолатлайди⁴.

Шу ўринда айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 10-моддаси мазмунидан шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари фақат судлар томонидан ҳимоя қилинар экан, деган хулоса келиб чиқиши мумкин. Ваҳоланки, ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилишдан ташқари, унинг бошқа шакллари ҳам бор. Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг барча шакллари эътиборга олиб, бизнингча, Фуқаролик кодексининг 10-моддасини «Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакллари» деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бошқа шакллари борлиги ва улар томонидан шахсларнинг ўз ҳуқуқларини қайси асосларга кўра, қандай шаклларда ҳимоя қилишлари билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни атрофлича ўрганиш учун кенг имкониятлар яратади. Қолаверса, ушбу модда «фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганлигидан, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди, ҳакамлик суди ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган бошқа органлар томонидан ҳимоя қилинади» деб баён этилса, унинг мазмуни янада бойиган бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний

манфаатларини суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда судда ҳимоя қилиш шакли фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Шунинг учун, шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш процессуал шакл деб эътироф этилади ва у ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бошқа шаклларида қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради: энг такомиллашган ва пухта ишлаб чиқилган шакл эканлиги; қонунда ўрнатилган қоидаларнинг суд ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар учун мажбурий эканлиги; давлат томонидан қонуний тарзда ўрнатилган мажбурий ижро чораларини қўллашнинг қулайлиги ва одил судловнинг тарбиявий аҳамиятини таъминлаш; фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш тартибининг фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари билан олдиндан белгилаб қўйилганлиги; ишнинг натижасидан манфаатдор шахслар, ишни кўриб ҳал қилишда иштирок этиб, эркин ҳуқуқлилик ва тортишувчилик принципи асосида ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканликлари; кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори суд мажлисида текширилиб, далилларга ва аниқланган фактларга асосланган бўлиши билан бирга, қонунга ҳам мос бўлиши ва ҳоказо.

Фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритишнинг процессуал шакли моддий ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш воситаси ҳисобланади. Моддий ҳуқуқ нормалари, фуқаролик процессуал ҳуқуқий нормалар орқали амалга оширилади. Айнан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш ўзининг процессуал шакли бўйича фуқаролик жараёнига айланади.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. — Т., 2005. — Б. 5.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т., 1999. — Б.17.

³ Ўша манба.

⁴ Шерстюк В.М. Предмет гражданского права // Гражданский процесс. — М., 2008. — С.24.

С. М. Рахмонова,
Тошкент давлат юридик университети
катта илмий ходим-изланувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА СУД ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари юритувида суднинг процессуал ваколатларини кенгайтириш, ушбу ваколат доирасидан жинойий таъқибга хос ваколатларни чиқариш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: жиноят процесси, суд, судья, қўшимча тергов институти, дастлабки суд муҳокамаси, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш.

Рахмонова С. М. Перспективы расширения судебных полномочий в судопроизводстве

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы расширения процессуальных полномочий суда в уголовном судопроизводстве Республики Узбекистан, а также исключения судебных полномочий, связанных с уголовным преследованием.

Ключевые слова: уголовный процесс, суд, судья, институт дополнительного расследования, предварительное слушание дела, назначение дела к судебному разбирательству.

Rakhmonova S. M. Prospects of expansion of judicial powers in legal proceedings

Annotation. The article considers questions of expansion of procedural powers of the court in criminal legal proceedings of the Republic of Uzbekistan, as well as exception of judicial powers connected with criminal prosecution.

Key words: criminal procedure, court, judge, institution of additional investigation, preliminary hearing of the case, appointment of a case for trial.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бугунги кунда судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар процессуал фаолиятининг мақсади, мазмуни ҳамда шаклини белгиловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...биз ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор берамиз. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини қуришнинг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. ...Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён»¹.

Жиноят ишлари юритувида суднинг мавқеини юксалтириш, ваколат доирасини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар

пировардида жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида суд назорати шаклланининг татбиқ этилишига олиб келди. Хусусан, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Жиноят процессининг барча иштирокчилари турли мавқеларга эга бўлсалар-да, жиноят ишининг тез, сансалорликка йўл қўймай тергов қилиниши ва судда кўриб чиқилишидан бирдек манфаатдордирлар. Бироқ бунга жиноят-процессуал қонунда ўрнатилган ишни қўшимча терговга қайтариш тартиби тўсқинлик қилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси учинчи

қисми, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, жиноят содир этилишида айбланаётган шахннинг асоссиз кечиктиришсиз судланишга бўлган ҳуқуқи адолатнинг асосий кафолатларидан бирини ўзида ифодалайди². Суд томонидан жиноят ишининг қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилиши эса ушбу кафолатга зиддир. Зеро, бунда турли сабабларга кўра айбловни судда исботлай олмаган айблов тарафига ўз хатосини «тўғрилаш» учун яна бир имконият бериледи.

З.Ф. Иноғомжонова ва Г.З. Тўлаганова таъкидлаганларидек, «прокурор жиноят ишлари бўйича судларда иштирок этиб, ўз ваколатлари доирасида ... судда давлат айбловчиси сифатида иштирок этиб, жиноий таъқибни амалга оширади»³. Бу борада О. Мадалиев: «Прокурор жиноят иши юритувида жиноий таъқибни амалга оширар экан, судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қувватлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи орган сифатида, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати сифатида иштирок этади ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашади»⁴, — деб ёзади.

Ҳақиқатан ҳам, прокурорнинг вазифаси — жиноят процессининг барча босқичларида қонун бузилиши ҳолларига нисбатан, бу қонун бузилишлари ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, уларни бартараф қилиш учун қонун билан белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш ҳисобланади. Судларда жиноят ишларининг кўрилишида суд муҳокамасида айбловни қувватлаётган прокурор эса, ҳар қандай ҳолатда прокурор, яъни «қонун ҳимоячиси» бўлиб қолиши лозим⁵.

Жиноятларни тергов қилиш судга қадар амалга оширилиб, ушбу жараён ҳақиқатни аниқлашда судларга кўмаклашиш учун далилларни тўплаш ва сақлашга қаратилган. Пировардида, иш бўйича тергов натижаларига холис баҳо бериш суд томонидан амалга оширилади.

Амалдаги ЖПКга биноан, судья жиноят ишини айблов хулосаси билан ёки тиббий

йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, ишни судга келиб тушганидан бошлаб етти суткадан кечиктирмай кўриш учун тайинлаши лозим. Бу борада судья қўйидаги масалаларни ҳал этиши шарт: биринчидан, иш мазкур суд судловига тегишлими; иккинчидан, ишни тугатиш ёки тўхтатиш учун сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми; учинчидан, ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими; тўртинчидан, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПК талабларига риоя қилинганми; бешинчидан, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми; олтинчидан, жиноят оқибатида етказилган мулкый зарарнинг қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми; ва еттинчидан, айблов хулосаси ЖПК талабларига риоя қилинган ҳолда тузилганми.

Таъкидлаш жоизки, суд амалиётини ўрганиш баъзи ҳолларда айрим масалалар прокурор, жабрланувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари қатнашувисиз, судьянинг ўзи томонидан ҳал қилинаётганлигини кўрсатади. Бу эса тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклашга олиб келиш хавфи мавжудлиги ҳақида фикр туғилишига олиб келади. Фикримизча, суд томонидан ишнинг тортишув шароитида, дастлабки суд муҳокамаси тартибида прокурор ва бошқа тарафлар иштирокида ҳал қилиниши жиноят ишлари юритувининг янада демократлашувига имкон беради.

Судья, албатта, тарафларнинг фикрларини ўрганиши ва инобатга олиши, эътирозлар мавжуд бўлган ҳолларда ўз қарорини асослантириши зарур. Лекин бунда у мутлақо мустақилдир ва ҳеч кимнинг фикри билан чегараланмаган. Кўрсатилган масалалар бўйича судьянинг ажримлари устидан юқори турувчи судга шикоят келтириш мумкин, бу эса уларнинг қонунийлиги ва асослилигини кафолатлайди.

Судья жиноят ишини ушбу суд судловига тегишли эмас ёки уни суд мажлисида кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжуд эмас, деб топган ҳолатлардагина иш прокурорга

қайтарилиши мумкин. Шунда ҳам қўшимча тергов юритиш учун эмас, албатта. Жиноят ишини юритиш айбланувчининг яширинганлиги сабабли тўхтатилган ҳолларда иш прокурорга айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилиш зарурати асосидагина қайтарилиши мумкин. Бу ўринда гап ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтариш тўғрисида бораётгани йўқ. Бошқа барча ҳолатларда (эҳтиёт чораси нотўғри қўлланилганда, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ҳамда айблов хулосасини тузишда ЖПК талабларига риоя қилинмаганда, жиноят оқибатида етказилган мулкый зарарнинг қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганда) ҳам қонун ишни прокурорга қайтаришни назарда тутмайди. Шунга қарамай, бундай ҳолатларда айрим судьялар ишни прокурорга қайтариб, ўз ажримларида сўроқ, юзлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш заруратини кўрсатадилар. Ваҳоланки, ушбу тергов ҳаракатларини суд муҳокамасининг ўзида ҳам тўлиқ амалга ошириш имкони мавжуд. Фикримизча, бу каби ажримларни асосли ва мақсадга мувофиқ, деб топиш мушкул.

Назаримизда, бундай ҳолатларда бевосита суднинг ўзи томонидан дастлабки тергов нуқсонлари бартараф этилиши, судланувчининг айбини тасдиқловчи далиллар етарли бўлмаган ҳолларда эса оқлов ҳукмини чиқариш мақсадга мувофиқ. Амалиётда кичик ва арзимас асосларга кўра ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги ажримлар қабул қилинмоқдаки, уларга прокурорлар томонидан протест киритилиб, юқори турувчи судлар томонидан ажримнинг бекор қилиниши орасида тергов ва суд муҳокамаси муддатлари ўтиб кетмоқда. Бу каби ҳолатларнинг барчаси айбланувчи, жабрланувчи ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклаш баробарида, фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларга нисбатан салбий кайфият уйғотмоқда. Уларни бартараф этиш учун эса жиноят ишини суд томонидан қўшимча терговга қайтариш институтига барҳам бериш зарур.

ЖПКнинг 419-моддасида кўзда тутилган дастлабки терговнинг тўлиқ ўтказилмаган-

лиги ва ишнинг нотўғри бирлаштирилган ёки ажратилганлиги асослари айна вақтда ЖПК талабларининг жиддий бузилиши ҳисобланади. Бунда суд муҳокамасида тўлдириш имкони бўлмаган терговнинг тўлиқ эмаслиги назарда тутилиб, у ҳар қандай қонун бузилиши каби ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилади. Дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги, одатда, жиноят иши ҳолатларини текширишнинг бир ёқлама, ноҳолислигида, исбот қилиш предмети ва доирасига оид талабларга риоя қилмасликда намоён бўлади.

Фикримизча, дастлабки терговни тўлдириш ва жиноят-процессуал қонун нормаларининг бузилиши оқибатларини бартараф қилиш имкониятига ишончсизлик билан қараш мақсадга мувофиқ эмас. Қолаверса, нафақат дастлабки тергов органлари, балки суднинг ўзи ҳам бундай имкониятларга тўлиқ эгадир. Далилларни тўлдириш ва жиноят-процессуал қонун талабларини бузиш оқибатларини бартараф қилиш мақсадида бундай имкониятлардан фойдаланиш йўллари ва воситаларини ахтариш, шубҳасиз, олижаноб вазифадир.

Айтиш керакки, қонунда ишни қўшимча терговга қайтаришга олиб келувчи ЖПК нормаларини жиддий бузишнинг аниқ рўйхати белгиланмаган. Бироқ ЖПКнинг 487-моддасида назарда тутилган 10 турдаги жиддий бузилишлар ишни қўшимча терговга қайтаришга эмас, балки ҳукми бекор қилиш учун асос ҳисобланади. Ушбу модданинг тўртинчи бандида «дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаганлиги» ҳолати назарда тутилган. Бундан келиб чиқадики, дастлабки терговнинг ушбу нуқсони суд томонидан бартараф этилиши зарур.

Айнан ана шу модданинг 8-бандида ҳукмининг бекор бўлиши асоси сифатида қонунга кўра, ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-да, иш унинг иштирокисиз тергов қилиниши ҳолати кўрсатилган. Бироқ ушбу асос жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш учун хизмат қиладими ёки йўқлиги масаласи мавҳум қолган.

Бундай ҳолатларда қўшимча тергов эмас, балки ҳимоячининг иштироки таъминланган тарзда қайта тергов ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, далилларни ва ҳукм чиқариш учун асослар мавжудлигини текшириш зарурати билан иш қайтадан мазмунан кўриб чиқилиши учун юборилса, айти муддао бўлар эди. Мазкур ҳолатда ҳимоячининг иштирокисиз тергов ва суд муҳокамаси олиб борилганлиги сабабли оқлов ҳукми бекор қилиниши мумкин эмас. Зеро, бунда судланувчининг ҳуқуқларини жиддий равишда бузиш сабабига таяниб оқлов ҳукмининг бекор қилинишига йўл қўймаслик тўғрисидаги қоида амал қилиши зарур.

Суд ишда мавжуд бўлган далилларни етарли эмас ёки шубҳали деб топган ҳолатларда ҳам жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти ҳақиқатни аниқлашнинг ягона усули деб баҳолаш хатодир. Қолаверса, судланувчи ўз айбини тасдиқловчи далилларни тақдим этишга мажбур эмас. Шунинг учун ҳам, унинг айбловга қарши ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқи таъминланиши зарур.

Шу мақсадда тарафлар уларга далиллар тўплаш ва ўз эътирозларини асослантириш имкониятини бериш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Суд эса, ўз навбатида, бу каби илтимосномаларни қондириб, далиллар тўплаш учун зарур бўлган муддатга суд мажлисини тўхтатиб туриши лозим. Суднинг мазкур ҳолатдаги қарори ҳеч бир шахснинг ҳуқуқига, шу қаторда судланувчининг ҳам ҳимояланиш ҳуқуқига путур етказмайди. Айрим давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова ва Беларусда жиноят ишини суд томонидан қўшимча терговга қайтариш институтига чек

қўйилган. Халқаро қонунчиликни тартибга солиш амалиёти биринчи инстанция суди суриштирув ва дастлабки тергов давомида йўл қўйилган процессуал қонун бузилишлари ҳамда нуқсонлар оқибатларини бартараф этиш учун етарли имкониятларга эга эканлигидан далолат беради. Ана шу мақсадда суд:

- процессуал талаблар бузилган ҳолда олинган далилларни номақбул деб топиши;
- амалга оширилишида процессуал бузилишларга йўл қўйилган процессуал, шу жумладан, тергов ҳаракатларини такроран ўтказиши;

- тарафларга далилларни қўшимча равишда тўплаш ва текшириш, ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш, раддия билдириш, илтимоснома, эътироз ва қўшимча далиллар тақдим этиш имкониятини бериши;

- давлат айбловчисига ишнинг айрим ҳолатларини аниқлашни таклиф қилиши ҳамда суриштирув ва тергов органларининг куч ҳамда воситаларидан фойдаланиб, бунинг учун зарур бўлган тергов ҳаракатларини амалга ошириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтига барҳам бериш жиноят процессининг айбсизлик презумпцияси, одил судловга тўсқинликсиз мурожаат қилиш ҳуқуқи ва ниҳоят, тортишув каби муҳим принципларининг амалда таъминланишига хизмат қилади. Бу эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва либераллаштиришнинг энг долзарб вазифаларидан бўлмиш суд ҳокимияти мустақиллигининг янада мустаҳкамланишига, суднинг ваколат доираси кенгайтирилиши ҳамда жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла амалга оширилишига олиб келади.

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 184, 187.

² Саидов А. Х. Узбекистан и международные договора по правам человека. – Т., 1998. – С. 46.

³ Иноғомжоновна З. Ф., Тўлаганова Г. З. Жиноят процесси иштирокчилари / Проф. М.Х.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 29.

⁴ Мадалиев О. Жиноят ишларини судларда кўрилишида прокурор иштироки – фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш воситаларидан бири сифатида // ТДЮИ ахборотномаси. – 2008. – №6.

⁵ Мадалиев О. Суд қарори нухасини прокурор ва ҳимоячига берилиши муаммоси ва унинг ечими ҳақида // ТДЮИ ахборотномаси. – 2009. – № 1.

А.С. Турсунов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
маъмурий ҳуқуқ кафедраси профессори в. б.,
юримдик фанлар доктори;
Ш.А. Ганиев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
муштақил изланувчиси

ҚЎШМАЧИЛИК ҚИЛИШ ЁКИ ФОҲИШАХОНА САҚЛАШ ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони ва бунда жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: фоҳишахона, қўшмачилик қилиш, фоҳишахона сақлаш, фоҳишалик билан шуғулланиш, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилиш, бошқа шахснинг фоҳишалик билан шуғулланишидан фойдаланиш.

Турсунов А. С., Ганиев Ш. А. Правовой анализ сводничества или содержания притона

Аннотация. В статье проведен детальный правовой анализ объекта, объективной стороны, субъекта, субъективной стороны и условий, отягчающих ответственность за сводничество или содержание притона, а также вносятся научно обоснованные предложения по совершенствованию норм ответственности за данное преступление.

Ключевые слова: притон, сводничество, содержание притона, занятие проституцией, вовлечение в проституцию, использование проституции другим лицом.

Tursunov A.S., Ganiev Sh. A. Legal analysis of procurement or maintenance of the brothel

Annotation. The article gives a detailed legal analysis of the object, the objective side, subject, subjective side, and conditions aggravating responsibility for procurement or the maintenance of the brothel, and puts forward scientifically based proposals on improving the standards of liability for this offense.

Key words: brothel, procurement, maintenance of the brothel, prostitution, involvement in prostitution, the use of prostitution by another person.

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш — ижтимоий ахлоққа тажовуз қилиши билан бирга, фоҳишаликнинг кўпайишига, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, одам савдоси, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг гайриқонуний муомаласи каби жиноятларнинг содир этилишига имкон яратади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг бевосита объектини ушбу жиноят натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдириладиган, ижтимоий ахлоқнинг даҳлсизлигини таъминловчи

жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Қатор хорижий давлатлар жиноят қончилигининг қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш учун жавобгарлик белгиланган нормалари жиноятнинг номланиши бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинганда, қуйидагилар аён бўлди:

— фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилишда ёрдам кўрсатиш (Арманистон ЖК 262-м.)¹;

— фоҳишалик билан шуғулланишдан фойдаланиш ёки фоҳишалик билан шуғулланиш учун шароитлар яратиш (Беларусь ЖК 171-м.)²;

– фоҳишахоналарни сақлаш (Озарбайжон ЖК 244-м.)³;

– фоҳишалик билан шуғулланишни ташкил этиш (Россия ЖК 241-м.)⁴;

– фоҳишахоналарни ташкил қилиш ва сақлаш, қўшмачилик (Тожикистон ЖК 239-м.)⁵;

– бузуқлик ёки фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун фоҳишахоналарни ташкил этиш ёки сақлаш (Туркменистон ЖК 140-м.)⁶.

– фоҳишахоналарни ташкил этиш ва сақлаб туриш (Украина ЖК 302-м.)⁷;

– фоҳишалик билан шуғулланиш учун фоҳишахоналар ташкил этиш ёки сақлаш (Қирғизистон ЖК 261-м.)⁸;

– фоҳишалик ва қўшмачилик билан шуғулланиш учун фоҳишахоналар ташкил қилиш ёки сақлаш (Қозоғистон ЖК 309-м.)⁹;

– фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилиш (Озарбайжон ЖК 243-м., Россия ЖК 240-м., Тожикистон ЖК 238-м., Туркменистон ЖК 139-м., Қирғизистон ЖК 260-м., Қозоғистон ЖК 308-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилиш ёки фоҳишалик билан шуғулланиш-ни давом эттиришга мажбур қилиш (Беларусь ЖК 171-м.);

– қўшмачилик ёки фоҳишалик билан шуғулланишга шахсни жалб қилиш (Украина ЖК 303-м.);

– қўшмачилик (Туркменистон ЖК 141-м.);

– бошқа шахсни ғаразли мақсадларда фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилиш (Арманистон ЖК 261-м.).

Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг номи (қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш)ни¹⁰ «қўшмачилик қилиш, фоҳишахона сақлаш ёки ташкил қилиш» деган таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу жиноятнинг амалдаги номи (қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш) фоҳишахона ташкил қилишни ўз ичига қамраб олмайди.

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг объектив томони: 1) ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш; 2) фоҳишахона ташкил этиш; 3) фоҳишахона сақлаш ҳаракатларида ифодалангани¹¹.

Адабиётларда қўшмачилик қилиш – ташкилотчи ёки унинг танишлари қарамоғида бўлган бинони ижарага олиш ёки уни тақдим этиш; фоҳишаларни излаб топиш ва ёллаш; ёрдамчи функцияларни: қоровуллар, ҳайдовчилар, диспетчерлар ва бошқа субъектларни излаб топиш ва ёллаш; ёлланган шахсларга ўз вазифаларини адо этиш борасидаги дастлабки кўрсатмаларни бериш; мижозларни излаб топишни ўз ичига олиши келтириб ўтилган¹².

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш деганда, тамагирилик ёки бошқа паст ниятларни кўзлаб, манфаатдор шахсларнинг ўзаро жинсий алоқа қилиши ёхуд жинсий эҳтиёжларини гайритабиий усулда қондиришига ёрдам кўрсатиш ёки унга шароит яратиб беришни тушуниш мумкин.

Сўнгги йилларда шахвоний хизматлар кўрсатадиган, ўзига хос «биржалар» деб ном олган хизматлар кенг тарқалмоқда. Одатда, булар фоҳишалар тўпланадиган хонадонлар бўлиб, унда телефон алоқаси ёки бошқа усуллар орқали буюртма олинади ва фоҳишалар мижозларга ёки кўрсатилган манзилларга юборилади. Махсус шахслар «буюртма»ни мижозга етказиб бериш билан бирга, шахвоний хизматлар учун тўловлар амалга оширилишида даллол вазифасини ўтайдилар. Бундай хизматлар қўшмачиликнинг бир кўриниши ҳисобланади. Қолаверса, телефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали шахвоний хизматлар кўрсатиш учун буюртма олиб, фоҳишаларни шахвоний хизматлар кўрсатиш учун мижозларга жўнатиш ёки мижозларга уларнинг манзили ҳақида ахборот бериш каби хизматларни кўрсатиш ҳам қўшмачилик деб топилади.

Қўшмачилик билан шуғулланаётган шахс томонидан фоҳишалар ёки кўрсатилган хизматлардан олинган моддий даромадларнинг миқдори қилмишни юридик баҳолаш учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Аксарият ҳолларда фоҳишахона очиш ёки сақлаш ҳаракатлари битта шахс билан боғлиқ бўлади, бироқ бу алоҳида-алоҳида

шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фоҳишахона ташкил этиш. Фоҳишахона фоҳишалик билан шуғулланишни амалга ошириш учун муҳим жой ҳисобланади. Фоҳишахоналарда фоҳишалар шаҳвоний хизматларни ўз ихтиёрига кўра амалга оширади. Н.В. Герасимовнинг ёзишича, фоҳишахона «фоҳишабозлик билан мунтазам шуғулланиш учун мўлжалланган бино ёки фоҳишабозлик билан шуғулланишни истовчи шахсларга ёки пулик шаҳвоний хизматлар кўрсатилишини истовчи кишиларга мўлжалланган жой»¹³.

Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам фоҳишахона худди шу маънода таърифланган. Жумладан, Эстония Жиноят кодекси 133(2)-моддасининг бешинчи қисмига кўра, фоҳишахона деганда учинчи томон икки ёки ундан ортиқ кишининг фоҳишалик билан шуғулланишига воситачилик қиладиган ёки кўмаклашадиган ҳар қандай бино ёки жой тушунилади¹⁴.

Н.В. Уханова «фоҳишахона» тушунчаси ўрнига замонавийроқ тушунча бўлган «фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун муассаса» тушунчасини қўллашни таклиф этган¹⁵. Бизнингча, ушбу таклифга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, фоҳишахона деганда, моддий манфаатдорлик эвазига шаҳвоний хизматлар учун махсус жиҳозланган ёки мунтазам фойдаланиладиган яшаш учун мўлжалланган ёки мўлжалланмаган ёхуд бошқа ҳар қандай тақдим этилган жой тушунилади. Шунингдек, фоҳишалар мунтазам равишда тўпланадиган жойлар ҳам фоҳишахона деб баҳоланади.

Фоҳишахона яшаш учун мўлжалланган уй, хонадон, меҳмонхона, тунги бар, ресторан, ҳаммом, гараж, ертўла ёки бошқа жойларда очилиши ёки сақланиши мумкин. Кўпинча улар уқалаш хоналари, саргарошхона, ўйин хоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш жойлари сифатида ниқобланиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, ҳар доим ҳам уйнинг ҳақиқий эгаси ижарага берган уйини фоҳишахона сифатида фойдаланилаёт-

ганидан хабардор бўлмайди. Бундай ҳолларда у айбдор бўлмайди ва жавобгарликка тортилмайди. Аксинча, ушбу хонадонда фоҳишахона ташкил этган ёки сақлаган шахсларнинг қилмиши Жиноят кодексининг 131-моддаси билан квалификация қилинади.

Фоҳишахона ташкил этиш деганда, шаҳвоний хизматлар кўрсатиш учун муайян жой танлаш, уни жиҳозлаш ҳамда фоҳишахона фаолиятини юритиш учун номзодларни, шунингдек, фоҳишалик билан шуғулланадиган шахсларни танлаш ҳамда шаҳвоний хизматлар кўрсатиш бўйича бошқарув вазифаларини бажариш (вазифаларни тақсимлаш, моддий-техник таъминлашни ташкил этиш, муайян тадбирлар ўтказишни режалаштириш, ижтимоий назорат ва қўриқлов тизимини ташкил этиш ва бошқ.) тушунилади.

Фоҳишахона сақлаш деганда эса, фоҳишахона ташкил этилгандан сўнг, унинг фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ ҳаракатлар (уни қўриқлаш, унга келувчиларни тартибга солиш, шаҳвоний хизматлар кўрсатиш учун жойга эгалик қилиш ёки ижарага олиш, ушбу жойни жиҳозлаш) тушунилади. Ўз навбатида, уй-жой эгаси ёки уни ижарага олган шахс томонидан шаҳвоний хизматлар кўрсатиш учун ушбу жойни мунтазам бериб туриш ҳам фоҳишахона сақлаш деб топилади.

Н.В. Герасимов таъкидлаганидек, «фоҳишахона сақлаш» тушунчаси фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун мунтазам фойдаланиш мақсадида фоҳишахонага эгалик қилиш, уни молиялаштириш, унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва (ёки) унинг фаолият кўрсатишини таъминлашни ҳам қамраб олади¹⁶.

Уй-жойни жинсий эҳтиёжни қондириш учун бир маротаба бериб туриш фоҳишахона сақлаш ҳисобланмайди. Бироқ бундай қилмиш ғаразгўйлик мақсадида амалга оширилган бўлса, қўшмачилик деб топилади ва Жиноят кодексининг 131-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ҳосил қилади. Агар бундай қилмиш моддий

манфаатдорликни кўзламасдан амалга оширилган бўлса, таҳлил этилаётган жиноят таркибини келтириб чиқармайди.

Қатор хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг таҳлили уларда қуйидаги ҳаракатлар муҳокама қилинаётган жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи қилмишлар сифатида назарда тутилганлигини кўрсатади:

– фоҳишахоналарни (бузуқлик ёки фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун) ташкил қилиш (Беларусь ЖК 171-м., Озарбайжон ЖК 244-м., Тожикистон ЖК 239-м., Туркменистон ЖК 140-м., Украина ЖК 302-м., Қозоғистон ЖК 309-м.);

– фоҳишахоналарни (бузуқлик, фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун) сақлаш (Арманистон ЖК 262-м., Беларусь ЖК 171-м., Озарбайжон ЖК 244-м., Россия ЖК 241-м., Тожикистон ЖК 239-м., Туркменистон ЖК 140-м., Украина ЖК 302-м., Қирғизистон ЖК 261-м., Қозоғистон ЖК 309-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланиш, фоҳишахоналарни ташкил этиш ёки сақлаш учун турар жойларни (мунтазам) тақдим этиш (Арманистон ЖК 262-м., Беларусь ЖК 171-м., Озарбайжон ЖК 244-м., Россия ЖК 241-м., Қирғизистон ЖК 261-м.);

– гаразли (бузуқ) мақсадларда қўшмачилик қилиш (Украина ЖК 302-м., Қозоғистон ЖК 309-м., Тожикистон ЖК 239-м.);

– бошқа шахснинг фоҳишалик билан шуғулланишини ташкил этиш (Россия ЖК 241-м., Қирғизистон ЖК 261-м.);

– бошқа шахснинг фоҳишалик билан шуғулланишидан фойдаланиш (Беларусь ЖК 171-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланиш учун шароит яратиш, раҳбарлик қилиш ёки бошқа шаклда ёрдам кўрсатиш (Арманистон ЖК 262-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилиш (Арманистон ЖК 261-м., Беларусь ЖК 171-м., Озарбайжон ЖК 243-м., Россия ЖК 240-м., Тожикистон ЖК 238-м., Туркменистон ЖК 139-м., Украина ЖК 303-м., Қирғизистон ЖК 260-м., Қозоғистон ЖК 308-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланишни

давом эттиришга мажбур қилиш (Беларусь ЖК 171-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилиш (Россия ЖК 240-м., Украина ЖК 303-м.);

– қўшмачилик, яъни бошқа шахснинг фоҳишалик билан шуғулланишини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар (Украина ЖК 303-м.);

– бузуқлик ёки фоҳишалик билан шуғулланиш учун қўшмачилик қилиш (Туркменистон ЖК 141-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланувчи шахснинг мижоз билан учрашувини ташкил қилиш (Эстония ЖК 133(2)-м.);

– фоҳишахонани бошқариш (Эстония ЖК 133(2)-м.);

– фоҳишахонага эгалик қилиш (Эстония ЖК 133(2)-м.);

– фоҳишабозликка кўмаклашиш (Эстония ЖК 133(2)-м.);

– фоҳишахона сақлаш мақсадида жойни ижарага олиш (Эстония ЖК 133(2)-м.);

– бошқа инсонга фоҳишалик билан шуғулланиши ёки шуғулланишни давом эттириши учун таъсир ўтказиш (Эстония ЖК 133(2)-м.)¹⁷;

– болани фоҳишалик билан шуғулланишга ундаш ёки фоҳишалик билан шуғулланаётган болани молиявий фойда кўриш учун янада рағбатлантириш (Швейцария ЖК 195-м.);

– шахснинг молиявий ёки бошқа қарамлигидан фойдаланган ҳолда уни фоҳишалик билан шуғулланишга ундаш (Швейцария ЖК 195-м.);

– фоҳишанинг ҳаракатларини, яшаш жойи, вақти, иш ҳажми ва ишининг бошқа жиҳатларини назорат қилиш орқали унинг ҳаракат эркинлигини чеклаш (Швейцария ЖК 195-м.);

– инсоннинг хоҳишига қарши уни фоҳиша бўлиб қолишга мажбурлаш (Швейцария ЖК 195-м.)¹⁸.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддаси биринчи қисми (гаразли ёки бошқа паст ниятларда

қўшмачилик қилиш) ва иккинчи қисми (фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш)нинг амалдаги таҳририда¹⁹ қуйидаги қилмишлар назарда тутилмаган:

- фоҳишахонани бошқариш;
- фоҳишахонани маблағ билан таъминлаш;
- фоҳишахонанинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни содир этиш;
- фоҳишалик билан шуғулланиш учун ўзга шахсдан фойдаланиш;
- фоҳишалик билан шуғулланиш учун ўзга шахсни ёллаш;
- фоҳишалик билан шуғулланиш учун ўзга шахсни таклиф қилиш;
- фоҳишахона сифатида фойдаланилишини била туриб, бино ёки бошқа жойни ижарага бериш ёки бошқача шаклда тақдим этиш.

Бу эса қонун нормасига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади:

– Жиноят кодекси 131-моддаси биринчи қисмининг диспозициясидаги «қўшмачилик қилиш» деган сўзларни «қўшмачилик қилиш, шу жумладан, фоҳишалик билан шуғулланиш учун ўзга шахсдан фойдаланиш, уни ёллаш ёки таклиф қилиш» деган сўзлар билан алмаштириш;

– Жиноят кодекси 131-моддаси иккинчи қисмининг диспозициясидаги «фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш» деган сўзларни «фоҳишахона ташкил этиш, сақлаш, уни бошқариш, маблағ билан таъминлаш ёки унинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, шунингдек фоҳишахона сифатида фойдаланилишини била туриб, бино ёки бошқа жойни ижарага бериш ёки бошқача шаклда тақдим этиш» деган сўзлар билан алмаштириш.

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади. Айбдор қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг ижтимоий хавфлилигини англайди ва бундай ҳаракатлар содир этишни хоҳлайди.

Қўшмачилик қилиш ҳаракатларида жиноятнинг мотиви қилмишни квалифика-

ция қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Шу боис, қўшмачилик ҳаракатларини баҳолашда жиноятнинг мотивини аниқлаш шарт. Бунда жиноятнинг мотиви сифатида гаразли ёки бошқа паст ниятлар белгиланган.

Фаразгўйлик нияти деганда, содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкый йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутулишга интилишда ифодаланган ният тушунилади. Бошқа паст ниятлар эса айбдорнинг жабрланувчилар ёки бошқа шахслар (мижозлар)дан ўч олиш, уларни қўра олмаслик, зарар етказишни хоҳлаш каби алоҳида ахлоқсизлигидан далолат берувчи хулқ-атворини акс эттирувчи ниятларида намоён бўлади.

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш алоҳида ёки бир гуруҳ шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Вазифасидан қатъи назар, фоҳишахона эгаси, уни сақловчи, қўриқловчи ёки бошқа хизматлар кўрсатувчи – буларнинг барчаси мазкур жиноятнинг субъектлари ҳисобланади. Фоҳишахона сақламаган, очмаган ёки қўшмачилик қилмаган, бироқ унинг фаолият юритишига кўмаклашган шахслар эса жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят – фоҳишахона очилиб, у фаолият кўрсатишга тайёр бўлган вақтдан, фоҳишахона сақлаш эса шахвоний хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган хонада ҳақиқатда бу каби хизматлар кўрсатиш бошланган ҳамда қўшмачилик ҳаракатлари амалга оширилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг учинчи қисмида қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш ҳаракатларининг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши – ушбу жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи таркиби этиб белгилан-

ган. Ушбу модданинг тўртинчи қисмида эса қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш ҳаракатларининг вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда («а» банди); такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан («б» банди); уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши («в» банди) – ушбу жиноятнинг жавобгарликни алоҳида оғирлаштирувчи таркиблари сифатида назарда тутилган²⁰.

Бир қатор хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида қўйидагилар таҳлил қилинаётган жиноятда жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар сифатида белгиланган, яъни ушбу жиноят:

– вояга етмаган шахсни фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилган ҳолда содир этилиши (Арманистон ЖК 262-м., Беларусь ЖК 171-м., Россия ЖК 241-м., Туркменистон ЖК 139-м., Қозоғистон ЖК 309-м.);

– ожиз аҳволдаги (руҳий касал) шахсдан фойдаланган ҳолда содир этилиши (Арманистон ЖК 262-м., Озарбайжон ЖК 243-м.);

– ҳомиладор аёлга нисбатан содир этилиши (Арманистон ЖК 261-м.);

– икки ёки ундан ортиқ шахслардан фойдаланган ҳолда содир этилиши (Арманистон ЖК 262-м.);

– айбдорга моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан содир этилиши (Украина ЖК 303-м.);

– такроран содир этилиши (Беларусь ЖК 171-м., Озарбайжон ЖК 244-м., Тожикистон ЖК 238-м., Туркменистон ЖК 139-м., 140-м., 141-м., Украина ЖК 303-м., Қозоғистон ЖК 308-м., 309-м.);

– хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши (Арманистон ЖК 261-м., 262-м., Беларусь ЖК 171-м., Россия ЖК 241-м., Украина ЖК 303-м., Қирғизистон ЖК 261-м.);

– алдаш орқали содир этилиши (Туркменистон ЖК 139-м.);

– зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали содир этилиши (Беларусь ЖК 171-м., Россия ЖК 240-м., 241-м.,

Туркменистон ЖК 139-м., Қирғизистон ЖК 261-м.);

– фоҳишалик билан шуғулланиш учун шахсларни давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда содир этилиши (Арманистон ЖК 261-м., 262-м., Беларусь ЖК 171-м., Россия ЖК 240-м.);

– ўхшаш жиноятни илгари содир этган шахс томонидан содир этилиши (Беларусь ЖК 171-м., Украина ЖК 302-м.);

– бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши (Арманистон ЖК 261-м., 262-м., Озарбайжон ЖК 244-м., Россия ЖК 240-м., Туркменистон ЖК 139-м., Украина ЖК 303-м., Қозоғистон ЖК 308-м., 309-м.);

– уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши (Беларусь ЖК 171-м., Озарбайжон ЖК 243-м., 244-м., Тожикистон ЖК 238-м., Украина ЖК 302-м., Қирғизистон ЖК 260-м.).

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллардан аён бўладики, хориж давлатлари жиноят қонунчилигида қўйидагилар муҳокама қилинаётган жиноятнинг жавобгарликни алоҳида оғирлаштирадиган ҳолатлари сифатида назарда тутилган, яъни ушбу жиноят:

– вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда содир этилиши (Украина ЖК 302-м., 303-м., Қирғизистон ЖК 260-м., 261-м.);

– ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсларнинг фоҳишалик билан шуғулланишидан фойдаланган ҳолда содир этилиши (Россия ЖК 241-м., Украина ЖК 303-м., Қирғизистон ЖК 260-м., 261-м.);

– вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбурияти юкланган ота-она, педагог ёки бошқа шахс томонидан вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилиши (Беларусь ЖК 171-м.);

– уюшган (жиноий) гуруҳ томонидан содир этилиши (Арманистон ЖК 261-м., 262-м., Беларусь ЖК 171-м., Россия ЖК 240-м., Украина ЖК 303-м., Қозоғистон ЖК 308-м., 309-м.);

– оғир оқибатларга сабаб бўлиши (Украина ЖК 303-м.).

Демак, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жинояти аксарият

ҳолларда икки ёки ундан ортиқ шахснинг фоҳишалигидан фойдаланган ҳолда содир этилаётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг тўртинчи қисмини қуйидаги банд билан тўлдиришни таклиф этамиз: «г) икки ёки ундан ортиқ шахснинг фоҳишалигидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса».

Қолаверса, ўтказилган анкета сўрови натижаларининг кўрсатишича, бугунги кунда қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш билан боғлиқ жиноий фаолиятга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда (буни респондентларнинг 63,5 фоизи маълум қилган). Ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини инобатга

олиб, Жиноят кодекси 131-моддасини қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдиришни таклиф этамиз: «Ушбу моддада кўрсатилган жиноий фаолиятга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, — саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўйлаймизки, юқорида таъкидланган таклиф ва хулосаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз ифодасини топиши қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томонининг тўғри аниқланиши ва бир хилда қўлланилишига, ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг такомиллашишига хизмат қилади ва мазкур ижтимоий иллатнинг олди олинишида кўмаклашади.

¹ Уголовный кодекс Республики Армения // URL: <http://www.parliament.am>.

² Уголовный кодекс Республики Беларусь // URL: <http://www.pravo.by>.

³ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики // URL: <http://www.base.spinform.ru>.

⁴ Уголовный кодекс Российской Федерации // URL: <http://www.consultant.ru>.

⁵ Уголовный кодекс Республики Таджикистан // URL: <http://mmk.tj/ru>.

⁶ Уголовный кодекс Туркменистана // URL: <http://www.turkmenlegaldatabase.info/ru>.

⁷ Уголовный кодекс Украины // URL: <http://www.ligazakon.ua>.

⁸ Уголовный кодекс Кыргызской Республики // URL: <http://online.adviser.kg>.

⁹ Уголовный кодекс Республики Казахстан // URL: <http://adilet.zan.kz/rus>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 25 апрель қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 25 апрель қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

¹² *Нурмухаметова А. М.* Уголовная ответственность за преступления, связанные с проституцией, и их предупреждение: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Н. Новгород, 2012. — Б. 34.

¹³ *Герасимов Н.В.* Уголовно-правовой анализ организации занятия проституцией: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Самара, 2011. — Б. 18.

¹⁴ Penal Code // URL: <https://www.riigiteataja.ee/en/eli/ee/Riigikogu/act/525092015001/consolide>.

¹⁵ *Уханова Н.В.* Уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступлений, способствующих проституции: Автореф. дис. канд. ... юрид. наук. — М., 2002. — Б. 24.

¹⁶ *Герасимов Н.В.* Уголовно-правовой анализ организации занятия проституцией: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Самара, 2011. — Б. 18.

¹⁷ Penal Code // URL: <https://www.riigiteataja.ee/en/eli/ee/Riigikogu/act/525092015001/consolide>.

¹⁸ Criminal Code of the Swiss Confederation // URL: <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 25 апрель қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

²⁰ Ўша жойда.

ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР БИЛАН КУРАШИШ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада ҳаётга қарши жиноятлар билан курашиш фаолиятига тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан бошқа хорижий давлатлар билан бу борада тузилган битимлар, ҳуқуқий нормалар таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ҳамкорлик, ҳаётга қарши жиноятлар.

Гиясов Ш. К. Значение международно-правовых норм в деятельности по борьбе с преступлениями против жизни

Аннотация. В статье на основе анализа международно-правовых актов, а также соглашений по борьбе с преступностью Республики Узбекистан с другими зарубежными государствами, рассматривается значение норм международного права в борьбе с преступлениями против жизни.

Ключевые слова: международно-правовые акты, международное сотрудничество, преступления против жизни.

Giyasov Sh.K. Value of international legal standards in combating crimes against life

Annotation. The article, based on the analysis of international legal instruments and agreements on combating crime of the Republic of Uzbekistan with other foreign countries, discusses the importance of international law in fighting crimes against life.

Key words: international legal instruments, foreign states, international cooperation, crimes against life.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, айниқса сўнгги йилларда ҳукуматимизнинг асосий эътибори давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга қатъий риоя этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилмоқда.

Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолияти мавжуд манбаларда кўзда тутилган нормалар тизимида таянади¹. Тезкор-қидирув ҳуқуқи назариясида тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари деганда, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун ҳуқуқий шароит яратиб берувчи ёхуд тезкор-қидирув фаолияти куч, восита, усул ва шаклларини қўллашнинг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда тактик масалаларида ўз ифодасини топган тизим тушунилади. Шу масалани ўрганган Т.Р. Саитбаев

ва Б.Т. Акромуллоевларнинг фикрича, «ички ишлар органлари тезкор-қидирув ҳуқуқи асосларини қонунлар ва қонунга асосланган норматив ҳужжатлар тизими сифатида тушуниш лозим. Чунки, бу тизим тезкор бўлинмалар учун жиноятчиликка қарши курашда ишлатиладиган куч, восита ва услубларнинг ташкилий жиҳатдан қўлланилиши ва тактикасини белгилаб беради»².

Дарҳақиқат, ҳаётга қарши жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий асоси — жиноятчиликка қарши кураш жараёнида ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган ошкора ва ноошкора фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳамда қонуности норматив ҳужжатлардир. Ҳаётга қарши жиноятларни фош этишда амалга ошириладиган тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилар эканмиз, унинг кўп турларга эга

ҳуқуқий манбаларда акс эттирилганлиги ва мураккаб ҳуқуқий нормаларга асосланганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли, олимлар буни тегишли гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиб келишган. Масалан, Т.Р. Саитбаев ва Б.Т. Ақромхўжаев мазкур масалага икки гуруҳга бўлиб ёндашиш лозимлигини таъкидлашган:

1) республиканинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари;

2) давлат ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар³.

Бошқа манбаларда эса бу йўналиш уч қисмга бўлиб ўрганилади, яъни:

– давлатнинг қонун чиқарувчи органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар;

– давлат юқори ижроия органларининг қонуности норматив ҳужжатлари;

– Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив ҳужжатлари (буйруқлар, кўрсатмалар, қўлланма ва бошқалар).

Яна бир гуруҳ ҳуқуқшуносларнинг фикрича, «тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси деганда, давлатнинг тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида норматив ҳукмронлик таъсири кўрсатишини тушуниш лозим»⁴. Бундан тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси тўрт даражада намоён бўлади:

– конституциявий;

– халқаро ҳуқуқий;

– қонун ҳужжатлари;

– қонуности ҳужжатлар⁵.

Бизнингча, тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини, ошкора ва ноошкора тадбирларнинг қўшиб олиб борилишини, кенг омма учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотлар мавжудлигини инобатга олиб, ҳаётга қарши жиноятларни фож этиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қуйидагиларга ажратиб ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

1) халқаро ҳужжатлар;

2) миллий қонунлар;

3) қонуности норматив ҳужжатлар;

4) идоравий ҳужжатлар.

Тадқиқотимизга асосланган ҳолда ҳаётга қарши жиноятларга қарши кураш фаолиятида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамиятини кенгроқ кўриб чиқамиз.

Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари масаласида дунёнинг кўп мамлакатлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Давлатимиз БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида шу соҳага тааллуқли халқаро декларация ва шартномаларни қўллаб-қувватламоқда. Республикамиз жуда қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқи бўйича халқаро шартномаларнинг иштирокчиси сифатида юзлаб шундай ҳужжатларга имзо чекди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон қонунчилигининг шаклланиши, жумладан жиноят ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги қонунларнинг яратилиши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди⁶.

Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг муҳим босқичи сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25 резолюцияси билан қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенцияни келтириб ўтиш мумкин⁷. Мазкур ҳужжат жиноятларнинг алоҳида турларига қарши курашга йўналтирилган конвенциялар қатори трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги асосий ҳужжатлардан бири сифатида эътироф этилади. Конвенция Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол (2000 йил 15 ноябрь), Мигрантларни қуруқлик, денгиз ва ҳаво орқали ноқонуний киритишга қарши протокол (2000 йил 15 ноябрь) ҳамда Ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар ва уларнинг таркибий қисмларини ноқонуний тайёрлаш ва айланишига қарши протокол (2001 йил 25 май)⁸ билан тўлдириб келинади.

Шуни ҳам айтиш керакки, айни кунда мавжуд бўлган минтақавий даражадаги

халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳеч бири ушбу Конвенция каби соҳани тўла ҳуқуқий тартибга солмайди. Мазкур Конвенция ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жинойий иш юритувини амалга ошириш, жинойий йўл билан топилган мол-мулкни хатлаш, жиноятчиларни ушлаш ва экстрадиция қилиш, жиноятдан жабрланганларни ва гувоҳларни ҳимоя қилиш, бу йўналишларда махсус тадбирларни амалга ошириш, яъни ҳар бир давлат ўз имкониятларидан келиб чиқиб, электрон кузатув, агентура-тезкор тадбирлари, назорат тартибида етказиб бериш ва бошқа тезкор-қидирув фаолиятининг турларини қўллаш каби йўналишларда алоқаларини батафсил белгилаб беради.

Юқоридагилар билан бир қаторда, МДХ доирасида «Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича мустақил давлатлар ички ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги битим»ни⁹ айтиб ўтиш жоиз. Эътиборли жиҳати шундаки, айнан ушбу ҳужжатда биринчилардан бўлиб «шахснинг ҳаёти, соғлиғи, озодлиги, қадр-қиммати ва мулкни ҳимоя қилишда томонларнинг ҳамкорлик қилишлари» белгилаб қўйилди. Айни шу битим асосида халқаро ҳамкорликнинг муҳим бўғини бўлган МДХ давлатларнинг Ички ишлар вазирликлари/Полицияси Кенгаши тузилди.

Ҳозирги кунда МДХ доирасида Ички ишлар вазирликлари/Полиция Кенгашининг бир бўғини сифатида Уюшган жиноятчилик ва жиноятчиликнинг хавфли турларига қарши курашишни мувофиқлаштириш бюроси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур Бюро «МДХ ҳудудида Уюшган жиноятчилик ва жиноятчиликнинг хавфли турларига қарши курашишни мувофиқлаштириш бюросини тузиш ҳақидаги қарор»¹⁰ асосида тузилган бўлиб, ўз фаолиятига кўра МДХ давлатлари ИИВ/ Полиция органларининг халқаро миқёсдаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади¹¹.

Юқоридагилар билан бирга, «МДХ давлатларининг жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиши бўйича битим» (1998 йил 25 ноябрь, Москва)¹²,

«МДХ давлатларининг транспортдаги жиноятчиликка қарши курашишдаги ҳамкорлиги бўйича битим» (2007 йил 15 сентябрь, Остона)¹³, «МДХ давлатларининг ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи модда ва қурилмаларнинг қонунга хилоф равишда тайёрланиши ва муомалада бўлишига қарши курашишдаги ҳамкорлиги бўйича битим» (2008 йил 14 ноябрь, Кишинёв)¹⁴, «Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ахборот алмашинуви бўйича битим» (2009 йил 22 май, Остона)¹⁵ каби ҳужжатларни келтириб ўтиш жоиз.

Албатта, халқаро ҳамкорлик доирасидаги ҳуқуқий асосларда давлатларнинг икки томонлама муносабатлари ушбу ҳамкорликнинг кенгроқ доирасини очиб беради. Уларни шартли равишда давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро турларга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси томонидан бундай икки томонлама битимлар Озарбайжон Республикаси¹⁶, Арманистон Республикаси¹⁷, Беларусь Республикаси¹⁸, Грузия¹⁹, Қозоғистон Республикаси²⁰, Қирғизистон Республикаси²¹, Россия Федерацияси²², Тожикистон Республикаси²³, Туркманистон²⁴ ҳамда Украина²⁵ давлатлари билан тузилган бўлиб, уларнинг аксариятида ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири сифатида инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларга қарши кураш кўрсатилган.

Шунингдек, Австрия Республикаси²⁶ (Баённоманинг 3-банди 1-хатбошиси), Венгрия Республикаси²⁷ (Битимнинг 3.1-моддаси «г» банди, 4-моддаси «а» банди), Германия Федератив Республикаси²⁸ (Баённоманинг 1-моддаси «d» банди, 2-моддаси «а» банди), Латвия Республикаси²⁹, Словакия Республикаси³⁰ (4-моддаси), Эстония Республикаси³¹ (Битимнинг 1-моддаси, 1-банди), Вьетнам Социалистик Республикаси³² (Битимнинг 1-банди, 2-хатбошиси), Хитой Халқ Республикаси³³ (Битимнинг 3-моддаси 1, 4, 10-бандлари) давлатлари билан тузилган норматив ҳужжатлар нафақат ҳаётга қарши жиноятлар бўйича ҳамкорлик масалаларини, балки бу йўналишда техникавий

ёрдам кўрсатиш, ўзаро тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа шу каби масалаларни назарда тутгани билан аҳамиятли.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилдиган тезкор-қидирув фаолиятида қўшимча

ҳуқуқий нормаларга эҳтиёж мавжуд. Ҳаётга қарши жиноятлар билан курашиш фаолиятини бевосита тартибга соладиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги таҳрирларини ишлаб чиқишда юқорида таҳлил қилинган халқаро ҳужжатларни инobatга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Саитбаев Т.Р. К истории оперативно-розыскного права // *Хуқуқ–Право–Law*. – 1999. – №4. – Б. 74–78.

² Саитбаев Т.Р., Акромхўжаев Б.Т. Ички ишлар органлари оператив-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари. – Т., 1995. – Б. 4.

³ Ўша манба. – Б. 6–11.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А. Хамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т. Рашидходжаев / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2015. – Б. 8.

⁵ Ўша жойда. – Б. 8–18.

⁶ Батафсилроқ маълумот учун қаранг: *Жўрабоев О.А.* Ички ишлар идоралари ходими – инсон ҳуқуқлари химоячиси. – Т., 2010. – Б. 6.

⁷ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь), (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 536-II-сонли қарори билан ратификация қилинган) / Электрон манбаа: «YURIDA NYSA copyright © 2014» (Кўрилган сана 05.10.2015 йил).

⁸ Изох: Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳозирги кунда мазкур Протоколларнинг фақат биттаси ратификация қилинган: Ўзбекистон Республикасининг «БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги қонуни (2008 йил 8 июль, ЎРҚ-160-сон) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й, 28-сон, 262-модда / Электрон манбаа: «YURIDA NYSA copyright © 2014» (Кўрилган сана 05.10.2015 йил).

⁹ Соглашение о взаимодействии министерств внутренних дел Содружества Независимых Государств в сфере борьбы с преступностью (г. Алматы, 24 апреля 1992 г.) / Электрон манбаа: «YURIDA NYSA copyright © 2014» (Кўрилган сана 05.10.2015 йил).

¹⁰ Решение СМВД СНГ «О Бюро по координации борьбы с организованной преступностью и иными опасными видами преступлений на территории государств – участников СНГ» (г. Москва, 24 ноября 1998 г.) // Сборник актуальных документов СНГ и СГП СНГ (1993–2014 гг.). В 2-х т. Т. 2. – М., 2014.

¹¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Сотрудничество Министерств внутренних дел государств – участников СНГ: Сб. документов. – М., 2005. – С. 428; Правовое обеспечение сотрудничества правоохранительных органов государств – участников СНГ в сфере борьбы с терроризмом и правонарушениями экстремистской направленности: Сб. договорно-правовых, законодательных и иных актов. – М., 2006 – 479 с.; Организационно-плановые документы, используемые в международном сотрудничестве органов внутренних дел государств – участников СНГ: Сб. примерных типовых образцов. – М., 2006. – 159 с.; Информационно-аналитические документы, используемые в международном сотрудничестве органов внутренних дел государств – участников СНГ: Сб. примерных типовых образцов. – М., 2008. – 287 с.

¹² Соглашение о сотрудничестве государств – участников СНГ в борьбе с преступностью (г. Москва, 25 ноября 1998 г.) / Электрон манбаа: «YURIDA NYSA copyright © 2014» (Кўрилган сана 08.10.2015 йил)

¹³ Соглашение о сотрудничестве государств – участников СНГ в борьбе с преступностью на транспорте (г. Астана, 15 сентября 2007 г.) // Сборник актуальных документов СНГ и СГП СНГ (1993–2014 гг.). В 2-х т. Т. 2. – М., 2014. – Б. 73–74.

¹⁴ Соглашение о сотрудничестве государств – участников СНГ в борьбе с незаконным изготовлением и оборотом огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств (г. Кишинёв, 14 ноября 2008 г.) // Сб. международных договоров Республики Узбекистан. – 2010. – № 1–4.

¹⁵ Соглашение об обмене информацией в сфере борьбы с преступностью (г. Астана, 22 мая 2009 г.) // Сб. международных договоров Республики Узбекистан. – 2011. – № 1–2.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Озарбайжон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1997 йил 18 июнь, Тошкент ш.) // ИИБ ТИБ Архив рақами 3-сон ЙЖ (СНГ).

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Арманистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1995 йил 17 февраль, Минск ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 4-сон (СНГ).

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1998 йил 4 июнь, Тошкент ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 5-сон (СНГ).

¹⁹ Соглашение о сотрудничестве между Министерством внутренних дел Республики Узбекистан и Министерством внутренних дел Грузии (1997 йил 23 май, Тошкент ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 7-сон (СНГ).

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (2013 йил 14 июнь, Тошкент ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 8-сон (СНГ).

²¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қирғизистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1995 йил 24 апрель, Бишкек ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 2-сон (СНГ).

²² Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1998 йил 4 июнь, Тошкент ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 1-сон (СНГ).

²³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1993 йил 26 февраль, Тошкент ш.); Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида транспортдаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1998 йил 4 февраль, Душанбе ш.); Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида чегарадош ҳудудларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1998 йил 4 февраль, Душанбе ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 10-сон (СНГ).

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Туркменистон Ички ишлар вазирлигининг ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1994 йил 17 февраль, Ашгабад ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 11-сон (СНГ).

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Украина Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1992 йил 21 октябрь, Киев ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 14-сон (СНГ).

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Австрия Республикаси Федерал Ички ишлар вазирлиги ўртасида Ҳамфикирлик тўғрисида баённома (1997 йил 11 февраль, Тошкент ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 23-сон (Европа).

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Венгрия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим (2002 йил 28 октябрь, Будапешт ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 41-сон (Европа).

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Германия Федератив Республикаси Жиноят полицияси Федерал идораси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Баённома (2001 йил 23 март, Тошкент ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 67-сон (Европа).

²⁹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўзаро ҳамкорлик қилишлари тўғрисидаги битим (1992 йил 24 апрель, Олма-ота ш.); Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлик ҳақида битим (1996 йил 23 май, Тошкент ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 44-сон (Европа).

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Словакия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлик ҳақида битим (1997 йил 17 январь, Братислава ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 48-сон (Европа).

³¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Эстония Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўзаро ҳамкорлик қилишлари тўғрисидаги битим (1992 йил 24 апрель, Олма-ота ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 47-сон (Европа).

³² Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Вьетнам Социалистик Республикаси Ҳукумати ўртасида терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва жиноятнинг бошқа турларига қарши курашда ва уларни олдини олишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2010 йил 10 сентябрь, Тошкент 2011 йил 23 апрелдан кучга кирган), (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 16 февралдаги ПҚ-1479 - сон қарори билан тасдиқланган) / Электрон манбаа: «YURIDA NYSA copyright © 2014»(Кўрилган сана 12.10.2015 йил)

³³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1999 йил 8 ноябрь, Пекин ш.) // ИИВ ТИБ Архив рақами 98-сон (АТР).

Ш.Н. Бердияров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси
юридик бюроси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент

ИДОРАВИЙ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги ҳамда қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этишдаги аҳамияти ёритилган.

Таянч тушунчалар: идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқий амалиёт.

Бердияров Ш. Н. Ведомственное законотворчество и особенности документов правотворчества

Аннотация. В статье раскрываются особенности взаимосвязи ведомственного нормотворчества и правоприменительной деятельности, а также подчеркивается значимость правильного применения законодательных норм в правовой практике.

Ключевые слова: ведомственное нормотворчество, правовая деятельность, реализация права, применение права, правовое действие, правовая практика.

Berdiyarov Sh. N. Departmental lawmaking and features of legal documents

Annotation. The article describes peculiarities of relationship of the departmental rule-making and law-enforcement activities, and emphasizes the importance of correct application of legal norms in the practice of law.

Keywords: departmental rule-making, legal activities, implementation of law, application of law, legal act, practice of law.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарали амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Чунки, қонун нормаларининг талаблари ҳаётга татбиқ этилиши кўпинча идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Олий Мажлис, ҳукумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, улар қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур»¹, деб таъкидлаб ўтди. Бу, ўз навбатида, самарали идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан боғлиқ.

Бугунги кунда ҳуқуқ ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги масалалари мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фанида кенг ўрганилган бўлса-да², «идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчасига у қадар чуқур урғу берилмайди. Фақатгина «ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчаси доирасида у ёки бу даражада эътибор бериб келинади³. Ҳолбуки, идоравий ҳуқуқ ижодкорлигининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Профессор З. М. Исломовнинг фикрича, давлат ҳуқуқ ижодкорлиги асосий субъектлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатлари (қонунлар), ижро этувчи ҳокимият ҳужжатлари (қонуности ҳужжатлари), суд ҳокимияти ҳужжатлари (умумий тусдаги юрисдикция ҳужжатлари)га бўлиш мумкин⁴. Кўриниб турибдики, ушбу тасниф ҳокимият тақсимланиши принципига асосланган ҳолда амалга оширилган.

Бизнингча, ҳуқуқ ижодкорлигини, моҳиятидан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги, давлат раҳбари ва ижро ҳокимияти ҳуқуқ ижодкорлигига ажратиб таснифлаш ҳам мумкин.

Ҳуқуқ ижодкорлиги — ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг (референдум чоғида — бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолиятидир⁵.

Шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлигини ҳуқуқ нормаларини яратиш билан боғлиқ ваколатли субъектларнинг фаолияти ҳам дейишимиз мумкин. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади⁶.

Ушбу ҳуқуқий нормадан кўриниб турибдики, суд ҳокимияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи органлар қаторида кўрсатилмаган. Шу нуқтаи назардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатлари (қонунлар), ижро этувчи ҳокимият ҳужжатлари (қонуности ҳужжатлари), суд ҳокимияти ҳужжатлари (умумий тусдаги юрисдикция ҳужжатлари)га бўлиш бироз баҳслидир. Қолаверса, суд ҳужжатлари умуммажбурий идоравий ҳужжат сифатида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ҳам ўтказилмайди.

Қонуннинг 12-моддасида қайд этилганидек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади⁷.

Шу нуқтаи назардан, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар шуғулланади. Вазирлик ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мҳсон буйруғи билан Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари⁸ тасдиқланган. Ушбу қоидаларнинг 1-банди иккинчи хатбошисида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан белгиланган тарзда қабул қилинган умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат, дейилган.

Юқоридаги ҳуқуқий нормалар мазмунидан келиб чиқиб, «идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги — вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан белгиланган тарзда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатларни яратиш билан боғлиқ жараён. Демак, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти нафақат янги ҳуқуқий нормалар яратиш, балки илгари чиқарилган норматив-ҳуқуқий қоидаларни ўзгартириш ва бекор қилишни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақбуллиги, мукамаллиги, халқчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис ҳам бу фаолият ижодий жараён ҳисобланади.

Идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан илмий асослан-тирилган таклифлар ишлаб чиқиш ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалардан биридир. Айниқса, қонуности ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда қабул қилишнинг мукамал тизими шакллантирилмаганлиги, уларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини аниқлатади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосла-ниши ва сифатига қўйиладиган талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-нинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда»⁹.

Шу ўринда, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида яратиладиган юридик ҳужжатлар билан ҳуқуқни қўллаш жараёнида тайёрланадиган ҳужжатларни ҳам фарқлаш лозим. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш учун яратилган бўлса-да, бошқарув фаолияти ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусиятига эга. Идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги турли бошқарув ҳужжатлари (буйруқлар, қарорлар, низомлар, йўриқномалар ва бошқалар)ни ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш – ваколатли органлар ва шахсларнинг ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ фаолиятдир. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти давлат органлари ва хўжалик бошқарув органларида сўровномалар, илтимос-

номалар, талабномалар ёки таклифларни қамраб олади. Бундай ҳужжатларнинг асосийлари: маълумотномалар, шарҳлар, хизмат хатлари, тушунтириш хатлари, далолатномалар, хулосалар, ҳисоботлар, баённомалар, стенограммалар, телеграммалар, телетайпограммалар ва телефонограммалар ҳисобланади.

Шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал, маъмурий-процессуал ва тезкор хизмат фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган процессуал ҳужжатлар орқали ҳам ўзига хос ҳуқуқни қўллаш амалга ошади.

Демак, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш шаклига кўра иккига бўлинади: ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи.

Ижро этувчи ҳужжатлар ҳуқуқ нормасида мустақамланган кўрсатмаларни алоҳида шахс ёки вазиятга нисбатан ижро этишни ташкиллаштиришга қаратилган. Масалан, мутахассислиги ва малакаси талабга жавоб берадиган шахсни бирон-бир давлат идорасига ишга қабул қилиш тўғрисидаги, ўз вазифасини сидқидилдан ижро этган ходимни рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ ва бошқалар.

Ҳуқуқни муҳофаза этишга қаратилган ҳужжатлар амалдаги ҳуқуқ нормаларини турли хил тажовузлар ёки бузилишлардан сақлашга хизмат қилади. Улар, одатда, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш ёки содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан чиқарилади. Бундай ҳужжатларга суд, тергов, прокуратура, солиқ, божхона органлари ҳужжатлари мисол бўла олади. Масалан, терговчининг жиноят иши кўзгатиш, шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш, шахсга қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарори сингари ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза этишга қаратилган ҳужжатларга киритишимиз мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари, уларни қабул қилувчи субъектларга кўра қонунчилик ҳокимияти органлари ҳужжатлари; ижро ҳокимияти органлари ҳужжатлари; суд органлари ҳужжатлари; ўзини ўзи бошқариш

органлари ҳужжатлари; жамоат ташкилотлари ҳужжатлари; корхона, муассаса ва ташкилотлар маъмурияти томонидан чиқариладиган ҳужжатларга бўлинади. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг ифода этилиш шаклига кўра, расмий, тавсиянома ва кўрсатма шаклидаги турлари мавжуд¹⁰.

Ҳар бир субъектнинг ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ тарзда қабул қиладиган ҳужжатлари ўз хусусиятига эга. Масалан, ички ишлар органларида тузиладиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг юридик аҳамияти шундаки, улар юридик ҳаракатлар, ҳодисалар, ҳолатларни расмий тасдиқлаш воситаси ва уларнинг юридик далили ҳисобланади. Ички ишлар ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузган баённома ноҳўя ҳаракат ҳолатларини, ҳуқуқбузарнинг шахси ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган ахборотни қайд этади. Фуқарога қурол сотиб олиш учун берилган рухсатнома ушбу шахсда тегишли ҳуқуқ мавжудлигининг расмий тасдиғи ҳисобланади¹¹.

Ҳужжатлар юридик далил бўла олганлиги сабабли, ички ишлар органлари (уларнинг бўлинмалари ва ходимлари) фаолиятининг қонунийлиги ва самарадорлигини улар тузган ҳужжатларни ўрганиш орқали назорат қилиш мумкин. Жиноят ишларининг материалларини, маъмурий жазо тайинлаш ҳақидаги қарорларни ўрганиш ички ишлар органи тизимида ҳуқуқни амалга ошириш ва ходимлар фаолиятида қонунийликнинг аҳволини баҳолашга ҳамда аниқланган хатоларни бартараф этиш чораларини кўришга имкон беради.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор бериш керакки, давлат ва ҳуқуқ назариясида умум эътироф этган қоидаларга кўра, идоравий-норматив ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари алоҳида тавсифлаб келинса-да, мантиқан олиб қаралганда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам ҳуқуқни қўллаш хусусияти борлигини кузатиш мумкин. Чунки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат айти вақтда ўзига нисбатан юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг

талабларини қўллаш учун ҳам қабул қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назорати механизmlарини ривожлантириш, давлат бошқарувининг сифатидан фуқароларнинг қониқши ўсишига кўмаклашиш каби масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ қоидалар белгиланган¹².

Бундан кўриниб турибдики, ушбу қарор юқоридаги қонун нормаларини муайян даражада қўллашга қаратилган бўлиб, айти вақтда, қуий турувчи вазирлик ва идоралар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазифасини ўтайди. Ушбу хусусият идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам хосдир.

Ҳуқуқни қўллаш натижасида ҳуқуқ нормаси талаблари аниқ ҳаётий ҳолатга нисбатан татбиқ этилади¹³. Ҳуқуқни қўллашнинг умумий мақсади унинг муайян мақсадларида аниқлаштирилади ва рўёбга чиқарилади. Амалдаги қонунларни тўлдирадиган ва уларга расмангина эмас, балки уларнинг руҳига ҳам тўлиқ мувофиқ келадиган қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни қўллаш ўзаро боғлиқ уч мақсадни рўёбга чиқариши керак бўлади. Булар жумласига: иш бўйича зарур бўлган барча ҳаётий вазиятлар ишончли ва тўлиқ аниқланишини таъминлаш, қонунлар талаблари, фуқаро ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўймаслик, қонунийлик, мақсадга мувофиқлик ва адолатлилик талабларини қондирувчи қарорлар қабул қилиш кабилар киради¹⁴.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, одатда, бошқа

ҳуқуқий функциялар, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳам адо этади. Фуқароларга келсак, улар ҳуқуқни қўлловчи субъектларга кўмаклашиб, ҳужжатларни қўллаш фаолиятида қатнашадилар, муайян ишларнинг бажарилиши ҳамда ҳуқуқни қўллаш идораларининг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ёрдам берадилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари, қонунлар

билан бир қаторда, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини бажаришда алоҳида аҳамият касб этади. Қонун нормаларининг ҳаётга татбиқ этилишида кўп ҳолатларда айнан шу ҳужжатларнинг аҳамияти намоён бўлади. Шу боис, уларни тўғри расмийлаштириш ва юридик мазмун бериш масаласига жиддий эътибор қаратиш ҳуқуқий давлатчилик асосларини мустақкамлашнинг зарурий омили ҳисобланади.

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. — 2015. — 6 дек.

² Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари. Семинар материаллари / Масъул муҳаррир Ф.Отахонов. — Т., 2005 — 171 б.; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 583; Хашимхонов А.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2000. — 26 б.; Тультеев И.Т. Ҳуқуқ ижодкорлиги прогнози: назария, методология, амалиёт. Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2009. — 47 б.

³ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т., 2011. — Б. 255–281.

⁴ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 600.

⁵ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — Б. 152.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2012. — № 52. — 583-м.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 10. — 110-м.; — № 21. — 253-м.; — № 52(1). — 654-м.

⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 24.

¹⁰ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т., 2011. — Б. 452.

¹¹ Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. — Т., 2004. — Б. 282.

¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2015. — № 45. — 575-м.

¹³ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т., 2011. — Б. 402–403.

¹⁴ Сырых В.М. Социология права. — М., 2004. — С. 209–211.

РОДОВОЙ ОБЪЕКТ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И БЕЗОПАСНОСТИ

Аннотация. В статье на основе анализа различных мнений отечественных и зарубежных исследователей автор формулирует собственное определение родового объекта преступлений в сфере информационных технологий и безопасности.

Ключевые слова: преступления в сфере информационных технологий и безопасности, родового объект преступления, информационные отношения, информационная безопасность, информационные ресурсы.

Расулев А. К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятларнинг тур объекти

Аннотация. Мақолада муаллиф мамлакатмиз ва хориж тадқиқотчиларининг турли фикрларини таҳлил қилиш асосида ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятларнинг тур объектига ўз таърифини беради.

Таянч тушунчалар: Ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятлар, жиноятларнинг тур объекти, ахборот муносабатлари, ахборот хавфсизлиги, ахборот ресурслари.

Rasulev A. K. Subsumer of crimes in the sphere of information technologies and security

Annotation. Based on the analysis of different views of domestic and foreign researchers the author formulates his own definition of the subsumer of crimes in the sphere of information technologies and security.

Key words: computer crime and security, subsumer of crime, information relations, information security, information resources.

В условиях активного развития информационных технологий и телекоммуникаций уголовно-правовая борьба с преступлениями в сфере информатизации представляет особую актуальность. Глава нашего государства И. Каримов отмечает: «Нет необходимости говорить о том, что в век информации, коммуникационных и компьютерных технологий, когда Интернет с каждым днем будет все шире и глубже входить во все сферы нашей жизни и когда борьба за умы и умонастроения людей приобретает решающее значение, — все эти задачи сегодня становятся для нашего общества актуальными и приоритетными»¹.

Проблема киберпреступности переросла в масштабы мирового сообщества. Для разработки научного подхода к решению этой проблемы необходима ее формализация: выделение основных объектов и определение принципиальных свойств рассматриваемого явления.

Статистика показывает, что нарушение компьютерной информации является одним из самых распространенных в различных информационных системах, включая банковскую и корпоративную систему. По оценкам Сбербанка России, ущерб от киберпреступности во всех сферах деятельности в РФ составил в 2015 г. около 1 млрд. долларов². По отчетам Центра стратегических международных исследований (CSIS) за 2014 г. урон от киберпреступности специалисты оценили в 400 млрд. долларов США³.

Во всем мире киберпреступники ответственны за экономический ущерб в 113 млрд. долларов в год. Количество жертв при этом составляет порядка 378 млн. человек, каждый из которых в среднем теряет 298 долларов. Хотя веб-пользователи становятся более осторожными, сумма ущерба не снижается. Причина в том, что атаки

злоумышленников становятся все более сложными⁴.

Киберпреступность наносит урон в абсолютно разных областях экономики: торговле, конкуренции, инновациям и в общем тормозит экономический рост стран. И чем более развита страна, тем больше процент ущерба от киберпреступности и больше сумма ущерба ВВП.

Все эти данные показывают необходимость изучения и определения объекта рассматриваемых преступлений. Ведь именно объект преступления охватывает те общественные отношения, которые следует охранять в уголовно-правовом порядке.

Необходимо отметить, что однозначно сформулировать определение родового объекта компьютерных преступлений пока не представляется возможным. Это объясняется тем, что в научном мире пока не разработано единое мнение касательно объекта преступлений в сфере информационных технологий. Сложность данного вопроса также проявляется в том, что в различных странах понятие данных преступлений является различным.

Например, в Уголовных кодексах Российской Федерации, Киргизии и Казахстана ответственность за компьютерные преступления предусмотрена в главе «Преступления в сфере компьютерной информации» и входит в раздел преступлений против общественной безопасности и общественного порядка. В Уголовном кодексе Армении – в главе «Преступления против безопасности компьютерной информации». Уголовный кодекс Молдовы предусматривает главу «Преступления в сфере информатики». Уголовный кодекс Республики Таджикистан акцентирует данную проблематику в главе «Преступления против информационной безопасности».

Уголовное законодательство некоторых стран не выделяет компьютерные преступления в самостоятельной главе. В частности, в Уголовном кодексе КНР имеются отдельные статьи, которые устанавливают ответст-

венность за компьютерные преступления в главе «Преступления против общественного порядка и порядка управления». В Уголовном кодексе Республики Корея предусмотрена всего лишь одна статья, устанавливающая ответственность за мошенничество с использованием компьютера. В Уголовном кодексе ФРГ компьютерные преступления представлены в виде двух составов преступлений – компьютерное мошенничество и компьютерный саботаж.

В Узбекистане решение данной проблематики осуществлялась поэтапно. Поэтапная либерализация уголовного законодательства, дальнейшее совершенствование судебно-правовой системы, особенности национальной уголовно-правовой политики явились логическим продолжением проводимых реформ в стране. С момента принятия в 1994 г. в Уголовном кодексе Узбекистана предусматривалась всего лишь одна специальная статья – ст. 174 (нарушение правил информатизации). В ст. ст. 167 (хищение путем присвоения и растраты), 168 (мошенничество), 169 (кража) были предусмотрены квалифицирующие признаки при отягчающих обстоятельствах. Кроме того, имеются смежные составы, которые опосредованно затрагивают вопросы обеспечения безопасности информации. Так, в частности, ст. ст. 191 и 192 УК предусматривают ответственность за незаконное собирание, разглашение или использование информации, а также дискредитацию конкурента.

Следующим прорывным этапом в обеспечении защиты информации и информационной безопасности явилось принятие в 2007 г. отдельной главы XX¹ «Преступления в сфере информационных технологий». В ней предусмотрены шесть статей, которые объединены общим родовым объектом преступного посягательства, под которым следует понимать общественные отношения, связанные с охраной законом информации, баз данных и информационных систем, их обработкой, в рамках более общих понятий – общественная безопасность и общественный порядок.

В юридической литературе при определении родового объекта преступлений в сфере информационных технологий существуют некоторые расхождения.

Т. М. Лопатина отмечает, что правовое регулирование данных отношений реализуется в двух формах: создание нового законодательства и распространение существующего на возникшие новые общественные отношения. Эти процессы происходят в государстве не обособленно, наоборот, они взаимосвязаны и неразрывны, что и должно обеспечивать гармонизацию общественных отношений в информационной сфере⁵.

Н. В. Карчевский предлагает выделить два подхода к определению родового объекта компьютерных преступлений:

- безопасность использования ЭВМ, систем и компьютерных сетей;
- информационные отношения, средством обеспечения которых являются ЭВМ, системы или компьютерные сети.

Следует отметить, что первое из вышеприведенных определений, сформулированных Н. В. Карчевским, является спорным, поскольку преступления в сфере информационных технологий посягают не на компьютерную технику в целом, а на безопасность использования компьютерной информации, баз данных и информационных систем. В случае определения родового объекта преступлений в сфере информационных технологий как безопасности использования ЭВМ не представляется возможным определить общественную опасность рассматриваемых преступлений и отграничить их от смежных составов преступлений.

Непосредственный объект некоторых компьютерных преступлений, как отмечает Н. В. Карчевский, можно определить как право собственности на компьютерную информацию. Предметом таких преступлений является компьютерная информация⁷. С данным мнением трудно согласиться, так как не всегда преступления в сфере информационных технологий посягают на

компьютерную информацию в качестве объекта собственности. Допустим, при нарушении правил информатизации вряд ли можно согласиться с тем, что осуществляется посягательство на право собственности на компьютерную информацию. При этом Р. Кабулов отмечает, что не могут быть предметом хищения идеи, взгляды, проявления человеческого разума, информация, обладающая экономической ценностью⁸. В данном случае речь идет о создании, внедрении и эксплуатации информационных систем без принятия установленных мер защиты.

Большинство ученых рассматривают родовую объект преступлений в сфере информационных технологий через призму процессов обработки компьютерной информации. В качестве преступлений в сфере информационных технологий принято считать уголовно наказуемые действия, подразумевающие несанкционированное проникновение в работу компьютерных сетей, компьютерных систем и программ с целью видоизменения компьютерных данных. При этом компьютер выступает в качестве предмета преступления, а информационная безопасность – объекта. К событиям, связанным с преступлением, можно отнести ситуации, при которых компьютер – орудие для совершения преступлений с целью нарушения авторских прав, общественной безопасности, прав собственности, нравственности.

Заслуживает особого внимания и является интересной позиция ряда авторов. Так, по мнению А. И. Малярова, родовым объектом рассматриваемых преступлений являются общественные отношения по поводу поиска, получения, передачи, производства и распространения компьютерной информации, а предметом преступления – компьютерная информация⁹.

Л. А. Прохоров и М. Л. Прохорова определяют, что объектом анализируемой группы преступлений, исходя из законодательного описания составов, являются общественные отношения, складывающиеся

в связи с использованием компьютерной информации¹⁰.

В. А. Колобова и В. Н. Ясенева отмечают, что компьютерные преступления направлены против установленного порядка общественных отношений, который регулирует изготовление, использование, распространение и защиту компьютерной информации¹¹.

Как мы видим, позиция данных авторов связана с предметом преступления, а именно с компьютерной информацией. Следует особо отметить, что мы не должны упускать стержневые моменты по обеспечению безопасности процессов обработки и передачи информации в информационных системах, базах и банках данных. Данное понятие исключает применение рассматриваемого определения объекта в отношении преступлений, связанных с использованием компьютерной техники и информационных технологий.

Кроме того, вышеуказанные авторы при определении родового объекта подходят к решению вопроса более узко и предметно, что не является верным. Однако при этом в полной мере учитывается системность проблемы, а также основные задачи и функции уголовного кодекса, в которых красной нитью прописаны общепринятые конвенционные нормы по обеспечению интересов личности, общества и государства.

Интересна позиция группы ученых, которые подходят к решению данного вопроса через систему защищенности и обеспеченности процессов обработки и передачи компьютерной информации и информационных систем. Так, А. С. Михлин отмечает, что объектом преступлений в сфере компьютерной информации является совокупность общественных отношений, связанных с безопасным производством, использованием и распространением информации и информационных ресурсов, а также обеспечением их надлежащей защиты¹².

С учетом существующих разновекторных позиций по определению родового объекта

более интересной, системной, а также устраняющей проблемы при квалификации преступлений, тем самым приемлемой для нас, является позиция В. П. Ревина, который определяет в качестве родового объекта преступлений в сфере компьютерной информации общественные отношения, нарушающие формирование и использование автоматизированных информационных ресурсов и средств их обеспечения.

По мнению автора, родовый объект преступлений в сфере информационных технологий является сложным. В него, в свою очередь, входят несколько объектов, охватывающих права и законные интересы: а) владельцев (в том числе, собственников) и пользователей информации, компьютеров, их систем и сетей, средств обеспечения; б) физических и юридических лиц, сведения о которых имеются в автоматизированных информационных ресурсах (банках данных); в) общества и государства, в том числе, интересы национальной безопасности. В частности, применительно к гражданам объектом посягательства могут быть здоровье (например, при нарушении правил эксплуатации информационных систем), имущественные права, право на личную тайну и тайну сообщений, честь и достоинства личности¹³.

Практичным является авторское определение М. Х. Рустамбаева, который определяет, что объектом преступлений в сфере информационных технологий являются общественные отношения по обеспечению безопасности компьютерной информации и нормальной работы ЭВМ, их систем или сети¹⁴.

С учетом того, что основной задачей и функцией уголовного законодательства развитых демократических стран является обеспечение интересов личности, общества и государства, то логически нам представляется, что при определении родового объекта преступлений в сфере информационных технологий и безопасности необходимо особо обратить внимание на следующие положения:

— во-первых, уголовный закон осуществляет защиту компьютерной информации и информационных систем в рамках общественной безопасности и общественного порядка;

— во-вторых, защита информационных ресурсов и систем является составной частью обеспечения информационной безопасности.

В мировом информационном пространстве возникают новые вызовы и угрозы, регулярно происходят «информационные войны», которые оказывают огромное влияние на сознание и формирование личности, общества, государства. Сама информация становится самым «дорогим» товаром, определяющим и влияющим на процессы, происходящие в мире в условиях глобализации.

В связи с этим считаем возможным определить родовой объект преступлений в

сфере информационных технологий как *общественные отношения, обеспечивающие безопасность личности, общества и государства в сфере информационной безопасности и технологий, а именно безопасность получения, поиска, обработки и передачи информации, нормальное функционирование информационных систем и ресурсов, надлежащую защиту компьютерной информации от противоправных посягательств при обеспечении государственных интересов.*

Определение родового объекта позволит не только определить приоритеты уголовно-правовой охраны в информационном пространстве, но успешно бороться с киберпреступностью, что должно стать приоритетной функцией всех правоохранительных органов и силовых ведомств.

¹ Каримов И. А. Наша главная цель — демократизация и обновление общества, реформирование и модернизация страны // *Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть*. Т. 13. — Т., 2005. — С. 100.

² <http://www.mskagency.ru/materials/2512565>.

³ <http://blog.jammer.su/2014/06/uron-ot-cyberprestupnosti-05-mirifigi-vvp/>

⁴ <http://ichi.p.ru/ushherb-ot-kiberprestuplenij-ischislyaetsya-milliardami.html>.

⁵ Лопатина Т. М. Особенности объекта преступлений в сфере компьютерной информации // *Бизнес в законе*. — 2006. — № 1–2. — С. 169.

⁶ Карчевский Н. В. Компьютерные преступления: определение, объект и предмет / Доклад на V Международной конференции «Право и Интернет: теория и практика» // <http://www.ifar.ru/pi/05/karchev.html>.

⁷ Там же.

⁸ Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Т., 1997. — С.19.

⁹ Маляров А. И. Объект преступления в сфере электронно-цифровой (компьютерной) информации и вопросы квалификации (российский и зарубежный опыт) // *Общество и право*. — 2008. — № 2. — <http://www.center-bereg.ru/h1461.html>.

¹⁰ Прохоров Л. А., Прохорова М. Л. Уголовное право: Учебник. — М., 1999. — С. 285.

¹¹ Колобов В. А. Информационная безопасность и антитеррористическая деятельность современного государства: проблемы правового регулирования и варианты их решения / В. А. Колобов, В. Н. Ясенев. Н. Новгород, 2001. — С. 37.

¹² Уголовное право: Часть Общая. Часть Особенная. Вопросы и ответы (Серия «Подготовка к экзамену») / Под ред. д.ю.н. проф. А. С. Михлина. — М., 2000. — С. 184.

¹³ Уголовное право России: Учебник / Под ред. заслуженного деятеля науки РФ, д.ю.н. проф. Ревина В.П. — М., 1998. — С. 388.

¹⁴ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Т. 5: Преступления против общественной безопасности и общественного порядка. Преступления против порядка несения военной службы. — Т., 2008. — С. 240.

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг ОБЪЕКТИ

Аннотация. Мақолада ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг объекти тушунчаси таҳлил қилинган, бу билан боғлиқ жиноий қилмишларни квалификация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

Таянч тушунчалар: объект, муракаб таркибли жиноят, бевосита объект, қўшимча объект, квалификация, предмет.

Очилов Х. Объект преступления при совершении хищения чужого имущества с использованием средств компьютерной техники

Аннотация. В статье проанализировано понятие объекта хищения чужого имущества с использованием средств компьютерной техники, подробно освещены теоретические и практические аспекты квалификации данного преступления.

Ключевые слова: объект, преступление со сложным составом, непосредственный объект, дополнительный объект, квалификация, предмет, компьютерная техника.

Ochilov Kh. Object of the crime at commission of stealage of someone else's property with use of computer equipment

Annotation. The article analyses the concept of the object of stealage of someone else's property with use of computer equipment, considers theoretical and practical aspects of qualification of this crime.

Key words: object, the crime with complicated corpus delicti, direct object, additional object, qualification, subject, computer equipment.

Мулкдор бўлиш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг муҳим иқтисодий ҳуқуқларидан бири эканлиги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида¹ белгилаб қўйилган.

Афсуски, сўнгги йилларда ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар шахснинг мазкур конституциявий ҳуқуқларига тажовуз қилиб, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилишига жиддий ғов бўлмоқда. Айниқса, ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Статистика маълумотлари республикамизда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкани ўғирлаш, фирибгарлик ҳамда

ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари содир этилиши кўрсаткичлари² мўътадил ҳолатда бўлса-да, уларнинг содир этилаётганлиги ва тегишли шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилганлиги ушбу жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш ҳамда бошқа турдош жиноятлардан ажратиш бўйича муаммоли ҳолатлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятчилигининг нисбатан янги кўриниши ҳисобланади. Шунга қарамай, ижтимоий хавфлилик даражаси ва жиноят таркибининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи ушбу жиноят туфайли шахс, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказилмоқда. Компьютер фирибгарлиги ва компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўғир-

лик қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу жиноятни квалификация қилишда унинг таркиби ўзига хос эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Хусусан, у жиноят таркибининг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони билан бошқа талон-торож жиноятлари ва ахборот технологиялари соҳасидаги ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқланади. Муайян жиноят таркибини ўрганишда унинг объектив белгиларини батафсил таҳлил этиш улар тўғрисидаги аниқ ва тўғри хулоса чиқариш имконини беради. Умуман, жиноятнинг объектив белгилари деганда, муайян жиноятнинг объекти ва объектив томонига оид хусусиятлари тушунилади.

Жиноий жазога лойиқ қилмиш – жиноят таркибининг таҳлили, жиноят объектини аниқлашдан бошланади. Махсус адабиётларда жиноят объекти тўрт турга: умумий, турдош, махсус ва бевосита объектларга ажратилмоқда³. Яъни жиноятларнинг умумий объекти жиноят қонуни барча моддалари йиғиндиси билан қўриқладиган ижтимоий муносабатлардир. Р.Қобулов таъкидлаганидек, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятининг умумий объекти жиноят қонуни томонидан қўриқладиган ҳамда ЖКнинг 2-моддасида санаб ўтилган ижтимоий муносабатлардир⁴. Е.О.Алауханов: «Талон-торож жиноятлари мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга тажовуз қилса-да, улар ижтимоий муносабатларнинг бошқа гуруҳлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси биргаликда талон-торож жиноятининг умумий объектини ташкил этади»⁵, – деб ёзади.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жинояти, том маънода, давлатнинг иқтисодий асосларига қарши йўналтирилган. Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, иқтисодиётнинг асосини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Талон-торож жиноятини содир этиш натижасида эса, мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга зиён етказилади.

У. М. Мирзаев айтганидек, Жиноят кодекси Махсус қисми III бўлимидаги жиноятларнинг турдош объекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади⁶. В. П. Диденко ушбу жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги мулкий муносабатларга тажовуз қилиш натижасида юзага келишини инобатга олган ҳолда мазкур соҳадаги жиноий тажовузлар объектини «иқтисодиёт» деган ягона тушунча асосида бирлаштириш мумкинлигини таъкидлайди⁷. Б. С. Никифоровнинг фикрича, «ижтимоий муносабатларнинг махсус бўлиши, биринчидан, ижтимоий муносабатлар мазмунини ташкил этувчи ижтимоий манфаатларнинг муштараклиги; иккинчидан эса, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг бир-бирига яқинлиги, ўхшашлиги билан белгиланади»⁸. Айни дамда турдош объектнинг асосий ўзига хослиги унинг бир-бирига яқин бўлган ижтимоий муносабатлар гуруҳини бирлаштиришидир.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари учун умумий белги ушбу жиноятларининг махсус объекти, яъни мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда намоён бўлади⁹. Мутахассислар талон-торож қилишнинг махсус объекти сифатида мулкка ашё, мулк ҳуқуқи¹⁰, мулкий манфаатлар¹¹, иқтисодий категория¹², юридик категория¹³, иқтисодий ва ҳуқуқий категориялар йиғиндиси¹⁴ сифатида қарайдилар ёхуд умуман мулкни жиноят объекти сифатида рад этадилар¹⁵. Бизнингча, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган Жиноят кодекси Махсус қисмининг 10-бобидаги талон-торож қилиш жиноятларининг махсус объекти ўзгаларнинг мулки ва мулкий ҳуқуқларидир.

Е. О. Алауханов талон-торожнинг бевосита объекти хусусида шундай дейди: «Мулкни талон-торож қилишда тажовуз объекти, яъни ҳар қандай ҳолатда ва ҳамшиша бузиладиган ижтимоий қадрият давлат томонидан белгиланган мулкий муносабатлардир. Бир сўз билан айтганда, талон-

торож жиноятларининг асосий ва бевосита объекти — мулккий муносабатлардир»¹⁶. Фикримизча, талон-торожнинг бевосита объектига берилган ушбу таърифни унинг махсус объектига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, талон-торож, жумладан, ўзгалар мулккини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг бевосита объектини талон-торожнинг шакллари (ўзлаштириш ёки растрата, фирибгарлик ва ўғрилиқка) боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш орқали аниқлаш лозим.

Талон-торож жиноятларининг айрим турлари содир этилиши натижасида нафақат мулкка, балки жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга ҳам зарар етказилиши мумкин. Яъни бундай жиноятлар айни вақтнинг ўзида бир неча ижтимоий муносабатларга дахл қилади. Жиноят ҳуқуқида содир қилиниши натижасида бир эмас, балки бир неча объектларга зарар етказадиган жиноят турлари мураккаб таркибли жиноятлар деб аталади.

Мураккаб таркибли жиноятлар деб жиноят таркиби элементларининг ҳар бири ёки улардан бири икки ёки ундан ортиқ бўлган жиноят турларига айтилади¹⁷. Чунончи, ўзгалар мулккини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинояти ҳам ўзининг зарар етказиш хусусиятига кўра, мураккаб таркибли жиноятлар сирасига киради. Яъни ушбу қилмиш натижасида нафақат мулккий муносабатлар, балки ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, шунингдек айрим ҳолларда давлат бошқаруви тизими соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам зарар кўради. Қоида тариқасида мураккаб таркибли жиноятларда зарар кўрган объектлар икки ёки ундан ортиқ бўлган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни ташкил қилса, қилмиш асосий бевосита объектга қараб квалификация қилинади.

Жиноят ҳуқуқида «асосий бевосита объект деб ижтимоий хавфли тажовуз тўғридан-тўғри қаратилган, жиноят қонуни

билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Яъни ушбу объектсиз жиноят таркиби мавжуд бўлмайди»¹⁸. Айнан ўзгалар мулккини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш эса, талон-торож жиноятларининг бир кўриниши сифатида, авваламбор, мулккий муносабатларга тажовуз қилади. Бунда айбдорнинг қасди бевосита ўзга шахсларнинг мулки ёки мулккий ҳуқуқларига қаратилган бўлади. Ушбу объектга тажовуз қилиш жараёнида у билан бирга бир вақтда тажовузга учраган иккинчи бир ижтимоий муносабатлар эса қўшимча бевосита объектни ташкил қилади. Қўшимча бевосита объект деб асосий бевосита объектга тажовуз қилинган вақтда тажовузга учрайдиган жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа бир ижтимоий муносабатга айтилади¹⁹. Ўзгалар мулккини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда қўшимча бевосита объект сифатида, одатда, ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатлар зарар кўради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзгалар мулккини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг умумий объекти — бошқа талон-торож жиноятларининг умумий объекти сингари жиноят қонуни билан қўриқланадиган умумий ижтимоий муносабатлар; турдош объекти — иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи; махсус объекти эса — мулккий муносабатлардан иборат, деган ҳулосага келиш мумкин.

Ушбу жиноятнинг бевосита объекти эса, юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур талон-торожнинг ҳар бир шаклига боғлиқ ҳолда аниқланиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, ўзгалар мулккини компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг асосий бевосита объектини мулкдор билан унинг мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган шахслар ўртасида вужудга келадиган мулккий муносабатлар ташкил қилади. Мазкур жиноятнинг қўшимча бевосита объектини эса компьютер

ахбороти хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, маълумотларни қайта ишларнинг автоматлашган тизимидан фойдаланиш тартибига оид ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Шу билан бирга, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш содир этилганда давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳам жиноятнинг қўшимча бевосита объектини ташкил этади.

Айрим ҳолларда мутахассислар ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш бошқа турдаги компьютер талон-торож жиноятларидан фарқли ўлароқ, қўшимча бевосита объектга тажовуз қилмаслиги ҳам мумкин, деб ҳисоблашади. Жиноятчи компьютер тизимида сақланган маълумотлар базасига таъсир қилмасдан туриб ҳам жабрланувчини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш орқали унинг мол-мулкани талон-торож қилиши мумкин (масалан, Интернет орқали лотереяда голиб бўлганлиги ҳақида ёлғон маълумот бериб, ютуқни олиш учун маълум маблағни кўрсатилган манзилга жўнатишни таклиф қилиш). Буни ҳам компьютер фирибгарлигининг бир кўриниши сифатида айтиб ўтишади²⁰. Ушбу фикрни инкор этган ҳолда барча компьютер талон-торожининг асосий белгиси — ушбу жиноят турларининг барчаси жиноят қонуни билан қўриқланган иккита объектга тажовуз қилишини, яъни асосий бевосита объект билан бир вақтда қўшимча бевосита объектнинг ҳам мавжуд бўлиши талаб қилинишида ифодаланишини айтиб ўтмоқчимиз.

Демак, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг асосий бевосита объектини мулк ва мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, қўшимча бевосита объектини эса ахборот

алмашув тизимида оид, шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муносабатлар ташкил этади.

Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб ўғирлик йўли билан талон-торож қилишнинг асосий бевосита объектини ўзгалар мулки ва шу мулк юзасидан келиб чиқадиган мулкий муносабатлар; қўшимча бевосита объектини эса ахборот хавфсизлиги ва дахлсизлиги, компьютер тизими ёки тармоғининг нормал фаолиятини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Адабиётларда ушбу масала юзасидан компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкани талон-торож қилишда асосий бевосита объект сифатида ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатларни олиш ва қилмишни ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят сифатида квалификация қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган таклифлар илгари сурилган²¹. Бизнингча, бу фикр жиноят ҳуқуқида ўрнатилган умумий қоида ва талабларга зиддир. Зеро, содир этилган икки объектли қилмишни ЖК Махсус қисмининг айнан қайси моддаси билан квалификация қилиш масаласи айбдорнинг жиноий тажовузи тўғридан-тўғри қаратилган ижтимоий муносабатлар (асосий бевосита объект)га қараб аниқланади. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда эса, айбдорнинг қасди авваламбор, ўзгалар мулкани талон-торож қилишга қаратилади ва бунда мол-мулкни эгаллаш вақтида ахборот тизимида зарар етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятининг асосий бевосита объекти — компьютер талон-торожининг ҳар бир шаклига тааллуқли хусусиятлари билан фарқланувчи мулк, қўшимча бевосита объекти эса ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатлардан иборат.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991-2006). Расмий нашр. Ж. 1. – Т., 2007. – Б.116.

² ИИВ Ахборот марказининг 2013-2015 йиллар бўйича статистик материаллари тўплами.

³ Якубов А.С., Кабулов Р. Современные тенденции в уголовной политике Узбекистана // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2010. – № 1. – С. 29–36; *Sottiev I.A.* Uyushgan guruhlar tomonidan sodir etiladigan jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish. – Т., 2012. – 43 б.; *Коржанский Н.И.* Объект преступления и предмет уголовно-правовой охраны. – М., 1980. – С. 74.

⁴ Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 1997. – С. 23.

⁵ Алауханов Е.О. Квалификация хищений, совершенных по подложным документам / Отв. ред. проф. Г.А.Ахмедов. – Алматы–Ташкент, 1994. – С.12.

⁶ Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2009. – Б. 38.

⁷ Диденко В.П. Квалификация хищений государственного или общественного имущества путем присвоения, растраты или злоупотребления служебным положением. – Киев, 1992. – С.3.

⁸ Никифоров Б.С. Объект преступлений. – М., 1960. – С.155.

⁹ Уголовное право / Под ред. Л.Д.Гаухмана и С.В.Максимова. – М., 2007. – С. 358; Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 1997. – С. 234.

¹⁰ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Т., 2009. – Б. 596; Прохоров В.С. Преступление и ответственность. – Л., 1984. – С. 44–56.

¹¹ Российское уголовное право. Общая часть / Под ред. В.Н.Кудрявцева, А.В.Наумова. – М., 1996. – С.84, 91–92; Фесенко Е. Объект преступления с точки зрения ценностной теории // Уголовное право. – М., 2003. – № 3. – С. 72.

¹² Уголовное право. Особенная часть / Под ред. проф. Л.Д.Гаухмана и проф. С.В.Максимова. – М., 2005. – С. 141-194.

¹³ Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Отв. ред. И.Я.Козаченко, Г.П.Новоселов. – М., 2008. – С. 209.

¹⁴ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Т.4. – Т., 2009. – С. 12; Елисейев С.А. Преступление против собственности по уголовному законодательству России: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Томск, 1999. – С. 17–18.

¹⁵ Клепицкий И.А. Собственность и имущество в уголовном праве // Государство и право. – 1997. – № 5. – С. 74– 83.

¹⁶ Алауханов Е.О. Криминологические проблемы предупреждения корыстно-насильственных преступлений: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Алматы, 2004. – С.10.

¹⁷ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 2006. – Б.119.

¹⁸ Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. – М., 2001. – С. 20.

¹⁹ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан. Общая часть. Т.1. – Т., 2009.

²⁰ Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Мулкни талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик. – Т., 2009. – Б. 122.

²¹ Ўша манба.